

35

E 64

357.741 □

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АВАЗ ЕРМЕТОВ

Туркистонда назорат органлари фаолияти
(Ишчи-деҳқон милицияси ва Ишчи-деҳқон
инспекцияси 1917-1924 йилларда)

TATU KUTUBXONASI
366515 -SONLI

ТОШКЕНТ - 2007

2033352

351.74

67.401.213

Е63\

Ерметов А.

Туркистонда назорат органлари фаолияти (Ишчи-деҳқон милицияси ва Ишчи-деҳқон инспекцияси 1917-1924 йилларда) / А. Ерметов; Масъул муҳар. Р. Ҳ. Муртазаева, Муҳар. В. Умиров. - Тошкент: "ABU MATBUOT-KONSALT" МЧЖ, 2007. - 158 б.

ISBN 978-9943-336-07-0; Б.ц.

ББК 67.401.213

№1146-1588/2007.

Мазкур монографияда совет давлати бошқарувининг муҳим бугинлари сифатида Туркистон АССРда ташкил этилган Ишчи-деҳқон милицияси ва Ишчи-деҳқон инспекцияларининг фаолияти, ундаги зиддиятли ҳолатлар, уларнинг улкада олиб борилган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларни амалга оширишдаги ўрни таҳлил қилинди.

Мазкур китоб олий ўқув юрглари талабалари ва умуман Ўзбекистон тарихи билан қизиқувчи барча китобхонлар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Р. Ҳ. Муртазаева - тарих фанлари доктори,
профессор

Тақризчи:

Қ. К. Ражабов - тарих фанлари доктори.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази томонидан 2007 йил 4 декабрда нашрга тавсия этилган.

© Ерметов А. Туркистонда назорат органлари фаолияти. Тошкент, "ABU MATBUOT-KONSALT" МЧЖ, 2007.

© "ABU MATBUOT-KONSALT" МЧЖ, 2007

ISBN 978-9943-336-07-0

СЎЗБОШИ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги барча тамойиллар ишлаб чиқилган бўлиб, бу ислохотларни амалга оширишда милиция органларининг ўрни ва роли ошиб бориши кузатилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унга тегишли органлар мамлакатимизда тартиб-ошойишталикни сақлашда муҳим рол ўйнамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов 2005 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузасида Туркистонда ўрнатилган совет ҳокимиятининг моҳиятини очиб кўрсатиш билан биргаликда, бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга тўхталиб, уларни қуйидагича изоҳлаган эди: «Маълумки, инқилоблар одатда ҳамма даврларда барча нарсани жоҳиллик билан вайрон қилиш воситаси ва қуроли бўлиб келган... Биз ҳокимиятнинг учинчи тармоғи бўлган суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш ва янада либераллаштиришга алоҳида аҳамият берамиз... Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг масъулиятини кучайтириш зарур»¹.

Ўзбекистондаги демократик ислохотларни амалга ошириш жараёнида ёш авлодни мустақилликка ишонч ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда тарих фанининг ўрни ҳамда аҳамияти беқиёсдир. Хусусан, яқин ўтмишда бўлиб ўтган тарихий воқеалардан сабоқ чиқариш, қилинган хатоларни такрорламаслик бугунги кунда давр талабига айланмоқда. Тарихий ҳақиқатни тиклаш зарурияти давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбе-

¹ Каримов И. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13.-Т.: Ўзбекистон, 2005.-Б. 183, 184, 189.

кистон раҳбари И. А. Каримов Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган маърузасида совет тузуми даврида Ўзбекистонда юз берган зиддиятли ҳолатлар ҳақида тўхталиб: «Ўзбекистон мана шундай таҳликали ва мураккаб вазиятда қандай мақсадларни кўзда тутиб, қандай амалий чора-тадбирларни амалга оширганини, бу ҳаракатларнинг илмий-тарихий, мантиқий ва қонуний замини ва омиллари, керак бўлса, истиқлол ўзбек халқига туҳфа тариқасида берилмагани — буларнинг барчаси ҳақида ҳар тарафлама чуқур ёритиб ва исботлаб берадиган изланиш ва таҳлил бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмаганини қайд этишимиз зарур»¹, деб таъкидлади.

Монографияда архив ҳужжатлари, матбуот материаллари, эълон қилинган ҳужжатлар ва материаллар тўпламлари, хотиралар ҳамда эсдаликларнинг таҳлили асосида Туркистон АССРдаги назорат органларининг ташкил этилиши ва уларнинг кейинги фаолиятидаги ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилди. Шунингдек, Ишчи-деҳқон милицияси ва Ишчи-деҳқон инспекциясига юклатилган вазифалар, белгиланган ваколатлар, Ишчи-деҳқон милициясининг фаолиятидаги зиддиятлар, Ишчи-деҳқон инспекциясининг Туркистон иқтисодиётида тартиб-интизом ўрнатиш борасида олиб борган ишлари, назорат органларидаги кадрлар тайёрлаш масаласи, уларнинг таркибий тузилиши, назорат органлари ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги зиддиятли муаммолар ва уларнинг сабаблари ишончли маълумотлар асосида тадқиқ этилган.

Муаллиф ушбу қўлёзмани нашрга тайёрлашда катта ёрдам кўрсатган т.ф.д., профессор Р.Ҳ. Муртазаевага ва тақризчи т.ф.д. Қ. К. Ражабовга миннатдорчилик билдиради.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли.-Т.: Ўзбекистон, 2007.-Б. 4.

Ї БОБ. ТУРКИСТОН ҰЛКАСИДА СОВЕТ ТУЗУМИНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

1.1. МАВЗУ ТАРИХШУНОСЛИГИ ВА МАНБАШУНОСЛИГИ

«Туркистондаги назорат органлари фаолияти» мавзусининг тарихшунослиги ва манбашунослиги масаласи анча мураккаб бўлиб, мазкур жihat ҳозиргача алоҳида тадқиқ этилмаган. Мавзуга тегишли тарихий адабиётларни икки даврга ажратиш мумкин: биринчиси — XX асрнинг 20—80 йилларида яратилган адабиётлар, иккинчиси — Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин нашр этилган тадқиқотлар.

XX асрнинг 20—30 йилларида тадқиқотлар асосан матбуотда ва турли тўпламларда эълон қилинган бўлиб, уларнинг муаллифлари хуқуқшунослар, тарихчилар ва давлат арбоблари эди. Матбуотда пайдо бўлган илк мақола ва рисоалар¹ асосан давлат арбобларининг турли мажлис ва йиғилишларда қилган маъруза ва ҳисоботлари асосида ёзилган бўлиб, уларда назорат органларининг тузилиши ва фаолияти билан боғлиқ айрим масалалар юзасидан маълумотлар келтирилади. Таъкидлаб ўтилган мақола ва рисоаларга қўшимча тариқасида «Рабоче-крестьянская милиция»²

¹ *Синицын П.* История советской рабоче-крестьянской милиции (по Саратовской губернии).-Саратов. 1924; За 8 лет. Материалы по истории советской рабоче-крестьянской милиции и уголовного розыска за 1917-12 ноября 1925 г.-Л., 1925; *Ярославский Е.* Как работает ЦКК и РКИ. -Л., 1926; *Быков П.* Секция рабоче-крестьянской инспекции -М.-Л., 1929; На борьбу с бюрократизмом и бесхозяйственностью, за чистоту партийных рядов. - Т., 1929; Обращение уполномоченного ЦКК — НКРКИ СССР в Средней Азии к рабочим шефам текстильщикам. — Т., 1930; *Сольц А.* О работе ЦКК. — М., 1930; *Горохов А.* Секции РКИ в действии. — М., 1930; *Кнорин В.* О ходе чистки Московской организации ВКП(б). — М., 1933 ва бошқ.

² «Рабоче-крестьянская милиция» журнали РСФСР Милиция Бош бошкармасининг таклифи билан 1922 йил ноябр ойдан бошлаб чиқарила бошлаган (1 йилда 12 марта). ИИХК коллегиясининг 1925 йил январдаги қарорига асосан журнал номи «Административный вестник» деб ўзгартирилиб. у 1930 йилгача фаолият кўрсатган.

журналида чоп этилган айрим мақолаларни ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин. Улар орасида И. Петкар¹, Д. Курский² ва С. Седовларнинг³ мақолалари алоҳида эътиборга молик. И. Петкар ўз мақоласида Ишчи-деҳқон милициясининг тузилиши билан боғлиқ кўплаб маълумотларни жамлаб, уларни таҳлил қилади. С. Седов эса Ишчи-деҳқон милициясининг тарихини ёзиш зарурлигини эътироф этиб, бунинг учун амалга оширилиши керак бўлган вазифаларни ишлаб чиқади.

Москвада 1922 йили нашр этилган 28 та мақоладан иборат тўпламнинг⁴ айрим қисмларида РСФСР Ишчи-деҳқон милициясининг 1917—1922 йиллардаги фаолияти тасвирланади. Ушбу китобдаги баъзи мақолаларда биринчи марта аниқ материаллар асосида милициянинг жамиятдаги бошқинчилик ва бошқа жиноятларга қарши фаолияти ўз аксини топади.

1925 йилда чоп этирилган илмий мақолалар тўплами⁵ фақат Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) милициясининг тарихига бағишланган бўлса-да, бу тўпلام милиция тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Унда Ленинград милицияси Иттифоқ миқёсида биринчи бўлиб тузилганлиги, милиция ходимлари орасида олиб борилган сиёсий тадбирлар ва жиноят-қидирув бўлимларининг фаолияти ҳақидаги маълумотлар умумлаштирилади.

Шу билан бирга, тадқиқ этилаётган даврда Туркистондаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларни тўғри таҳлил қилишда муҳим аҳамият касб этувчи, XX асрнинг 20—30 йилларида нашр этилган бир қатор китобларни⁶ ҳам таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

¹ Петкар И. Историческая справка, необходимая для создания истории рабоче-крестьянской милиции. // Рабоче-крестьянская милиция. 1924. №6. — С. 11—15.

² Курский Д. Милиция в прошлом и настоящем. // Административный вестник. 1925. №1. — С. 34—36.

³ Седов С. Год работы по составлению истории рабоче-крестьянской милиции. // Административный вестник. 1925. №11. — С. 58—60.

⁴ Пять лет власти Советов. — М.: Издание ВЦИК, 1922. — С. 265—270.

⁵ За 8 лет. Материалы по истории советской рабоче-крестьянской милиции и уголовного розыска за 1917 — 12 ноября 1925 г. — Л., 1925. Тўпلام 8 та мақоладан иборат. Улардан энг муҳимлари Л.Доброниннинг «РКП(б) ва милиция», М.Шугальскийнинг «Милиция тарихидан лавҳалар», С.Крениевнинг «Жиноят қидируви» каби мақолалари ҳисобланади.

⁶ Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана). -М., 1921; Муравейский С.

Г.Сафаровнинг асариди¹ Туркистондаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳвол, Россия империяси бу ўлкани босиб олгандан кейинги вазият ҳамда Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши билан боғлиқ бўлган сиёсий жараёнлар ҳаққоний тасвирланади.

Турор Рискулов ўзининг китобида² 1917—1919 йилларга оид Фарғона водийсидаги вазиятни кўрсатади. Муаллиф ўзи гувоҳ бўлган воқеалар асосида Фарғона водийсида совет ҳокимияти ўрнатилганидан кейинги аҳвол, водийдаги очарчилик ва унинг даҳшатли оқибатлари ҳақида ўзининг ҳаққоний хулосаларини беради. Бироқ бу икки муаллиф ўз асарларида Туркистондаги милиция ва назорат органларининг ташкил этилиши, уларни совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва муҳолифатдаги кучларга қарши юритган фаолиятини айтирли даражада ёритишмаган.

XX аср 40—йилларидан бошлаб то 80—йилларнинг ўртасигача яратилган асарлар³,

Из истории Коммунистической партии Туркестана. - Т., 1922; *Борисов Н.* Октябрь в Туркестане. - Т., 1922; *Рискулов Т.* Революция и коренное население Туркестана. Сборник статей, докладов, речей и тезисов с предисловием автора. Часть 1. 1917-1919 гг. - Т., 1925; *Бауман В.* Борьба за власть Советов в Ташкенте. - Т., 1922; *Очерки революционного движения в Средней Азии.* Сборник статей. - М., 1925; *Ходжаев Ф.* К истории революции в Бухаре. - Т., 1926; *Алексеев П.* Крестьянское восстание в Фергане. - Т., 1927; Унинг ўзи. Кокандская автономия. - Т., 1931; *Икромов А.* Итоги земельной реформы и перспективы ее закрепления. - Т., 1925; *Ходжанов С.* К 10-летию Советской Автономии Туркестана. - Т., 1928; *Зелькина Е.* Очерки по аграрному вопросу в Средней Азии. - М., 1930 ва б.

¹ *Сафаров Г.* Колониальная революция (Опыт Туркестана). - М., 1921.

² *Рискулов Т.* Революция и коренное население Туркестана. Часть 1. 1917-1919 гг. - Т., 1925.

³ *Николаев П.* Омская милиция в борьбе за установление Советской власти. - Омск, 1957; Унинг ўзи. Омская милиция в первые годы Советской власти. - Омск, 1959; Унинг ўзи. Кузница милицейских кадров. - Омск, 1960; Унинг ўзи. Советская милиция в Сибири (1917-1922 гг.). - Омск, 1967; *Еропкин М.* Краткий очерк развития организационных форм советской милиции (1917-1930 гг.). - М., 1957; Унинг ўзи. Развитие органов милиции в Советском государстве. - М., 1967; *Уразаев З.* Туркестанская АССР и ее государственно-правовые особенности. - Т., 1958; Унинг ўзи. Туркестанская АССР - первое социалистическое государство в Средней Азии. - М., 1961; *Дорохова А.* Рабоче-крестьянская инспекция в 1920-1923 гг. - М., 1959; *Иконников С.* Организация и деятельность РКИ в 1920-1925 гг. - М., 1960; *Агзамходжаев А., Уразаев З.* Развитие советской государственности в Узбекистане. - М., 1960; *Хакимов Н., Серый Я.* Борьба большевиков за создание национальной советской государственности в Туркестане. - Т., 1961; *Коваль Я.* Жестокая борьба (из истории Московского уголовного розыска 1917-1919 гг.). - М., 1963; *Казакевич М.* Милиция остаётся

мақолалар¹ ва диссертацион тадқиқотлар² асосан ҳуқуқ-шунослик соҳасида амалга оширилган.

на посту. - Симферополь, 1963; *Рогожин А.* Рабоче-крестьянская милиция УССР в период иностранной военной интервенции и гражданской войны. Харьков, 1964; *Проконенко Н., Романов М.* Советская милиция (1917-1920 гг.). - М., 1965; *Киссис М.* Основные этапы истории Советской милиции. - М., 1965; Из истории милиции Советской Украины. - Киев, 1965; *Мухамедов А.* Славный путь. - Ашхабад, 1965; Унинг ўзи. Пятьдесят лет на переднем крае. - Ашхабад, 1967; *Мильштейн Н.* Из истории Туркестанской ЧК. - Т., 1965; *Городешкий Е.* Рождение Советского государства. - М., 1965; *Манелис Л.* Из истории государственно-правовых взаимоотношений Туркестанской АССР и РСФСР. - Т., 1966; Белорусской милиции 50 лет. (*Атрошенко Ф., Балашова Г., Бельченко С.*лар) - Минск, 1967; *Арипов Р., Мильштейн Р.* Из истории госбезопасности Узбекистана (1917-1934 гг.). - Т., 1967; *Джалилов Т.* На страже народных интересов. Из истории борьбы советской милиции за укрепление власти советов в Туркестане в период 1918-1924 гг. - Т., 1963; Унинг ўзи. Верные отчие. - Т., 1968; Унинг ўзи. Милиция Бухарской Народной Советской Республики. - Т., 1969; *Гордиенко А.* Образование Туркестанской АССР. - М., 1968; *Нуруллин Р.* Советы Туркестанской АССР в период гражданской войны. - Т., 1965; Унинг ўзи. Борьба Компартии Туркестана за осуществление политики «военного коммунизма». - Т., 1975; *Бойжонов Р.* Туркестонда Октябрь революцияси историографиясига доир (1917-1967 йй.). - Т., 1968; *Иконников С.* Создание и деятельность объединенных органов ЦКК-РКИ в 1923-1934 гг. - М., 1971; *Атаджанов А.* Организация и деятельность РКИ в Туркестане. - Т., 1972; *Маскаленко А.* ЦКК в борьбе за единство и чистоту партийных рядов. - М., 1973; *Краснов А.* ЦКК-РКИ в борьбе за социализм. - Иркутск, 1973; *Яковенко Л.* Продовольственная политика Коммунистической партии и ее осуществление в Туркестане (1918-1954 гг.). - Душанбе, 1974 ва бошқ.

¹ *Иконников С.* Вовлечение трудящихся масс в управление государством. // Вопросы истории. 1957, №8; Унинг ўзи. Ленинский план реорганизации РКИ и его осуществление в 1923-1925 гг. // Вопросы истории. 1960, №2; *Новодворский М.* Из истории деятельности ЦКК-РКИ Узбекистана. // Общественные науки в Узбекистане. 1964, №6; *Джалилов Т.* Ревком УзССР в борьбе за укрепление социалистического правопорядка (1924-1925 гг.). // Общественные науки в Узбекистане. 1968, №6 ва бошқ.

² *Джалилов Т.* Создание рабоче-крестьянской милиции в Туркестане и ее деятельность по укреплению Советской власти (1917-1924 гг.). Автореф. дисс. канд. юрид. наук. - Т., 1964; *Новодворский М.* Деятельность ЦКК-РКИ Узбекской ССР по укреплению государственного аппарата республики в 1926-1929 гг. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. - Т., 1966; *Атаджанов А.* Организация и деятельность рабоче-крестьянской инспекции в Туркестанской АССР (1920-1924 гг.). Автореф. дисс. канд. ист. наук. - Т., 1966; *Полозов Г.* Правовые вопросы организации и деятельности милиции в особых условиях, связанных со стихийными бедствиями (По материалам Туркменской и Узбекской ССР). Дисс. докт. юрид. наук. - Т., 1970; *Мухамедов А.* Создание и деятельность Советской милиции в Туркменской ССР (1917-1936 гг.). Дисс. канд. юрид. наук. - Ашхабад-Ташкент, 1972; *Алимов Х.* Административная деятельность милиции Узбекской ССР в годы Великой Отечественной войны (1941-1945 гг.). Дисс. канд. юрид. наук. - Т., 1972 ва бошқ.

М.Еропкининг китобини¹ мавзуга оид мукамал асарлар сирасига киритиш мумкин. Муаллиф томонидан РСФСР милициясининг тузилиши билан боғлиқ барча масалалар ва фаолияти таҳлил қилинади ҳамда хулосалар чиқарилади. Лекин асарда Туркистонда тузилган милиция бўлимлари ва уларнинг фаолияти ҳақида маълумотлар учрамайди.

Ҳуқуқшунос олим Т.Жалиловнинг номзодлик диссертациясида² илк маротаба Туркистонда фаолият кўрсатган Ишчи-деҳқон милициясининг тузилиши масаласи ва уларнинг «босмачиликка» қарши олиб борган кураши атрофлича тадқиқ этилади. Тадқиқот ҳуқуқшунослик соҳасида олиб борилганлиги сабабли, асосан милиция ходимларига тегишли ҳуқуқий нормативларнинг таҳлиliga кўпроқ эътибор қаратилиб, унда кадрлар масаласи жуда сустр ўрганилган, ходимларнинг ижтимоий ҳаёти муаммоси эса умуман ўрганилмаган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, диссертация ишида мавжуд тузумнинг таъсири оқибатида кўплаб тарихий жараёнлар сохталаштирилади ҳамда воқеа ва ходисаларнинг тасвирланишида бир томонлама муносабат сезилади.

А. Отажоновнинг тадқиқотида³ катта ҳажмдаги архив материаллари, даврий матбуот маълумотлари асосида Туркистон АССРда Ишчи-деҳқон инспекциясининг ташкил этилиши ҳамда кейинги фаолияти ўрганиб чиқилган. Шу билан бирга инспекциянинг иқтисодий соҳадаги фаолияти, кадрлар масаласи ва ташкилотдаги моддий таъминот муаммолари ҳозиргача илмий муолага киритилмаган манбалар ҳамда янгича цивилизацияон ёндашув асосида қайта таҳлил этишни талаб қилади.

XX аср 80-йилларининг иккинчи ярмида яратилган адабиётларда совет жамиятида бошланган қайта куриш: янгиланиш руҳи ва ошкоралик тарихга янгича муносабатда бўлишга ундади. Шу

¹ *Еропкин М.* Развитие органов милиции в Советском государстве. - М., 1967.

² *Жалилов Т.* Создание Рабоче-крестьянской милиции в Туркестане и ее деятельность по укреплению Советской власти (1917-1924 гг.). Автореф. дисс. канд. юрид. наук. - Т., 1964.

³ *Атаджанов А.* Организация и деятельность Рабоче-крестьянской инспекции в Туркестанской АССР (1920-1924 гг.). Автореф. дисс. канд. ист. наук. - Т., 1966.

жиҳатдан олганда 1989 йил 15—16 ноябрда Ўзбекистон ФА Тарих институтида «Ўрта Осиё ва Қозоғистонда Октябрь инқилоби: назария, муаммолар, ўрганиш истиқболлари» мавзuida ўтказилган республикалараро илмий конференция муҳим ўрин тутди¹.

Тўпلامдан жой олган Р. Ё. Ражапова, Р. Нуруллин, И. Алимов, Ф. Қосимов, Р. Абдуллаев, С. Аъзамхўжаев, М. Ҳасановнинг² мақолаларида, шу билан бирга, В. Семенюта, Е. Прилуцкий ва В. Ивановларнинг диссертацион тадқиқотларида³ 1917—1924 йилларга оид воқеалар: Туркистон Мухторияти ҳукумати ва унинг фаолияти, ўлкадаги ижтимоий-сиёсий вазият, озиқ-овқат масаласи, миллий давлат қурилиши таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришганидан сўнг тарихчилар олдида ҳам кенг имконият ҳамда вазифалар пайдо бўлиб, тарихни ҳаққоний ва ҳолис равишда ёзишга киришилди, бу жараён негизида тадқиқ этилаётган мавзу тарихшунослигининг иккинчи даври бошланди. Мустақиллик йилларида тарихчилар томонидан янгича методологик услубда ёзилган рисоалар⁴, дарсликлар⁵, асарлар⁶

¹ Октябрьская революция в Средней Азии и Казахстане: теория, проблемы, перспективы изучения. / Отв-й ред. сборника Р. Я. Раджапова. - Т.: Фан, 1991.

² Қаранг: Октябрьская революция в Средней Азии - С. 8-32, 225-238, 239-249, 177-186, 94-101, 102-116, 159-176.

³ Семенюта В. Опыт решения продовольственного вопроса в Туркестане в первые годы советской власти (1917-1920 гг.) Автореф. дисс. канд. ист. наук. - Т., 1991; Прилуцкий Е. Национально-государственное строительство в советском Туркестане 1918-1920гг. Автореф. дисс. канд. ист. наук. - Т., 1991; Иванов В. Создание и деятельность Туркполитпросвета (1921-1924 гг.). Автореф. дисс. канд. ист. наук. - Т., 1991 ва бошқ.

⁴ Халқ хизматида 75 йил. Масъул муҳаррир Раҳимов. - Т.: Ўзбекистон, 1992; Голованов А. Крестьянство Узбекистана: Эволюция социального положения. 1917-1937 гг. - Т., 1992; Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. - Т.: Маънавийт, 2000; Таумуратов Н. Органы внутренних дел Республики Каракалпакистан в годы независимости: (страницы истории МВД РК). - Нукус: Каракалпакистан, 2003 ва бошқ.

⁵ Ражапова Р. Ё. ва б. Ўзбекистон тарихи (1917-1993 йй). 9-синф учун дарслик. - Т., 1994; Раджапова Р. Я. и др. История Узбекистана (1917-1993 гг.). Учебник для 9-класса. - Т., 1995; Алимова Д. А. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йй). 10-синф учун дарслик. - Т., 2000; Ўзбекистон тарихи (Олий Ўқув юртларининг номуахассис факультетлари талабалари учун). Р. Х. Муртазаеванинг умумий таҳрири остида. - Т., 2003 ва бошқ.

⁶ Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М. Жўраев. - Т., 2000. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Науч. ред. Р. Я. Раджапова. - Т.: Шарк, 2000;

билан бир қаторда Қ. Ражабов, З. Ғуломов, Н. Норжигитова, А. Рахмонқулова, А. Худойқулов, Ж. Тошқулов, Ф. Набиев, С. Аъзамхўжаев, Н. Озерова, Х. Куллиев, Р. Абдуллаев, М. Ҳайдаров, Д. Зиёева, Г. Рустамова, Н. Таумуратов, С. Шодмонова, Сё Енг Челнинг¹ диссертацион тадқиқотларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Қ. Ражабовнинг номзодлик диссертациясида катта ҳажмдаги архив материаллари ва хорижда нашр этилган адабиётлар тахлили асосида Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатининг тарихи ёритиб берилди. У ўзининг докторлик диссертациясида

Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917-1924 йй.). - Т.: Университет, 2002 ва бошқ.

¹ *Раджабов К.* Истиқлолчилик ҳаракати в Ферганской долине: сущность и основные этапы развития (1918-1924 гг.). Автореф. дисс. канд. ист. наук. - Т., 1995; Унинг ўзи. Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918-1924 гг.). Автореф. дисс. докт. ист. наук. - Т., 2005; *Гулломов З.* Проблемы совершенствования деятельности милиции в период становления демократического правового государства. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. - Т., 1995; *Норжигитова Н.* Историография «Басмаческого движения» в Туркестане (советский период). Автореф. дисс. канд. ист. наук. - Т., 1995; *Рахманқулова А.* Общественно-политическая жизнь Узбекистана (20-е годы). Автореф. дисс. канд. ист. наук. - Т., 1995; *Худойқулов А.* Просветительская деятельность джадидов Туржестана (конец XIX-начало XX вв). Автореф. дисс. канд. ист. наук. - Т., 1995; *Ташқулов Дж.* Основные направления политико-правовой мысли народов Узбекистана во второй половине XIX-первой четверти XX вв. Автореф. дисс. докт. юрид. наук. - Т., 1995; *Набиев Ф.* Проблемы и противоречие социальной политики в Туркестане (1917-1927 гг.). Автореф. дисс. докт. ист. наук. - Т., 1995; *Агзамходжаев С.* Туркистон Мухторияти: борьба за свободу и независимость (1917-1918 гг.). Автореф. дисс. докт. ист. наук. - Т., 1996; *Озерова Н.* Дехканство Туркестана в условиях перехода к нэпу (1921-1924 гг). Автореф. дисс. канд. ист. наук. - Т., 1997; *Куллиев Х.* Складывание экономических и духовных основ тоталитарного строя в Туркестане (1917-1920). Автореф. дисс. канд. ист. наук. - Т., 1998; *Абдуллаев Р.* Национальные политические организации Туркестана в 1917-1918 годы. Автореф. дисс. докт. ист. наук. - Т., 1998; *Ҳайдаров М.* Централизаторская политика Советской власти в Туркестане и ее последствия (1917-1924 гг.). Автореф. дисс. канд. ист. наук. - Т., 1998; *Леонов С.В.* Создание Советской государственности: теория и практика (1917-1922 гг). Автореф. дисс. докт. ист. наук. - М., 1998; *Зияева Д.* Национально-освободительное движение в Туркестане в историографии XX века (проблемы изучения истории восстания 1916 года и движения «истиқлолчилик» 1918-1924 гг.). Автореф. дисс. докт. ист. наук. - Т., 1999; *Рустамова Г.* Колониальная сущность царской и большевистской власти в Туркестане (1867-1924 гг.). Автореф. дисс. канд. ист. наук. - Т., 1999; *Таумуратов Н.* История милиции Каракалпакистана в период восстановления национальной государственности (1917-1936 гг.). Автореф. дисс. канд. ист. наук. - Нукус, 1999; *Минаков С.Т.* Советская военная элита 20-х годов: состав, социо-культурные особенности, политическая роль. Автореф. дисс. докт. ист. наук. - Орел, 2000; *Валиханова Н.* Историография национальных движений и партий Средней Азии за период 1917-1991 гг. Автореф. дисс. докт. ист. наук. - М., 2001;

эса Туркистон минтақасида совет режимига қарши олиб борилган қуролли ҳаракат тарихини батафсил кўрсатган. Н. Норжигитова Туркистондаги «босмачилик» ҳаракати совет даври тарихшунослигини замонавий нуқтаи назардан таҳлил қилади. С. Аъзамхўжаев ўзининг докторлик диссертацияси ва монографиясида Туркистон Мухторияти тарихини ўрганди. Р. Абдуллаев Туркистонда 1917—1918 йиллардаги миллий-сиёсий ташкилотларнинг шаклланиши ва фаолиятини кўрсатиб берди. М. Ҳайдаров ўзининг диссертацион тадқиқотида архив фондларидаги ўрганилмаган манбалар ва уларнинг танқидий таҳлили асосида Туркистондаги совет ҳокимиятининг марказлаштириш сиёсати ва унинг оқибатларини ёритди. Н. Таумуратовнинг диссертацияси Қорақалпоқ милициясининг совет тузуми давридаги тарихига бағишланган бўлиб, унда ҳозирги Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудига мос келувчи вилоятларда милиция бўлимларининг 1917—1936 йиллардаги фаолияти ёритилади.

1991 йилда СССР тарқалиб, унинг ўрнида 15 та мустақил давлатлар ташкил топгандан сўнг ушбу муаммо бизга қўшни республикаларда ҳам бевосита ўрганилмоқда. Қирғизистонлик тарихчи А. Джакишев ўзининг номзодлик диссертациясида¹ Қирғизистон милициясининг XX аср 50-йиллардаги фаолиятини ёритган. Бундан ташқари, Россия Федерацияси², Қозоғистон³,

Шадманова С. Вопросы борьбы против советского колониализма в Туркестане в 1917-1923 годах в немецкой и турецкой историографии. Автореф. дисс. канд. ист. наук. - Т., 2002; *Сё Енг Чель.* Зарубежная историография повстанческого движения в Туркестане в 1918-1924 гг. (на примере британо-американских и южно-корейских исследований). Автореф. дисс. канд. ист. наук. - Т., 2003; *Ерметов А.* Туркистонда назорат органлари ва уларнинг тоталитар тузум ўрнатилишидаги ўрни (1918-1924 йиллар). Автореф. дисс. канд. ист. наук. Т., 2006; *Ҳайдаров И.* Ўзбекистонда Иккисодий Кенгашлар фаолияти (1917-1934 йй.). Автореф. дисс. канд. ист. наук. Т., 2007 ва бошқ.

¹ *Джакишев А. У.* Деятельность милиции Кыргызстана по охране общественного порядка и борьбе с преступностью (50-е годы). Автореф. дисс. канд. ист. наук. - Бишкек, 1998.

² История России, XX век. Учебное пособие. -М.: АСГ, 2000; *Ратьковский И., Ходжов М.* История Советской России. Учебное пособие. -Санкт-Петербург: Лань, 2001.

³ *Абусейтова М. Х.* и др. История Казахстана и Центральной Азии. Учебное пособие. - Алматы: Дайк-Пресс, 2001; *Масанов Н. Э.* и др. История Казахстана: народы и культуры. Учебное пособие. - Алматы: Дайк-Пресс, 2001.

Қирғизистон¹, Тожикистонда² нашр этилган турли китоблар ва ўқув қўлланмаларида ушбу давлатлар ҳудудларида ХХ аср 20-йилларида мавжуд бўлган назорат органлари фаолияти ҳам қисман тадқиқ этилган.

Маълумки, Туркистонда бўлиб ўтган воқеаларни чет эл тадқиқотчилари қизиқиш билан ўрганганлар ва улар томонидан Туркистон тарихига оид бир қатор адабиётлар³ нашр этилган. К. Олаф, А. Парк, Р. Пайпс, Ж. Вилер, М. Буттино, Боймирза Ҳайит каби тадқиқотчилар ўз асарларида Туркистон тарихига оид воқеалар, совет ҳукуматининг ўрнатилиши билан боғлиқ масалалар, жамиятдаги қарама-қарши кучларнинг қарашлари, Туркистон Мухториятининг ташкил топиши ва большевиклар томонидан зўравонлик билан тугатилиши, большевиклар сиёсати ва қизил армиянинг талончилик фаолиятига қарши кўтарилган миллий озодлик ҳаракати, қўрбошилар фаолияти ҳамда Туркистон АССРдаги назорат органларининг тарихи ва совет давлати юритган миллий сиёсат масалаларини кўрсатиб беришган. Хусусан, инглиз тадқиқотчиси Жеофрей Вилернинг китобида «совет ҳукумати дабдабали декларацияларида халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳукукини расмий жиҳатдан эътироф этган бўлса-да, амалда у чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатини янгича асосларда давом эттирди»⁴, деб таъкидланади.

Мазкур асарнинг манбавий асосини шартли равишда тўрт гуруҳга ажратиш мумкин: архив ҳужжатлари, даврий матбуот

¹ История кыргызов и Кыргызстана. Учебник для вузов. 3-изд. - Бишкек: Илим, 2000.

² Хайдаров Г. К. История таджикского народа: ХХ век. - Худжанд, 2001; История таджикского народа. Т.5. Новейшая история (1917-1941 гг.). - Душанбе, 2004 и др.

³ *Caroe Olaf*. Soviet Empire. The Turks of Central Asia and Stalinism. London Macmillan and Co Ltd. New York st Martins Press, 1954; *Alexandr G. Park*. Bolshevism in Turkestan 1917-1927/ Columbia University. Press. New York, 1957; *Pipes Richard*. The formation of the Soviet Union: Communism and Nationalism, 1917-1923/ Cambridge, Mass. Harward University Press. 1957; *Geoffrey Wheeler*. The modern history of Soviet Central Asia. - London. Weidenfeld and Nicolson, 1964; *Baymirza Hayit*. Turkiston Rusya ile Cin arasinda. - Istanbul, 1975. Унинг ўзи. «Basmacilar». Turkistan Milli Mucadele Tarihi (1917-1934). - Ankara, 1997; *Marco Buttino*. La rivoluzione capovolta. - Napoli, 2003 ва бошқ.

⁴ *Geoffrey Wheeler*. The modern history of Soviet Central Asia. — London. Weidenfeld and Nicolson, 1964, Page. 98.

материаллари, эълон қилинган ҳужжатлар ва материаллар тўпламлари, хотиралар ва эсдаликлар.

Биринчи гуруҳга энг муҳим манбалар кирган бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (Ўзбекистон МДА)нинг — 1, 17, 25, 38, 39, 41, 86, 87, 95, 339, 340, 343, 344, 345-фондлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги архиви (ЎзРИИВА)нинг — 39, 432-фондлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг архиви (Ўзбекистон РПДА)нинг — 60-фонди, Тошкент вилояти давлат архиви (Тошкент ВДА)нинг — 47, 48, 777-фондлари, Фарғона вилояти давлат архиви (Фарғона ВДА)нинг — 121-фондларидан олинган материаллардан ташкил топган. Булар орасида Ўзбекистон МДАдаги Туркистон АССР Ички ишлар халқ комиссарлиги (ф.39), Туркистон АССР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги (ф.41), Туркистон АССР ИИХК Милиция Бош бошқармаси (ф.339) ва Ўзбекистон РПДАга тегишли Туркистон Компартияси Марказий Комитети (ф.60) фондларидан олинган манбаларни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. 39-фонддаги материалларда Туркистон АССР ИИХК тасарруфида бўлган милиция бўлимлари ва уларнинг фаолияти тўғрисида кўплаб маълумотлар учрайди. 41-фонд ҳужжатларида Туркистон АССРда Ишчи-деҳқон инспекциясининг тузилиши ҳамда инспекция органларининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳада олиб борган фаолияти билан боғлиқ масалалар ҳақидаги муҳим маълумотлар келтирилади. 339-фонддан олинган архив манбалари эса Туркистон АССР ИИХК таркибида ташкил этилган Милиция Бош бошқармаси (ГУМ)нинг фаолияти, жойлардаги милиция бўлимларидан бошқармага топширилган ҳисоботлар ҳамда Милиция Бош бошқармаси томонидан Туркистон АССР МИК ва ИИХК, шунингдек, РКП(б) МК ва РСФСР ИИХКга юборилган билдиришнома ва ҳисоботлардан иборат. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг архивидаги 60-фонддан олинган материаллар шу жиҳати билан қимматлики, «ўта махфий» тамғаси босилган бу маълумотларда назорат органларининг фаолияти ва умуман совет ва хўжалик ташкилотларида мавжуд бўлган барча салбий ҳолатлар вилоятлар Фавкулудда комиссияси бўлимлари ва ижроия кўмиталари томонидан ТКП МК ва Туркистон АССР МИКга топширилган ҳисоботларда очиқ кўрсатилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон МДАнинг Туркистон АССР Олий Суди (343-фонд), Туркистон АССР Инқилобий ҳар-

бий трибуналы (344-фонд), Туркистон округи темир йўллари Инкилобий ҳарбий трибуналы (345-фонд) фондларида милиция ходимларининг ўз фаолияти давомида йўл қўйган жиноятлари ва бу жиноий ишлар юзасидан олиб борилган суд жараёнлари ҳақида қўллаб ҳужжатлар уч-райди.

Иккинчи гуруҳдаги даврий матбуот материалларига «Известия ВЦИК Советов», «Известия ТуркЦИК», «Наша газета», «Туркестанская правда», «Рабоче-крестьянская милиция», «Вестник НКВД» сингари газета ва журналларда нашр этилган мақолаларни киритиш мумкин. Уларда РСФСР ва Туркистон АССРда назорат органларининг тузилиши ва фаолияти юзасидан қабул қилинган Низомлар, назорат органларида кадрлар масаласи ҳақидаги маълумотларни учратиш мумкин.

Учинчи гуруҳ манбалари тадқиқ этилаётган даврда Туркистон АССРдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар акс эттирилган, назорат органларининг фаолиятига тегишли бўлган ҳужжатлар¹ тўпламларидан иборат. Хусусан, бу манбалар орасида Туркистон АССРдаги милиция органларининг фаолияти билан боғлиқ икки китоб алоҳида ажралиб туради. Туркистондаги Ишчи-деҳқон милицияси фаолиятининг дастлабки даври (1917—1919 й.) билан боғлиқ биринчи китобчада Туркистон Республикаси совет Ишчи-деҳқон милициясининг Низоми ва бошқа муҳим ҳужжатлар киритилган бўлиб, уларда милиция органларининг ташкилий тузилиши, милиция бўлимлари фаолияти тўғрисида турли низомлар келтирилган. Туркистон АССРдаги вилоятлар ва уезд-шаҳарлар милиция органлари раҳбарлари ва бошқарма бошлиқлари ҳамда шаҳар Коммунал хизмати бўлимлари бошлиқларининг 1922 йил

¹ Положение о Советской Рабоче-Крестьянской Милиции Туркестанской Республики Российской Советской Федерации. 111 стр. (Китобнинг титул varaғида у нашр қилинган жой ва йили кўрсатилмаган. Бизнингча, ушбу китоб 1919 йил охирида Тошкентда нашр этилган); Мусбюро РКП(б) в Туркестане. 1, 2 и 3-Туркестанские Краевые Конференции РКП 1919-1920 гг. С введением тов. Рыскулова. - Т., 1922; Материалы 1-го Всетуркестанского (объединенного) Съезда заведующих Областными и уездно-городскими Коммунальными отделами, состоявшегося 11-18 июня 1922 г. - Т.: Издание Народного Комиссариата Внутренних Дел., 1922. — 64 стр; Из истории ВЧК (1917-1921 гг.). Сборник документов. - М.: Госполитиздат, 1958; Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. Т.1. Установление советской власти в Узбекистане. - Т.: Изд. АН УзССР, 1963; Т.2. Упрочение советской власти в Узбекистане. - Т.: Фан, 1972 и др.

11—18 июнда Тошкентда бўлган биринчи Туркистон (бирлашган) съезди материалларида эса Туркистон АССР ИИХК фаолияти, комиссарлик тизимидаги ўзгаришлар, милиция органларининг қатағон сиёсати; вилоят, уезд, волост ва қишлоқ советларининг фаолияти ҳамда улар билан милиция органлари ўртасидаги муносабатлар кўрсатилган. Бу китобда Туркистон АССР ИИХК штати, милиция ходимларининг этник таркиби ва ижтимоий келиб чиқиши, уларнинг ёши ва лавозими тўғрисида ҳам муҳим маълумотлар мавжуд.

Туртинчи гуруҳ манбаларини хотиралар ташкил қилади. Туркистон Мухторияти ҳукуматининг Бош вазири ва ташқи ишлар вазири лавозимларида ишлаган Мустафо Чўқай ўз хотираларида¹ 1917 йил февралдан кейин Тошкентда тузилган дастлабки милиция органлари ишини кўрсатади ва мухторият ҳукумати даври (1917 йил ноябр - 1918 йил феврал) да Қўқондаги милиция қисмлари фаолиятига тўхталиб ўтади. Шунингдек, совет даврида чоп этилган хотиралар ва эсдаликлар тўпламларида² совет милиция органларининг фаолияти тўғрисида баъзи фикрлар мавжуд.

Тадқиқот жараёнида турли архивлар ҳамда газета ва журналлардан олинган барча материаллар бир-бирига ўзаро таққосланди ва илмий таҳлил этилиб, улардан монографияда фойдаланилди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур тадқиқотларда Туркистон АССРдаги назорат органларининг фаолияти тўлиқ ўрганилмади. Хусусан, совет даврида яратилган асарларда муаммога ёндашув коммунистик мафкуранинг ғоявий таъсири остида бўлганлиги учун бу масалалар ўзининг ҳолис талқинини топган эмас. Ўзбекистонда мустақиллик даврида яратилган тадқиқотларда ҳам Туркистон АССРдаги милиция ва инспекция органлари фаолияти етарли даражада ёритилмади.

Шунингдек, мавзуга оид қўплаб бирламчи материаллар ҳам муомаллага тўлиқ киритилмаган бўлиб, мазкур монографияда улардан имконият даражасида фойдаланилди ва илмий муомаллага киритилди.

¹ Мустафо Чўқай ўғли. Истиқлол жаллодлари (1917 йил хотиралари). Нашрга тайёрловчи Б. Қосимов, — Т.: Гафур Ғулوم нашриёти, 1992.

² Туркистон интервенция ва гражданлар уруши даврида. Хотиралар тўплами. — Т.: Ўздавиашр, 1961.

1.2. ТУРКИСТОНДА ОКТЯБР ТҮНТАРИШИДАН КЕЙИНГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ АҲВОЛ

1917 йил 27 февралда Петроградда бошланган инқилоб Туркистон ўлкасига ҳам ўз таъсирини ўткази бошлади. Натижада Туркистонда ҳам ишчи ва солдат депутатлари Советлари тузила бошлади.

1917 йилда ўлка мухторияти масаласи Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида асосий масала бўлиб қолди. Туркистонга мухторият мақомини бериш ғояси нафақат демократик зиёлилар ўртасида, ҳатто дин пешволари ва оддий одамлар орасида ҳам оммалашган эди. Ижтимоий тафовутларга қарамай, бутун Туркистон жамиятида ўлканинг мустамлака мақомини тугатишга интилиш кучли эди. Миллий озодлик учун бошланган ҳаракат бу ерда янги ҳокимиятнинг рус ташкилотлари билан бир қаторда «Шўрои Исломия», «Шўрои уламо», «Мирваж ул-ислом», «Мифтоқ ул-маориф», «Равнақ ул-ислом», «Иттифоқ ул-муслимин», «Турон» ва бошқа турли мусулмон ташкилотлари пайдо бўлишига олиб келди¹.

«Шўрои Исломия»нинг Тошкент ташкилоти ташаббуси билан қақирилган Бутунтуркистон мусулмонларининг 1-қурултойи 1917 йил 16 апрелда иш бошлади. Қурултойда давлат бошқаруви ва уни ташкил қилиш масалалари бўйича Аҳмад Закий Валидий маъруза қилди. Бутунтуркистон мусулмонлари 1-қурултойининг сўнгги мажлисида марказий орган — Туркистон ўлка Мусулмонлар Марказий Шўроси (Краймуссовет) ташкил этилиши ҳақида қарор қабул қилинди. Унинг ташкил этилишидан асосий мақсад миллий озодлик ҳаракатига ташкилий ва марказлаштирилган тус бериш учун барча жамият, қўмита ва иттифоқларни бирлаштириш эди.

Шундай қилиб, Туркистоннинг бирлиги ва яхлитлиги йўлида биринчи муҳим қадам қўйилди. Афсуски, ўлка мусулмонлари

¹ Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор: Р. Я. Раджапова. - Т.: Шарк. 2000. - С. 24.



сиёсий ташкилотларининг бирлашиш жараёнлари ҳар доим ҳам бир текис ривожланмай, Мунаввар Қори бошчилигидаги «Шўрои Исломия»дан 1917 йил июн ойида «Шўрои Уламо» ажралиб чиқди. «Шўрои Уламо» ташкилотининг ташаббуси билан Тошкентда 1917 йил 17—20 сентябрда туркистонлик мусулмонларнинг қурултойи ўтказилди. Натижада «уламочилар» билан «шўрои Исломчилар» ўртасидаги узоқ ва кескин келишмовчиликларга қарамай, қурултой келишиш йўллари топишга муваффақ бўлди. «Шўрои Исломия», «Турон», «Шўрои Уламо» — барчаси бирлашди ва ягона куч сифатида иш қўриш вақти келгани алоҳида таъкидланиб, «Иттифоқи муслимин» деган сиёсий партия тузишга қарор қилинди¹. Шунингдек, қурултойда Туркистоннинг миллий давлатчилиги тузуми ҳақида турли фикрлар билдирилди.

Шундай қилиб, «уламочилар» қурултойидаги асосий масала Туркистон ўлкасининг келажакдаги сиёсий бошқаруви тўғрисида бўлиб, унда демократик Россия таркибида ҳудудий мухтор федерация — «Туркистон Федератив Республикаси» тузилиши гоёси илгари сурилди. Бунда Туркистон федерацияси ўз пулини муомалага чиқариши, ўз милициясига эга бўлиш, ўз чегарасини қўриқлаш учун қўшин сақлаши мумкин бўлиши кўзда тутилди. Уруш вақтида чегарани қўриқлаш вазифаси эса Россия республикасининг ҳукумати томонидан ташкил этилиши, Туркистон федерациясининг бутунлай Россия ҳукумати буйруғига бўйсунishi таъкидланди².

Туркистонда Муваққат ҳукумат фаолият қўрсатган давр (1917 йил март—октябр)да дастлабки милиция органлари тузилди. 1917 йилда Туркистондаги сиёсий жараёнларнинг марказида турган таниқли давлат ва сиёсат арбоби Мустафо Чўқай (1886—1941) ўзининг кейинчалик ёзган хотираларида ўша пайтдаги милиция фаолиятига ҳам қисман тўхталиб ўтиб, Сирдарё вилояти ва Тошкент Эски шаҳар милицияси билан жаҳид тараққийпарварларидан Мирмуҳсин Шермуҳаммедов (1895—1929)

¹ Улуғ Туркистон. 1917 йил 30 сентябр.

² Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. Т. 1. - С. 442-446.

Ўртасидаги можаролар (машхур «Мирмуҳсин масаласи»)ни батафсил ёритади¹.

1917 йил октябр ойида Тошкент Совети солдатларни ўз томонига оғдира бошлади, асли россиялик бўлган ишчилар ҳам унга эргашди. Тошкентдаги Октябр тўнтариши қатнашчилари 1 ноябрда Коровиченко ва Муваққат ҳукуматнинг Туркистон Комитетини қамокқа олдилар. Шу куни Тошкент Совети Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилганлигини эълон қилди. 1917 йил 1 ноябрда советлар Янги Термиз ва Каттақўрғонда, 25 ноябрда Янги Бухоро (Когон)да, 28 ноябрда Самарқандда, 7 декабрда Наманганда ҳокимиятни ўз қўлига олди².

Туркистонда большевиклар пролетариат «манфаатлари»дан келиб чикиб сиёсат юрита бошладилар. Ўлкадаги янги тузум Россия империясининг мустамлакачилик сиёсатидан ошиб тушди. Туркистон ўлкаси иккинчи марта Марказий Россияга сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан қарам бўла бошлади.

1917 йил 26—28 ноябрда Қўқон шаҳрида Туркистон ўлка мусулмонларининг фавқулодда IV-қурултойи бўлиб ўтди³. Маълумки, мусулмонларнинг ушбу қурултойи ва унда қабул қилинган қарорлар ўн йиллар мобайнида «миллатчилар гуруҳининг йиғинида эълон қилинган буржуа мухторияти» деб талкин қилиб келинди. Хужжатлар эса ушбу ҳолнинг бутунлай тескараси бўлганлигини исботлайди. Масалан, муфтий Маҳмуд-хўжа Бехбудий ўз маърузасида⁴ қурултойнинг Туркистон халқлари тарихида улкан ижобий, тарихий ҳодиса ва бурилиш даври эканини таъкидлаб, «Қурултойимиз қабул қилаётган қарорлар шунинг учун ҳам аҳамиятлики, унда Туркистон аҳолисининг европалик вакиллари ҳам иштирок этмоқдалар»⁵, деди.

¹ *Мустафо Ҷуқай ўғли*. Истиқлол жаллодлари (1917 йил хотиралари). Нашрга тайёрловчи Б. Косимов, - Т.: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992. - Б. 56-57.

² *Иноятов Х. Ш.* Победа Советской власти в Узбекистане. - Т., 1967.

³ Туркестанский вестник, 9 декабря 1917 г.

⁴ *Бехбудий М.* Танланган асарлар. - Т.: Маънавият, 1997. 30-б.

⁵ Туркестанский вестник, 9 декабря 1917г.

Қурултой 1917 йил 27 ноябр куни қабул қилган қарорда: «Туркистонни Федератив Россия Республикаси таркибида ҳудудий жихатдан мухтор деб эълон қилди ҳамда мухториятнинг қарор топиш шаклларини Таъсис мажлисига ҳавола этди»¹. 28 ноябрда таркиб топаётган мазкур ҳукуматнинг номи аниқланиб, у Туркистон Мухторияти деб аталадиган бўлди².

Бутунроссия Таъсис мажлиси чақирилгунга қадар ҳокимият Туркистон Муваққат кенгаши ва Туркистон Миллий (миллат) Мажлиси қўлида бўлиши керак, деб ҳисобланди. Қурултойда Туркистон Муваққат кенгаши аъзоларидан Туркистон Мухторияти ҳукумати (8 кишидан иборат) тузилди³. Бош вазир қилиб аввал Муҳаммаджон Тинишбоев, сўнгра Мустафо Чўқай сайланди. Айни пайтда М.Тинишбоев ички ишлар вазири ҳам ҳисобланган. Қўқон шаҳри миршабларининг бошлиғи — қўрбошиси бўлган Кичик Эргашнинг ваколати Туркистон Мухторияти томонидан эътироф этилди. Шунингдек, Убайдулла Хўжаев ҳарбий вазир, Абдурахмон Ўразаев ички ишлар вазирининг ўринбосари қилиб сайландилар.

Туркистон Мухторияти миллий қўшинни ташкил қилишга жиддий киришди. 1918 йил бошида уларнинг сони 2000 аскарга етган. Бундан ташқари, Қўқонда тахминан шунча миршаб бор эди. Уларга Кичик Эргаш қўрбоши бошчилик қилган.

Туркистон Мухторияти ҳукуматининг халқ орасида обрў-эътибори ва нуфузи ошиб бориши большевикларни ташвишга солиб қўйди. Туркистон ўлка Советларининг IV съезди (1918 йил 16—29 январ) Туркистон Мухторияти ҳукумати ва унинг аъзоларини қонундан ташқари ҳолатда, деб ҳисоблади, хатто ҳукумат аъзоларини қамокқа олиш ҳақида қарор қабул қилди⁴.

¹ Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. Т. 2. - Т.: Фан, 1972. - С. 27.

² Улуғ Туркистон. 1917 йил 8 декабр; Туркестанский вестник. 1 декабря 1917 г.

³ Ҳасанов М. Туркистон Мухторияти: ҳақиқат ва уйдирма. // Фан ва турмуш, 1990, №9, 4-6 б.

⁴ Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. - Т.: Маънавият, 2000. - Б. 153-155.

Съезд тугаганидан кейин уч кун ўтгач, 1918 йил 30 январда Туркистон ўлкаси ХКС мухторият ҳукуматини тугатиш учун ҳарбий ҳаракатларни бошлади. 1 февралда (янги ҳисоб билан 1918 йил 14 февралда) Фарғона вилоятида ҳарбий ҳолат эълон қилинди¹.

Кескин қарама-қаршиликлардан сўнг, 1918 йил 6 февралда (янги ҳисоб билан 1918 йил 19 февралда) Қўқон шаҳрида фаолият кўрсатаётган Туркистон Мухторияти ҳукумати большевикларнинг қонли ҳужумлари оқибатида ағдариб ташланди. Мухторият ҳукуматининг тирик қолган ҳарбий кучлари Кичик Эргаш бошчилигида Қўқон атрофидаги Бачқир қишлоғига чекинди. Афсуски, ҳукумат ағдарилгач ҳам ваҳшийлик давом этиб, Қўқон ва унинг атрофларидаги тинч аҳолини талаш ва ўлдириш ҳолатлари тўхтамади. Фақат Қўқоннинг ўзида уч кун давомида 10.000 киши ўлдирилди². 1918 йил 27 февралда Бачқир қишлоғида қизил гвардиячилар ва арман дашноқларига қарши бўлган жангларнинг бирида Кичик Эргаш ҳалок бўлади. Туркистон Мухторияти ҳукумати атиги 72 кун мавжуд бўлган бўлса ҳам, у эркसेвар халқимизни миллий мустақиллик ва истиқлол учун курашга даъват этиб кетди.

1918 йилнинг эрта баҳорида аввал Фарғона водийсида, сўнгра бутун Туркистонда совет режимига қарши кўтарилган ҳаракатлар³ айнан Қўқон фожеаларидан кейин бошланганлиги фикримизнинг далилидир.

Марказдаги большевиклар чекка ўлкалар, шу жумладан, Туркистонда ҳам ўз ҳукуматини мустақамлашга қаттиқ киришди. Лениннинг буйруғи билан большевик П. Кобозев Ўрта Осиёнинг фавқулодда комиссари сифатида жўнатилди. 1918 йил апрел ойининг бошларида Кобозев Тошкентга етиб келди ва 10 апрелда у Туркистон ўлкасини бошқаришга киришганлигини эълон қилди⁴.

¹ ЎзРМДА, 25-фонд, 1-руйхат, 35-иш, 56-варақ.

² Шамагдиев Ш. П. Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. - Т.: Фан 1961. - С. 55-56.

³ Туркистонда истиқлолчилик ҳаракати Қ. Ражабовнинг диссертацион тадқиқоти ва бошқа илмий мақолаларида атрофлича ва ҳолис ёритилганлиги учун биз бу мавзуга тўхталмадик. Бу ҳақда батафсил қаранг: *Раджабов К. К.* Вооруженное движение в Туркестанском крае против Советского режима (1918-1924 гг). Автореф. дисс. докт. ист. наук. - Т., 2005. 64 с.

⁴ ЎзРМДА, 25-фонд, 1-руйхат, 35-иш, 214-варақ.

1918 йил 20 апрел—1 майда Тошкентда Туркистон ишчи, солдат, муслмон ва деҳқон депутатлари Советларининг V ўлка съезди бўлиб ўтди ва 30 апрелда «Туркистон Совет Федератив Республикаси тўғрисида Низом»¹ қабул қилинди. Низомга кўра, Туркистон ўлкасининг ҳудуди «Россия Совет Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси» деб эълон қилиниб, унинг таркибига Хива ва Бухородан ташқари Туркистоннинг барча ҳудудлари киритилди. Туркистон АССР мухторият тарзида бошқарилиб, ўзининг барча фаолиятини РСФСР ҳукумати билан мувофиқлаштирарди². Туркистон Советларининг VI съездида (1918 йил 5—14 октябр) РСФСР Конституцияси асосида «Туркистон АССР Конституцияси» қабул қилинди³. Конституцияда «мудофаа, ташқи алоқалар, почта, телеграф, денгиз ишлари, темир йўл, божхона, савдо, саноат ва молия масалалари Федерал ҳукумат ихтиёрида қолдирилганлиги»⁴ алоҳида таъкидланди, яъни давлат бошқарувининг барча тармоқлари қонуний равишда Марказга бўйсундирилди. Бу «автономия» табиатан миллий мухторият бўлмай, балки ҳудудий бир автономия эди. Бунинг устига, ушбу «мухторият» самараларидан биринчи галда ўлкадаги европалик аҳолининг асосан пролетар қисми фойдаланди.

Туркистонда советча иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг асосий негизи ўлка иқтисодиётини Марказ иқтисодиётига бўйсундиришдан иборат бўлди. Ўлкада Туркистон Халқ Комиссарлари Совети (ХКС) ташкил этилиб, унинг таркибига 15 та комиссарлик киритилди. Туркистон ўлкаси ХКС ўз фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб совет сиёсатини амалга оширишга, ўлкада совет ҳокимиятини мустаҳкамлашга астойдил киришди. 1917 йил охиридан бошлаб то 1918 йил баҳоригача 330 дан ортиқ саноат корхонаси, банклар, босмахоналар, темир йўл транспорти национализация қилиниши оқибатида ишлаб чиқариш деярли тўхтади⁵. Национализация қилиниб, давлат мулкига айлантирилган корхоналарнинг мулклари эса яроқсиз ҳолга келиб қолди.

¹ Наша газета, 5 мая 1918 г.

² Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Т. II. Т., 1972. С. 251

³ Гордиенко А. Образование Туркестанской АССР. М., 1968. - С. 253-256.

⁴ Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Т. II. Т., 1972. С. 519.

⁵ ЎзРМДА. 17-фонд, 1-рўйхат, 375-иш, 33-варақ.

1918 йил 21 январдан бошлаб Туркистон ўлкасида ғалла билан эркин савдо қилиш тақиқланди. Хусусий мулк эгалари текинхўрлар деб эълон қилиниб, фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум қилинди. 1918 йил 26 февралда Туркистон ўлка ХКС раиси Ф. И. Колесов пахта толаси ва пахтани мусодара қилиш тўғрисидаги декретни имзолади. Мазкур декретга кўра, қисқа вақт ичида заводларга топширилган 3,4 млн. пуд пахта толаси, 6 млн. пуд хом пахта, 600.000 пуд пахта ёғи, 4 млн. пуд чигит, 1,1 млн. пуд кунжара совет давлати ихтиёрига бепул ўтди. Деҳқонлар заводга топширган пахтаси учун ҳам, уйдан олиб кетилган пахта учун ҳам лоақал қатъий нархда бўлса-да, пул олмадилар¹.

Шунингдек, ўлкада ишлаб чиқариш устидан ишчи назорати жорий қилина бошлади. 1918 йил март ойига келиб саноат корхоналарининг тахминан 10% и ишчи назорати билан қамраб олинди².

Совет ҳукумати барча корхоналар фаолиятини йўлга қўйиши, яъни уларни маблағ ва тегишли хом ашё, техник кучлар ҳамда идора ходимлари билан таъминлаши лозим эди. Афсуски, большевиклар бу вазифани анча пайтгача уддалай олмай, ишлаб чиқаришни бутунлай издан чиқардилар. Натижада кўплаб корхоналар ёпилиб қолди.

«Ҳарбий коммунизм» сиёсати ўз моҳиятига кўра фақат йирик саноатнигина эмас, балки касибчилик ишлаб чиқаришидан тортиб, майда касибчилик устахоналаригача умумийлаштиришни тақозо этарди. Бунинг оқибатида ўлкадаги завод ва фабрика типидagi барча йирик ва ўрта корхоналар, шунингдек, ҳунармандчилик ва ярим ҳунармандчилик типидagi майда корхоналарнинг бир қисми деярли ҳеч қандай ҳақ тўланмасдан давлат ихтиёрига ўтказилди. 1919 йилнинг охирида бутун-бутун саноат корхоналарини (тамакичиликдан ташқари) национализация қилиш тугалланди ва кейинги йилларда айрим майда корхоналарни умумийлаштириш

¹ Акромов А. Босмачилик ҳаракаги ва унинг моҳияти // Ҳаёт ва иқтисод, 1991, №7, 58-б.

² Ульмасов А. Национализация промышленности в советском Туркестане. - Т., 1960. - С. 37.

амалга оширилди. Шу билан бирга, майда ҳунармандчилик устахоналари ҳам назорат остига олиниб, маъмурий усуллар билан бирлаштирилди ва ҳунармандлик артеллари ташкил қилинди. Улар мустақил фаолият кўрсатишдан бутунлай маҳрум этилган бўлиб, фақат давлат буюртмаларини бажаришга мажбур эдилар.

Совет ҳукумати «ҳарбий коммунизм» сиёсатининг муҳим таркибий қисми сифатида умумий меҳнат мажбуриятини жорий қилди. Бу тадбирларни амалга ошириш учун Туркистон АССР ХКС томонидан «Умумий меҳнат мажбуриятини ҳаётга татбиқ этиш» тўғрисида қарор қабул қилинди (9.IX.1918 й.)¹. Ана шу қарорга асосан ўлкада меҳнат билан шуғулланмайдиган 19 ёшдан 55 ёшгача бўлган барча аҳолини рўйхатга олишга қарор қилинди. Бундай тадбирдан қўзланган асосий мақсад, келажакда улардан саноатнинг ишчи кучи етишмаётган тармоқларида фойдаланиш эди.

Бошқа соҳалар каби қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳам оғир аҳволга тушиб қолган эди. 1917 йилда Туркистонда барча экин майдонларининг миқдори 2,8 млн. десятина бўлган бўлса, 1923 йилда бу кўрсаткич 1,6 млн. десятинага тушиб қолди².

Чорвачилик бу пайтда хўжаликнинг бошқа турларига қараганда энг кўп зарар кўрди. 1917 йилдан 1920 йилгача подалар сони тенг ярмига қисқариб кетди. Фарғона водийсида 1917 йил 257598 от, 526686 қорамол, 14289 туя, 561197 қўй, 205525 эчки бор эди³. Лекин уч йилда Фарғонада юк ташувчи отлар 5 марта ва қўшга қўшилувчи хўкизлар 4 марта камайди.

Ўлка озиқ-овқат ташкилотларининг 1919 йил 30 июнда бўлган съезди Туркистонда чорва молларининг бунчалик озайиб кетганига Россиянинг беш йиллик уруши, табиий офатлар билан бир қаторда республикада шафқатсиз равишда ўтказилган мобилизация, конфискация ва реквизиция сиёсати ҳамда айрим ваколатли идораларнинг қўпол хатоси сабаб бўлганлигини эътироф этди⁴.

¹ ЎзРМДА, 39-фонд, 1-рўйхат, 304-иш, 38-варақ.

² Ц. С. У. Туркесублики. Статистический ежегодник. 1917-1923 г. Составлен под. ред. Д. А. Красновского. Т. 2. - Т.: изд. ТЭС, 1924 - С. 6

³ ЎзРМДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 336-иш, 221-варақ.

⁴ Народное хозяйство Туркестана. №17, 3 августа 1919 г. - С. 8.

Ўлка қишлоқ хўжалигидаги инқироз асосан ўтроқ яшовчи маҳаллий аҳоли хўжаликларига салбий таъсир ўтказди. Кейинроқ ўтказилган ҳисоб-китобларга қараганда, ўтроқ маҳаллий аҳолининг сони ва хўжаликлари миқдори кескин камайиб кетган. Фақат рус аҳолисининг сони ва хўжаликлари ўртасида ўсиш кузатилади¹.

Озиқ-овқат муаммоси бу пайтга келиб Туркистондаги энг кескин муаммолардан бирига айланган эди. Маҳаллий аҳоли кўлидаги ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини тортиб олиш учун большевиклар томонидан катъий чоралар белгиланди. 1918 йил январда Туркистон ўлкаси ХКС ҳузурида озиқ-овқат бўлими очилиб, унга катта ҳукуклар берилди².

1918 йил 9 майда РСФСРда озиқ-овқат диктатураси жорий қилинганидан сўнг, шу йил 15 июнда уч кишидан иборат Туркистон ўлка озиқ-овқат Директорияси ташкил этилди³.

Бироқ Директория ўз фаолияти давомида катта хатоларга йўл қўйди. Очлик авж олган бир пайтда фақат рус аҳолиси озиқ-овқат билан таъминланди. «Ҳоқимиятдан четлаштирилган мусулмон аҳолиси нондан ҳам маҳрум бўлиб, оқибатда очарчиликдан қутула олмаётган мусулмон аҳолиси кирила бошлади»⁴.

1919 йил 4 июнда «Ғалла монополияси тўғрисида», «Синфий нон паёғи тўғрисида»⁵ деган декретлар билан Туркистонда озиқ-овқат диктатураси жорий этилди.

Ғалла монополияси ҳеч қандай тайёргарликсиз жорий қилинди ва шафқатсиз амалга оширилди. Деҳқонларнинг охириги ғалласи озиқ-овқат тўпловчи отрядлар томонидан тортиб олинди. Бунинг устига, «Синфий нон паёғи тўғрисида»ги декретга мувофиқ, Туркистонда карточка тизими жорий этилган бўлиб, бу декрет энг аввало рус аҳолисидан иборат ишчилар синфини таъминлашни кўзда тутар эди.

¹ Отчёт о деятельности СНК и Экономического Совета Туркестанской Республики на 1 октября 1922 г. - Т.: изд. ТЭС, 1922. - С.65.

² Победа Советской власти в Средней Азии и Казахстане. - Т.: Фан, 1967. С. 538.

³ ЎзРМДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 6-иш, 273-варақ.

⁴ Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана). - М., 1921. - С. 81.

⁵ Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор: Р. Я. Раджапова. - Т.: Шарк. 2000. - С. 275.

Туркистонда 1917 йил қишида бошланган очарчилик тобора кучайиб борар эди. 1918 йил 20 ноябрда Туркистон Республикасида очарчиликка қарши кураш Марказий комиссияси тuzилди¹.

Туркистон АССРдаги даҳшатли очарчилик оқибатида Фарғона водийсида 1917—1923 йилларда 1 млн. киши, Самарқанд вилояти Жиззах уездининг 70% аҳолиси² қирилиб кетди.

Оғир иқтисодий инқироз ва очарчиликни бошидан кечираётган шароитда ҳам, Туркистон ўлкасидан Марказга озиқ-овқат маҳсулотларини олиб чиқиб кетиш тобора кучайди.

1920 йил бошларига келганда ғалла монополияси сиёсати бир қадар юмшатилди. Озиқ-овқат развёрсткаси кўринишидаги монополияни фақат кўчириб келтирилган крестьянлар яшайдиган ҳудудларда ўтказишга қарор қилинди, мусулмонлар яшайдиган жойларда натура солиғи жорий этилди. Бироқ озиқ-овқат тайёрлашдаги ушбу табақалаштирилган ёндашув узоқ сақланиб қолмади. Турккомиссиянинг тазйиқи билан 1920 йил августда бутун Туркистон ҳудудида озиқ-овқат развёрсткасини жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинди³.

Озиқ-овқат развёрсткаси аҳолини очиқдан-очиқ талашга айланиб, ижтимоий кескинликни янада кучайтириб юборди. Туркистон АССРдаги озиқ-овқат тўловчи отрядлар томонидан фақат 1920—1921 хўжалик йилида маҳаллий аҳоли қўлидан 9.708.703 пуд ғалла, 6.358.144 пуд ем-хашак, 1.606.201 пуд гўшт ва бошқа маҳсулотлар тортиб олинб⁴, Россияга жўнатилди.

Большевиклар партиясининг иқтисодий сиёсати қишлоқ хўжалигига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказди ва оқибатда экин майдонлари кескин қисқариб кетди. Масалан, 1915 йилдаги 3.300.000 десятина ер майдони 1920 йилда 1.200.000 десятинагача қисқарди. Пахта экин майдонлари 1915 йилдаги 523.600 десяти-

¹ Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917-1924 йиллар). Т., 2002, 78-б.

² Ражабов Қ. Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918-1924 гг.). Автореф. дисс. докт. ист. наук - Т., 2005. - С. 56.

³ Известия ТуркЦИК, 26 августа 1920 г.

⁴ Нуруллин Р. А. Советы Туркестанской АССР в период гражданской войны. Т., 1965. - С. 130.

надан 1920 йилда 109.000 десятинага тушиб қолди¹. Устига устак, қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари бўлган чорвачилик, паррандачилик, ипакчилик, боғдорчилик ва бошқа соҳалар ҳам тушқунликка учради. Чорва молларининг сони 1920 йилда 1917 йилга нисбатан 58% га қисқарди².

«Ҳарбий коммунизм» сиёсатининг юритилиши оқибатида жамиятнинг барча соҳаларида юзага келган тангликни бирмунча юмшатиш мақсадида совет давлати иқтисодиётда янги иқтисодий сиёсат (НЭП) деб ном берилган усулни қўллай бошлади. Янги иқтисодий сиёсатнинг амалга оширилиши жараёнида озиқ-овқат раз-версткаси озиқ-овқат солиғи билан алмаштирилди, саноат ҳамда майда хунармандчилик тармоқларида ижарага олиш ва тадбиркор-ликка рухсат берилди, савдо-сотик эркинлаштирилди, лекин шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўлкада олиб борилаётган янги иқтисодий сиёсат ислоҳотлари асосан давлат монополияси манфаатларига хизмат қилди.

Янги иқтисодий сиёсат ислоҳотлари саноат соҳасида қўлланилишининг таркибий элементларидан бири ленинча «давлат капитализми» ғояси эди. У хўжалик юритишнинг носоциалистик шакллари вақтинча тиклашни назарда тутарди, бироқ муҳим соҳалар, биринчи навбатда йирик саноат социалистик қайта қуришнинг асосий ижрочиси, мулкдори ва бошқарувчиси бўлган давлат қўлида сақланаётган эди. «Хусусий капитал» саноатнинг асосий бўлмаган тармоқларида ишлатилиши мумкин эди ва қатъий давлат назорати остида бўларди.

Янги иқтисодий сиёсат ислоҳотларининг бошланғич босқичида корхоналарнинг аралаш хусусий ҳиссадорлик тарзида ижарага берилиши нисбатан кенгроқ ривожланди. Бундай ижарани кўпроқ хусусий капитал асосида жамиятлар ва ширкатлар амалга оширарди. Масалан, 1922 йилнинг июн ойида Самарқандда пиво пишириш заводини фойдаланишга топшириш бўйича савдо-саноат ширкати ташкил этилган эди. 1922 йилнинг охиридан эътиборан хусусий капитал негизда «Туркистон», «Тижорат»,

¹ Резолюции и постановления съездов КПТ 1918-1924 гг. Т., 1958. - С. 52.

² ЎзРМДА, 18-фонд, 2-руйхат, 35-иш, 9-10-варақлар.

«Экспорт—импорт», «Уч бош», «Воситачи», «Карвон» ва бошқа ширкатлар ишлай бошлади¹.

Фақат Фарғона вилоятининг ўзида бу даврда 24 та савдо ва ижара ширкатлари рўйхатга олинган эди.² Кооперациялар фаолиятида аҳолининг мустақиллиги олдингига қараганда кўпроқ намоён бўлди. Ишлаб чиқариш натижалари ҳам етарли даражада самарали бўлди, бу эса маданий товар-пул муносабатлари доирасида ривожланувчи кооператив ҳаракатнинг кенг имкониятларга эга эканлигидан далолат берарди. Афсуски, бу имкониятлардан тўла маънода фойдаланишнинг имкони бўлмади. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кооперациядан ниҳоятда кам фойдаланилди, расмиятчиликка асосланган йўл-йўриқлар ҳаддан ташқари кўпайиб кетган эди.

Янги иқтисодий сиёсат йўлининг ўзига хос хусусияти — товар-пул муносабатларининг жонланиши, савдо ва айирбошлаш классик шакллариининг «ҳарбий коммунизм»га хос чеклашлардан озод бўлиши эди. Эркин савдо 1921 йилдан эътиборан ривожлана бошлаган ва тезда иқтисодиётнинг таъсирчан механизмига айланиб қолган эди. Унинг соғломлашувига 1922—1924 йилларда ўтказилган пул ислоҳоти маълум даражада ёрдам берди.

Давлат пул муомаласидаги тартибсизликларга чек қўйди, муомалага эркин алмаштириладиган валюта - червонец чиқарилди, унинг курси олтинга тенглаштирилган эди. Натижада бозорнинг роли тикланиб борди, бозорлар, ярмаркалар очилиши муносабати билан банклар тармоғи, кредит ва суғурта хизматлари ташкил этилди.

Товар-пул муносабатлари янги тизимини шакллантириш жараёнларининг кучайишига янги иқтисодий сиёсатни аграр ва саноат соҳаси билан бир қаторда шаҳар хўжалиги, аҳолига савдо, маиший ва маданий хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам қўллаш ёрдам берди. Ҳамма жойда савдо шохобчаларини, уйлар, томоша муассасалари, бозор, карвонсарой, ер участкаларини ижарага бериш тажриба қилина бошланди. Лекин характерли томони шундаки, мазкур соҳадаги ижарага бериш муносабатларининг

¹ ЎзРМДА, 43-фонд, 1-руйхат, 11-иш, 3, 19, 29-варақлар.

² ЎзРМДА, 43-фонд, 1-руйхат, 126-иш, 1-2-варақлар.

қўлами саноатдагига нисбатан анча кенгроқ миқёс касб этган эди¹. Қишлоқда ҳам ижара кенгайди. Бу ерда маҳаллий ҳокимият органлари ерни, ирригация иншоотларини, насослар ва шу кабиларни фойдаланиш учун ижарага бердилар.

Янги иқтисодий сиёсат воқеликларининг ижобий томони шу бўлдики, давлатнинг хусусий капитал билан, ижарачилар, турлитуман мол-мулк эгалари ва хўжаликлар билан муносабатлари солиқлар орқали йўлга қўйилди. Бироқ солиқ хизмати фаолиятида ҳам синфий ёндашув устуворлик қилар эди. Кўпинча «хусусийлар»га жуда катта миқдорда солиқлар солинар, тадбиркорликнинг эркин фаолияти эса бутунлай чеклаб қўйилган эди.

Хулоса қилиб айтганда, Октябрь тўнтаришидан кейин Туркистонда ўрнатилган совет ҳукумати ўзининг давлат тизими органларини ташкил этиб, ҳокимиятини ҳар томонлама мустақкамлай бошлади. Сиёсий жиҳатдан кучая бораётган тузум иқтисодий соҳада ҳам бир қатор ислоҳотларни амалга ошириб, ўлкадаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётни ҳалокат ёқасига олиб келиб қўйди. Иқтисодий қонуниятларга умуман тўғри келмайдиган национализация қилиш аслида тортиб олиш, мулкни давлат тасарруфига ўтказиш жараёнининг бошланиши оқибатида мутлақ марказлаштириш ва ялпи давлатлаштириш тадбирлари жадаллаштирилди, йирик саноат билан бирга кўплаб майда ҳунармандчилик ва қосибчилик шохобчалари мусодара қилинди, хусусий мулк бекор қилинди, эркин савдо-сотик муносабатлари тўхтатилиб, бозорлар ёпилди, фаолияти бозор билан боғлиқ бўлган минглаб майда товар ишлаб чиқарувчиларнинг шароити эса баттар ёмонлашди. Ўлкада юзага келган оғир иқтисодий аҳвол очарчилик ва юқумли касалликларнинг тарқалишини авж олдириб юборди.

1921 йилнинг ўрталарида бошланган янги иқтисодий сиёсат (НЭП) натижасида иқтисодий соҳада бир қанча ислоҳотлар ўтказилди, Туркистон АССР иқтисодиётининг айрим тармоқларида жонланиш юз берди. Шундай бўлса ҳам ўлка аҳолисининг ижтимоий шароити оғир аҳволда қолаверди. Давлат

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М. Жўраев. - Т.: Шарқ. 2000. 192-6.

тепасида турган большевиклар эса ўлкадаги оғир вазиятни бар-
тараф этиш ўрнига Марказ манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя
қилиб, фақат юқоридан юборилган кўрсатмаларни бажариш билан
машғул бўлдилар.

1.3. ИШЧИ-ДЕҲҚОН МИЛИЦИЯСИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

1917 йил 28 октябрда, яъни Октябр тўнтариши ғалаба
қилганидан кейин 3 кун ўтгач, совет ҳукуматининг ваколатига
биноан, РСФСР Ички ишлар халқ комиссарлиги қабул қилган
«Ишчи милицияси тўғрисида»ги қарор янги турдаги милиция
ташкил этилганлиги ҳақидаги биринчи кўрсатма эди¹.

Қарорда барча ишчи ва солдат депутатлари Советларига
инқилобий интизом ўрнатиш ва тартибни сақлаш учун ишчи
милициялари таъсис этиш тўғрисида кўрсатма берилган ва бу
орган фақат советлар ихтиёрида бўлиши таъкидланган эди.
Ҳарбий ва фуқаро ҳокимиятлари зиммаларига ишчи милициясини
қуроллантириш, уни зарур техника воситалари ва қурол-яроғ
билан таъминлаш вазифаси юклатилди. Қарорнинг тўртинчи мод-
дасида ушбу конун телеграф орқали жорий этилиши айtilган эди.

РСФСР ИИХКнинг «Ишчи милицияси тўғрисида»ги қарори
бутун мамлакатда Советлар ҳукмронлигининг тўла-тўқис
бўлишини таъминлаш ва пролетариат диктатурасини мустаҳ-
камлашга қаратилган эди².

Ишчи-деҳқон милициясини ташкил этиш вазифасини Советлар
зиммасига юқлар экан, ИИХКнинг қарори жамоат тартибини
муҳофаза қилиш идораси ва мустабид тузумнинг ҳимоячиси
бўлмиш совет милицияси ташкил этилганлигини ҳуқуқий жиҳатдан
мустаҳкамлар эди³.

¹ *Джалилов Т.* Верные отклики (1917-1924 гг.). - Т.: Узбекистан. 1968. - С. 19.

² УзРМДА. 25-фонд, 1-руйхат, 6-иш, 65-варақ.

³ *Джалилов.* «Из истории рабоче-деханской милиции в Узбекистане». - Т., 1969.
- С. 36-38.

Совет ҳукуматининг раҳбари ва большевиклар партиясининг етакчиси В. И. Ленин милиция ҳақида тўхталиб, фикрини куйидагича баён этган эди: «Милиция - буржуа давлат машинасини синдиришда ва уни янгисига ўзгартиришда асосий қуролдир»¹.

Совет Россияси шаҳарларидан ибрат олиб, Туркистонда ҳам ишчи-деҳқон милицияси ташкил этила бошланди. Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Советининг 1917 йил 18 ноябрдаги қароридан барча ишчи ва солдат депутатлари Советларига қизил гвардиячилар отрядларини тузишга киришиш таъкидланди. Қизил гвардия отрядларига, жумладан, фуқароларнинг шахси ва мол-мулкани муҳофаза қилиш вазифаси ҳам топширилган эди.

1918 йил 29 январда Туркистон ўлкаси ХКСнинг 17-сонли «Захира кадрларини яратиш ва милицияни қайта ташкил этиш тўғрисида»ги буйруғи эълон қилинди². Буйруқни бажариш Фуқаро-маъмурий қисм халқ комиссари зиммасига юклатилган эди.

Муваққат ҳукумат даврида (1917 йил март—октябрь) тузилган эски ҳарбий ва фуқаро милицияси узил-кесил бекор қилинди. Буйруқда маъмурият ва темир йўлдаги қўмиталар зарур ҳолларда ёрдам сўраб, қизил гвардия отрядларига мурожаат қилишлари кўзда тутилган эди.

Халқ мулкани қўриқлаш ва жамоат тартибини муҳофаза қилишда деярли барча уездларда ташкил этилган фирқа дружиналари фаол иштирок этдилар. Улар омборлар, муассасаларни қўриқлар, шаҳарлардаги тартибни назорат қилар, асосий кўча ва чорраҳаларни кузатар эдилар.

Инқилобий тартибни ҳимоя қилишда «халқ хўжалиги объектлари, ҳарбий асирлар ва моддий бойликларни муҳофаза қилувчи қоровул дружина»лари ҳам иштирок этишарди.

Янги милицияни ташкил этиш ва кадрлар тайёрлаш ишига раҳбарлик қилиш учун 1918 йил 30 январда «Туркистон ўлкаси шаҳар ва туманлари милиция инспектори бошқармасининг бўлими» ташкил этилди³. Милиция инспектори вазифасини вақтинча бажарувчи қилиб А. Барановский тайинланди.

¹ Ленин В. И. Полное собрание сочинений. Т. 31. - С. 40.

² Наша газета. №140, 1 декабря 1919 г.

³ ЎзРМДА, 39-фонд, 1-рўйхат, 72-иш, 1-варақ.

Бошқарманинг иш юритиш бўлими (канцелярия)ни ташкил этиш ва қисқа муддатда милициянинг оддий ходимлари ва командирларини тайёрлайдиган курслар очиш ҳам унга топширилди.

Инспектор ўлка ҳудуди доирасида милицияга умумий раҳбарликни амалга оширар, милиция муассасаларини текширар ва тафтиш қияр, милиция ходимларининг бир вилоятдан иккинчисига ўтишларини бошқарар эди¹.

1918 йилнинг феврал ойида барча уезд, шаҳар ҳамда волостларда милиция идоралари ташкил этила бошланди². Бутун мамлакатдаги каби Туркистонда ҳам совет милицияси янгича ҳуқуқ-тартиботни ҳимоя қилишга даъват этилган ишчи ва деҳқонларнинг синфий ташкилоти сифатида бунёд этилди. Эски мутахассислардан фойдаланишга йўл кўйилган харбий, молиявий ва бошқа идоралардан фарқли ўлароқ, милиция шахсий таркибига аввал бошиданоқ якка тартибда ишга қабул қилиш усули жорий қилинган эди.

Совет милициясининг тузилишида РСФСР Губерния ижроия комитетларининг Москвада бўлиб ўтган I сессияси (1918 й. 30 июн—1 август) катта рол ўйнади. Сессияда совет давлат аппарати қурилиши юзасидан қабул қилинган қарорлар ичида «совет давлатининг барча ҳудудларида синфий кураш авж олаётган ҳозирги шароитда ҳамда шаҳар, қишлоқ ва чекка ўлкаларда инқилобий диктатурани мустаҳкамлаш учун ишчи-деҳқон милициясини тузиш билан боғлиқ масалаларни тезда тугатиш зарурлиги»³ алоҳида кўрсатилди.

1918 йил 13 декабрда «Россия Совет Федерациясининг Туркистон Республикаси Ишчи-деҳқон совет милицияси тўғрисидаги Низоми» ишлаб чиқилди ҳамда Туркистон АССР МИК томонидан тасдиқланди⁴.

¹ ЎзРМДА. 39-фонд, 1-рўйхат, 72-иш, 1-2-варақлар.

² ЎзРМДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 35-иш, 66-варақ.

³ «Вестник НКВД», 1918, №20. - С. 11.

⁴ ЎзРМДА, 39-фонд, 1-рўйхат, 644-иш, 39-40-варақлар.

Туркистон АССР Ички ишлар ва Ташқи ишлар халқ комиссарликлари ҳамда унинг қошидаги ҳайъат Республика милициясига умумий раҳбарлик қиларди. Республика милициясининг бош инструктори милиция ишлари билан бевосита шуғулланарди. У ўз маҳкамаси билан Ички ишлар ва Ташқи ишлар халқ комиссарлиги таркибига киритилган эди.

Жойларда ташкил қилинган милицияга шаҳар ва уездлар муҳофазаси бошликлари раҳбарлик қилишарди. Улар ва ёрдамчиларини Ташқи ишлар халқ комиссарининг розилиги билан Советлар тайинларди. Шаҳарлар ва уездлар район милициясини тузишарди. Район милицияси таркибини Советларнинг розилиги билан шаҳар ёки уезд муҳофазаси бошлиги тайинларди.

Туркистон АССРда милиция органларини ташкил этиш РСФСРдагига нисбатан маълум даражада фарқ қиларди¹. Туркистонда совет милициясини ташкил қилишда амалда синовдан ўтган Россия милициясининг ташкилий жиҳатлари асос қилиб олинди, шунингдек, ўлкадаги сиёсий вазият ҳисобга олиниб, милиция органларига совет тузумига қарши қўтарилган қуролли ҳаракат ва норозилик чиқишларини бостиришда қатнашиш вазифаси ҳам юклатилди.

1919 йил 26 апрелда (бошқа бир ҳужжатда ёзилишича, 1919 йил июлда) Туркистон АССР Ички ишлар халқ комиссарлиги таркибда республика милицияси ишига раҳбарлик қиладиган Ишчи-деҳқон милицияси Бош бошқармаси таъсис этилди ва 1920 йил 21 январда унга большевик Я. Цируль бошлиқ этиб тайинланди². Бу ҳақда Туркистон АССР Советларининг IX съезди (1920 йил 19—24 сентябр)да Ишчи-деҳқон милицияси Бош бошқармаси фаолияти тўғрисида қилинган маърузада сўз боради³.

1919 йил 26 июнда Туркистон АССР ИИХК «Россия Совет Федерациясининг Туркистон Республикаси Ишчи-

¹ ЎзРМДА, 39-фонд, 1-руйхат, 365-иш, 208-варақ.

² ЎзРМДА, 39-фонд, 1-руйхат, 106-иш, 6-варақ; 17-фонд, 1-руйхат, 40-иш, 7-варақнинг оркаси.

³ ЎзРМДА, 17-фонд, 1-руйхат, 40-иш, 7-9-варақлар.

деҳқон совет милицияси тўғрисидаги Низом»ни қабул қилди¹.

«Низом» шаҳар, уезд, шунингдек, жиноят-қидирув ва темир йўл милициясини Милиция Бош бошқармасига бўйсундириб, унинг ролини мустаҳкамлаган эли «Низом» совет милициясининг бурчи ва асосий вазифаси ишчилар синфи ва камбағал меҳнаткаш халқ манфаатлари ҳамда инкилобий тартиб, янги тузумни муҳофаза қилишдан иборат, деб белгилади².

РСФСР ИИХК коллегияси томонидан «Милиция таркибида жиноят-қидирув бўлимларини ташкил этиш» ҳақидаги қарор тасдиқлангандан сўнг³ (1918 й. 5 октябр), Туркистон АССРда ҳам жиноят-қидирув бўлимлари милиция таркибига ўтказила бошланди. Жиноят-қидирув бўлимлари ҳамма губернияларда ва аҳолиси 40 минг кишидан ортиқ бўлган шаҳар ҳудудларида фаолият кўрсатиши йўлга қўйилди⁴. Дастлаб жиноят-қидирув бўлимлари Туркистон АССР Адлия халқ комиссарлиги тасарруфида бўлиб, унинг бўлимлари маҳаллий Советлар томонидан бошқариларди⁵.

Ўлкада «Республика Милицияси Бош бошқармаси қошида жиноят-қидирувни ташкил этиш тўғрисидаги Низом» аввал Туркистон АССР ХКСнинг йиғилишида кўриб чиқилди (1919 й. 7 июл), сўнг Туркистон АССР МИК томонидан тасдиқланди (1919 й. 16 июл)⁶. Хуллас, милициянинг Советлар билан алоқаси янада мустаҳкамланди. Шаҳар ва туманлар муҳофазаси бошлиқлари энди милиция бошлиқлари деб аталадиган бўлди.

Уларнинг ҳаммаси ИИХК тасдиғи билан Советларнинг ижрокўмлари томонидан ишга тайинланар ва ишдан бушатилар-

¹ ЎзРМДА, 39-фонд, 1-рўйхат, 103-иш, 1-варақ; Положение о Советской Рабоче-крестьянской милиции Туркестанской Республики Российской Советской Федерации. (Нашр этилган жойи ва вақти кўрсатилмаган). - С. 1-13.

² ЎзРМДА, 39-фонд, 1-рўйхат, 6-иш, 72-варақ.

³ Вестник НКВД, 1918, №24.

⁴ Еропкии М. Развитие органов милиции в Советском государстве. - М.: 1967. - С.

⁵ ЎзРМДА, 39-фонд, 1-рўйхат, 229-иш, 14-варақ.

⁶ ЎзРМДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 206-иш, 78-варақ.

ди. Милицияни кадрлар билан тўлдириш синфий негизда, меҳнаткашлар орасида РСФСР ИИХК томонидан 1918 йил 12 октябрда қабул қилинган «Совет Ишчи-деҳқон милициясини ташкил этиш тўғрисида»ги кўрсатмаларида баён этилган асосларда амалга оширилди.

Шу ўринда Совет Россияси (РСФСР)да милиция қанақа ахволда эканлиги ҳақида мулоҳаза юритадиган бўлсак, бу пайтда Россиянинг ўзида ҳам милиция тарқоқ ҳолда бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Бунинг далили сифатида ИИХК томонидан 1918 йил октябрда чиқарилган «Милицияни қайта ташкил қилиш ҳақида»ги қарорни кўришимиз мумкин¹. Бундай қарорнинг чиқарилишига асосий сабаб шу эдики, ҳукумат милиция сафидаги милиционерларни сиёсий жиҳатдан етук эмас, деб билиб, уларга ишончсизлик билан қарарди. Юқорида таъкидлаб ўтилган «Совет Ишчи-деҳқон милициясини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарордан сўнг уларнинг сони тез суръатлар билан оша бошлади.

1919 йилнинг охирида милиционерларнинг сони 87800 кишига етган бўлса, 1920 йилнинг охирига келиб, 300000 кишидан ошиб кетди, бу олдинги полиция департаментида хизмат қилган полициячилар миқдоридан 12-15 маротаба кўп бўлган².

Шу тариқа Россия ва унинг чекка ўлкаларида янги совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва тартиб, назоратни кучайтириш мақсадида милиционерлар сафи кўпайтириб борилди.

Бу соҳадаги маълумотлар бўйича Туркистон АССРга назар ташлайдиган бўлсак, 1921 йил декабрда 6 та вилоят: Туркман, Самарқанд, Фарғона, Амударё, Еттисув, Сирдарё ва Туркистон АССР Ички ишлар халқ комиссарлигидаги бошқарма сафида 10317 нафар милиционерлар хизмат қилган эди³.

РСФСР ХКСнинг 1919 йил 3 апрелидаги декретига мувофиқ, Туркистон ИИХКнинг ўша йилнинг 8 октябрида бўлиб ўтган йиғилишида Туркистон милициясининг ҳуқуқий мақоми қизил

¹ Ерошкин М. Развитие органов милиции в Советском государстве. - М.: 1967. - С. 22.

² Леонов С. В. Создание Советской государственности: теория и практика (1917-1922 гг.). Автореф. дисс. докт. ист. наук. - М., 1998. - С. 39.

³ ЎзРМДА, 339-фонд, 1-руйхат, 229-иш, 1-5-варақлар.

армия билан тенглаштирилди¹. Шунингдек, йиғилишда Милиция Бош бошқармасининг структураси қайта кўриб чиқилиб, бошқарма 3 та бўлим: хўжалик, инструкторлик-ахборот ва жиноятқидирув бўлимларидан иборат қилиб белгиланди² ва бу структура Туркистон АССР МИК томонидан (1919 й. 18 ноябр) тасдиқланди³.

1919 йил 16 декабрда Милиция Бош бошқармаси бошлиғи Я.Цирулнинг милиция тузилиши ва фаолиятига тегишли қарори эълон қилинди. Қарорда «Туркистон АССРнинг пойтахти Тошкент шаҳри аҳолисининг кўплиги сабабли юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш учун милиция фаолияти билан боғлиқ бўлган айрим масалаларга қўшимчалар киритилиши лозимлиги, яъни фуқаро актларини рўйхатдан ўтказиш, ҳуқуқий⁴, ёнғин хавфсизлиги ва манзиллар идорасини⁵ ташкил этиш бўйича махсус бўлимларни тузиш зарурлиги»⁶ алоҳида таъкидланди.

Бу пайтда милицияни ташкил этиш борасида катта ташкилий ишлар амалга оширилганлиги, ammo унинг фаолияти анча паст эканлиги ҳақидаги маълумотлар архив ҳужжатлари ва қўлаб вақтли матбуот саҳифаларида ўз аксини топган. Шундай бўлгани ҳолда, бу масала юзасидан Туркистон Ички ишлар халқ комиссарининг Туркистон АССР МИК Президиумига топширган хизмат варақасидаги ҳисоботга назар ташлайдиган бўлсак (1920 й. 23 феврал), унда қуйидаги фикрлар ёзилган эди: «Туркистонда милициянинг ташкил этилиши борасида қисқача фикр билдирадиган бўлсак — тартиб йўқ, иш юритишда режа йўқ ва умуман милиция фаолияти учун ягона система ишлаб чиқилмаган»⁷. Ҳақиқатан ҳам, милиция ходимларининг ўз вазифаларини яхши билмасдан фаолият юритишлари оқибатида

¹ ЎзРМДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 785-иш, 27-варақ.

² ЎзРМДА, 39-фонд, 1-рўйхат, 181-иш, 25-варақ.

³ ЎзРМДА, 39-фонд, 1-рўйхат, ба-иш, 114-120-варақлар; Положение о Советской Рабоче-крестьянской милиции Туркестанской Республики Российской Советской Федерации. С. 1-13.

⁴ ЎзРМДА, 39-фонд, 1-рўйхат, 151-иш, 22-23-варақлар.

⁵ ЎзРМДА, 39-фонд, 1-рўйхат, 135-иш, 14-варақ.

⁶ ЎзРМДА, 39-фонд, 1-рўйхат, 179-иш, 16-варақ.

⁷ ЎзРМДА, 39-фонд, 1-рўйхат, 785-иш, 282-варақ.

Туркистонда ўша даврдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий танглик ҳолатида халқнинг қийин аҳволи янада мураккаблашиб кетди.

1920 йил 22 апрелда Туркистон АССР ХКС томонидан «Совет Ишчи-деҳқон милицияси тўғрисида Низом» қабул қилинди¹. Навбатдаги низомда Туркистон АССР ҳамда РСФСРда милиция ташкил этилишида тўпланган тажриба ҳисобга олинган эди. Республика милицияси таркиби ИИХК қошидаги Бош бошқарма, вилоят инқилобий қўмиталари (ревкомлари) ва ижроия қўмиталари (исполкомлари)нинг бошқарув бўлимлари қошидаги вилоят бошқармалари ва шаҳар бошқармаларидан ташкил топди ҳамда Бош бошқарма зиммасига қуйидаги мажбуриятлар юклатилди:

- а) милиция устидан умумий бошқарувни ўрнатиш;
- б) милиция шахсий таркибини тўлдириш ва тақсимлаш;
- в) милицияда тартиб-интизом ўрнатиш ва уни мустаҳкамлаш;
- г) маҳаллий милиция органларини ташкил этиш ишларини такомиллаштириш;
- д) милиция ходимларини озик-овқат, кийим-кечак ва қурол-яроғ билан таъминлаш;
- е) милиция бўлимларини назорат қилиш ва уларга тегишли кўрсатмалар бериш;
- ж) милиция ходимлари учун махсус курслар уюштириш;
- з) жиноят-қидирув бўлимлари фаолиятини назорат қилиш;
- и) республика милицияси штатини ишлаб чиқиш;
- к) милиция бўйича ҳисобот ва умумий моддий сметалар тузиш.

Шунингдек, низомда Туркистон Ишчи-деҳқон милициясининг вазифалари бир тизим сифатида акс эттирилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат, деб белгиланди:

- а) тартиб-интизом борасида ИИХКга юклатилган вазифаларни бажариш ҳамда чиқарилган қарор, декрет ва буйруқларнинг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлаш;
- б) умумдавлат мулки бўлган ташкилот ва биноларнинг хавфсизлигини таъминлаш (телеграф, телефон тармоқлари идоралари, почта ва ҳоказо);

¹ ЎзРМДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 255-иш, 71-варақ.

в) завод, фабрика, конлар ва бошқа ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ташкилот ва муассасаларни қўриқлаш;

г) ўрмон, экинзор, давлат қўриқхоналарини муҳофаза қилиш ҳамда ёқилғи омборхоналари, хом ашё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини муҳофаза қилиш;

д) қамоқхоналар ва маҳбуслар вақтинча сақланадиган лагерларни қўриқлаш;

е) мавжуд ҳамма бошқарув органларига уларга топширилган вазифаларни бажаришда қўмаклашиш¹.

Туркистон АССР худудида 1920 йилнинг охирига келиб 34 та шаҳар, 26 та уезд ва 92 та район милиция бўлимлари мавжуд эди².

1921 йил 17 сентябрда Туркистон АССР ИИХКнинг кўрсатмасига мувофиқ, милициянинг структураси ва штатларининг тузилишига бир қадар ўзгартиришлар киритилди ҳамда у қуйидаги кўринишни ўзида ифода этди: 6 та вилоят бошқармаси, вилоятлардаги шаҳарларда 7 та бошқарма, 30 та уезд бошқармаси, 95 та район бошқармаси, 54 та шаҳар милиция бўлимлари ва 36 та милиция қўшин бўлимлари³.

Туркистондаги милиция фаолиятида ишчи ва деҳқонлар иштирокининг бевосита шаклларида бири кўнгилли милиция отрядлари бўлган. Улар совет даврида яратилган барча тадқиқотларда меҳнаткашларнинг ўзлари томонидан кўнгилли равишда тузилди, деб талқин қилинган.

1922 йил 12 февралда Туркистон АССР ХКС мавжуд сиёсий ҳолатни ҳисобга олиб, махсус қарор қабул қилди. Унда, жумладан, шундай дейилган эди. «Туркистон АССРнинг маъмурий марказларидан узоқ жойлашган жойларда кейинги пайтларда босқинчилик, қотиллик ва қароқчиликнинг бошқа кўринишлари рўй бериб, уларнинг қўлами тобора кенгайиб бормоқда ва аҳолининг турмуш шароитини чидамсиз ахволга келтирмоқда»⁴.

¹ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1336-иш, 2-варақ ва унинг орқаси.

² Советская милиция: история и современность (1917-1987). - М.: Юрид. лит., 1987. - С. 64; ЎзРМДА, 339-фонд, 1-руйхат, 344-иш, 11-варақ.

³ ЎзРМДА, 339-фонд, 1-руйхат, 239-иш, 45-варақ.

⁴ ЎзРМДА, 25-фонд, 1-руйхат, 921-иш, 96-варақ.

Туркистон АССР ХКС кўнгилли милиция отрядларини тузиш ҳуқуқини маҳаллий ижроқўмларга берди, шунингдек, «босқинчилик билан муваффақиятли курашиш ҳамда жамоат тартибини ўрнатиш учун» ушбу отрядлардаги ходимлар сонини ҳар бир район учун зарур бўлган миқдоргача етказиш ҳақида кўрсатма берди¹.

Кўнгилли милиция маҳаллий ижроқўмларга бўйсунарди. 1922 йил 25 мартда Туркистон АССР Ички ишлар халқ комиссари республика ҳукумати — ХКСга «зарур бўлган районларда аҳолининг ўзи ўз ҳисобига милициянинг кўнгилли отрядларини тузаётганлиги ва бунинг учун масъулият тўла-тўқис вилоят ва туман ижроқўмларига юклатилганлигини»² маълум қилди.

Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети томонидан кўнгилли милиция ташкил этилиши тўғрисида 12 февралда қабул қилинган қарор ўша куни тасдиқланди. Унда шундай деб ёзилган эди: «Босқинчиликка қарши курашни кучайтириш мақсадида аҳоли орасидан кўнгилли отрядлар тузишга рухсат берилсин ва кўнгилли милиция отрядларини тузиш тартиби ва шартлари тўғрисида ИИХК лойиҳаси тасдиқланиб, эълон қилинсин»³.

Орадан кўп ўтмай «Кўнгилли милицияга ташкил қилиш тўғрисида Низом» қабул қилинди. Унда кўнгилли милиция тузилиши билан боғлиқ харажатларни қоплашни ўз зиммасига олган аҳолига «оғир бўлмаслиги учун» кўнгилли милиция тузилаётган отрядларнинг таркибий миқдорини катъий чеклаб қўйиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Туркистон АССР Республика милицияси бошлиғининг милиция фаолияти хусусида ИИХКга топширган ҳисоботида (1922 й. 24 май) кўрсатилишича, «Кўнгилли милиция ходимларининг сони Фарғона вилоятида 1995 та, Сирдарё вилоятида 3100 тани ташкил этади»⁴. Шу йилнинг ёзига келиб, Андижон уездида ўз-ўзини қўриқлаш дружиналарида 500 та ходим хизматга жалб қилинган бўлса, Скобелев уезд-шаҳар партия кўмитаси ва ҳарбий ташкилот

¹ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 2166-иш, 14-варақ.

² ЎзРМДА, 25-фонд, 1-руйхат, 921-иш, 90-варақ.

³ ЎзРМДА, 39-фонд, 1-руйхат, 72-иш, 62-варақ // Документ о назначении районных милиций.

⁴ ЎзРМДА, 339-фонд, 1-руйхат, 402-иш, 2-варақ.

вакиллари кўнгилли милиционерлар сонини 800 тагача етказиш зарурлиги ҳақида махсус қарор чиқарди¹. Бундай қарор чиқарилишига туртки бўлган омил тобора авж олиб бораётган ва нисбатан катта ютуқларга эришаётган Туркистонда совет режимига қарши қуролли ҳаракатнинг мавжудлиги бўлиб, совет ҳукумати кўнгилли милициянинг ёрламига таяниб, «ўз душман»ларини йўқ қилишни кўзда тутган эди. Шунинг учун 1922 йил 15 ноябрда ўлкада кўнгилли милиционерларнинг сони 6117 тага етказилди².

Туркистон Компартияси VII съезди 1923 йил мартида «шахсий таркибни танлаш, текшириш ва унда сиёсий мафқурани кучайтириш йўли билан кўнгилли милицияни мустаҳкамлаш»³ зарурлигини яна бир бор таъкидлайди. Хуллас, юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, кўнгилли милиция отрядларининг тузилишига асосий сабаб маҳаллий халқ орасида совет тузумига хайрихоҳ сиёсий кучларни кўпайтириш, яъни, совет ҳукумати сиёсати ва фаолиятини мустаҳкамлаш ҳамда маҳаллий аҳоли орасидан одамларни кўпроқ ўзига жалб этиб, уларнинг қўли билан Туркистондаги совет режимига қарши қуролли ҳаракатни бостириш нияти мавжудлигида эди.

Кейинчалик кўнгилли милиция отрядларининг миқдори анча камайтиради. Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг (1922 й. 10 ноябр) қарорига мувофиқ, «кўнгилли милиция ходимларининг сонини 50% гача қисқартириш ишлари жадаллаштирилди»⁴, натижада 1923 йил 1 декабрда уларнинг миқдори 2103 кишига етказилган бўлса, 1924 йил 1 сентябрда 1211 кишигача қисқартирилди⁵.

1924 йил 19 майда Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Советининг жорий йил 1 октябргача бутун республикада кўнгилли милиция бўлинмаларини тугатиш ҳақидаги қарори қабул қилинди⁶.

¹ *Келдыев Т.* Разгром контрреволюции в Ферганской и Самаркандской областях Туркестанской АССР. - Т.: Госиздат УзССР, 1959. - С. 113.

² ЎЗРМДА, 339-фонд, 1-рўйхат, 606-иш, 1-варақ.

³ *Джалилов Т.* Верные Отчизне (1917-1924). - Т.: Узбекистан, 1968. - С. 99.

⁴ ЎЗРМДА, 339-фонд, 1-рўйхат, 402-иш, 61-варақ.

⁵ ЎЗРМДА, 339-фонд, 1-рўйхат, 627-иш, 122-варақ.

⁶ ЎЗРМДА, 339-фонд, 1-рўйхат, 659-иш, 210-варақ.

Мустабид совет диктатураси ўрнатилаётган бир шароитда қизил армия ва Ишчи-деҳқон милицияси Туркистонда транспорт йўлларини назорат қилишни ҳам ўз зиммасига олган.

Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети томонидан «Ишчи-деҳқон темир йўл милицияси» Низоми тасдиқланганидан сўнг (1919 й. 23 феврал), Туркистон АССРда ҳам Ишчи-деҳқон темир йўл милицияси ташкил этилиб, у аввал ИИХК таркибида, кейинчалик Милиция Бош бошқармаси тасарруфида фаолият юритди. Низомда «Совет темир йўл милицияси темир йўлларда тинчлик ва хавфсизликни таъминлайди, шунингдек, ишчилар синфи ва камбағал крестьянларни ҳимоя қилади», деб алоҳида моддада ёзилган эди.

Ишчи-деҳқон темир йўллари милицияси тузилишининг яна бир муҳим, эътиборга молик томони шундаки, ўша пайтда Туркистон ўлкасининг кўпгина чекка вилоятларида совет тузуми ва маҳаллий бошқарувга қарши қуролли чиқишлар содир этиб туриларди. Бунда аксилинкилобчилар ўз эътиборларини темир йўл станцияларига, яъни поезд тўхтайдиган бекатларга қаратишлари муқаррар бўлган, шунинг учун ҳам Ишчи-деҳқон темир йўл милициясини тузиш зарур бўлиб қолган эди.

Ўша даврда қабул қилинган қарорлардан бирида таъкидланишича, «Темир йўл милициясининг назорат фаолиятини янада кенгайтириб, уларга вокзалларда назоратни тўлиқ қўлга олиш, фуқароларнинг темир йўл қоидаларига риоя қилишларини текшириш, хизмат доирасида жиноий иш очиб, уни расмийлаштириш, шу билан бирга, умуман юқоридан чиқарилган декретлар фуқаролар томонидан қандай қабул қилинаётганлигини, Марказий ва маҳаллий ҳукуматнинг иш фаолиятини ҳам назорат қилиш ҳуқуқи берилган эди»¹.

Кейинроқ ишчи-деҳқон транспорт милициясига эътибор янада кучайтирилиб, «1920 йил 14 июлда Туркистон АССР Ички ишлар халқ комиссарлиги коллегияси, Ички ишлар халқ комиссарлиги Бош бошқармаси қошида темир йўл милицияси бўлими ташкил қилинди»². Бўлим 2 та бошқармадан: Ўрта Осиё бошқармаси ва Оренбург бошқармасидан иборат бўлди.

¹ ЎЗРМДА, 39-фонд, 1-рўйхат, 225-иш, 78-варақ.

² *Джалилов Т. Верные отчисне (1917-1924 гг.). - Т.: Узбекистан, 1968. - С. 49.*

1920 йил сентябрь ойдан темир йўл милицияси органлари ташкил топа бошлади. Оренбург пробкаси қизил армия томонидан баргараф қилинган (1919 йилдан бошлаб), Туркистон АССР Ички ишлар халқ комиссарлиги илтимосига биноан Марказдан бир гуруҳ ходимлар юборилди. Улар совет ҳокимияти органларида большевиклар партияси сиёсатини шафқатсиз равишда амалга оширдилар.

Ўрта Осиё бўлими 4 та район бошқармаси (Тошкент, Самарқанд, Марв, Полторацк) ва 12 та кичкина бошқармалардан иборат бўлди¹. Бошқармаларга Марказдан юборилган кадрлар бошлиқ этиб тайинланиб, қолган ходимлар Ишчи-деҳкон милицияси таркибидан танлаб олинди.

1920 йил 14 ноябрда РСФСР Ички ишлар халқ комиссарлиги қарорига мувофиқ, Транспорт милициясининг состави Ички хизмат қўшинлари (ИХК) таркибига қўшиб юборилди².

Бундай тадбирдан кўзланган асосий мақсад шу эдики, бу даврга келиб Туркистонда большевиклар диктатурасига қарши маҳаллий халқларнинг қуролли ҳаракати авж олиб, маҳаллий қўрбошилар жанглarda катта муваффақиятларга эришяётгани, шунинг учун совет тузуми уларга қарши курашни кучайтириши зарур эди.

Кейинроқ милиция ва ҳарбий қўшинларни бир-бирига қўшиб бошқариш ишлари янада такомиллаштирилиб, 1921 йил 19 январда Темир йўл ва сув милицияси Бутунроссия Фавқулодда Комиссияси (ВЧК) қўшинлари таркибига қўшиб юборилди, қўшин бошлиғи Россия милицияси бошлиғи томонидан тайинланадиган бўлди³.

Бош бошқарма тасарруфида эса фақат темир йўл милициясининг моддий таъминоти сақлаб қолинди. Худди шундай ўзгаришлар Туркистонда ҳам амалга оширилиб, ўлка темир йўл милицияси Бутунроссия Фавқулодда Комиссиясининг Тошкентдаги қўшинлари штабига ўтказиб юборилди⁴.

¹ ЎзРМДА, 339-фонд, 1-руйхат, 114а-иш, 32-33-варақлар.

² ЎзРМДА, 339-фонд, 1-руйхат, 114а-иш, 10-варақ.

³ ЎзРМДА, 39-фонд, 1-руйхат, 361-иш, 249-варақ.

⁴ ЎзРМДА, 339-фонд, 1-руйхат, 365-иш, 167-варақ.

«Инқилобий тизим»ни ўрнатишда Ишчи-деҳқон милициясининг фаолиятини кўрсатиб ўтар эканмиз, бунда 1919 йил майда РСФСР Ички ишлар халқ комиссарлиги Бош бошқармаси томонидан ўзича мустақил бўлим сифатида тузилган милиция бўлимини таъкидлаб ўтиш зарур. Бу бўлим мамлакат саноат ишларини назорат қилиш билан шуғулланган¹ ва «Саноат милицияси» деб ҳам юритилган².

1920 йил 15 декабрда РСФСР Ички ишлар халқ комиссарлиги Бош бошқармаси Саноат милицияси бўлимини уезд-шаҳар милицияси бўлимига қўшиб юборди³.

Туркистонда саноат милицияси кейинроқ, 1921 йил 19 февралда ташкил этилди. Саноат милициясига «асосан иктисодий соҳадаги масалалар, яъни заводлар, фабрикалар, омборхоналар ва шунга ўхшаш бошқа кўпгина идораларни назорат қилиш, шу билан бирга, ишчи ва крестьянларни озик-овкат билан таъминлашни назорат қилиш ва бошқа вазифалар юклатилган эди. Туркистон АССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Бош бошқармаси тасарруфида саноат милицияси бўлими очилганлиги ўша куни тасдиқланди⁴. Шундан сўнг тез орада Туркистон АССРнинг ҳар бир уезд милициясида саноат милицияси бўлиmlари ташкил этила бошланди.

1921 йил 30 июнда Самарқандда⁵, 13 августда Фарғона вилоятида⁶, 15 августда Казалинскда⁷, сентябр ойида Сирдарё вилоятининг Тошкент шаҳри ва Черняев уездида⁸ саноат милициясининг бўлиmlари тузилганлиги ҳақида жойлардаги милиция бошликлари томонидан Туркистон АССР ИИХК Милиция Бош бошқармасига ҳисоботлар топширилди.

¹ ЎзРМДА, 339-фонд, 1-рўйхат, 134-иш, 15-варақ.

² Белоус В. Организационные формы охраны собственности государством до создания вневедомственной охраны в системе МВД СССР (1917-1952 гг.). // История государства и права. №1, - М., 2002. - С. 62.

³ ЎзРМДА, 39-фонд, 1-рўйхат, 361-иш, 18-варақ.

⁴ ЎзРМДА, 339-фонд, 1-рўйхат, 314-иш, 68-70-варақлар.

⁵ ЎзРМДА, 339-фонд, 1-рўйхат, 108-иш, 385-варақ.

⁶ ЎзРМДА, 339-фонд, 1-рўйхат, 254-иш, 16-варақ.

⁷ ЎзРМДА, 339-фонд, 1-рўйхат, 108-иш, 420-варақ.

⁸ ЎзРМДА, 339-фонд, 1-рўйхат, 254-иш, 16-варақ.

1922 йил 31 мартда Туркистон АССР МИКнинг «Саноат милицияси» тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Қарорда саноат милициясининг вазифалари кенгайтирилиб, давлат милициясининг махсус бўлими сифатида фаолият кўрсатиши ҳамда ҳудудий жиҳатдан у ўша шаҳар милиция бошлигининг тасарруфида ва қарамоғида эканлиги қонуний жиҳатдан мустаҳкамланди¹. Туркистонда милициянинг тузилишидаги кейинги босқич сув милицияси (1924 й. 5 август) ва маҳкама (ведомственная) милиция бўлимларининг ташкил этилиши масалалари билан боғлиқ.

Гарчи сув милициясининг тузилиши масаласи РСФСР МИК томонидан 1919 йил 23 апрелда «Совет сув ишчи-деҳқон милицияси» тўғрисидаги Низомдан сўнг ўз ечимини топган бўлса-да², Туркистонда бу жараён анча кейинроқ амалга оширилди.

1923 йил 22 августда Туркистон АССР Ички ишлар халқ комиссари Н. Аралбаев томонидан Сув милициясининг Низоми тасдиқланди. Унда «сув милицияси ходимлари умумфуқаровий милиционерларга тегишли ҳамма ваколатларга эга бўлиб, уларнинг асосий вазифалари суғориш ва суғориш иншоотлари билан боғлиқ барча масалаларни назорат қилишдан иборат»³, деб кўрсатилди.

1924 йил 27 февралда РСФСР ХКС ва ИИХКнинг Маҳкама милициясини тузиш ҳақидаги 55-сонли қарори эълон қилинди. Қарорда маҳкама милициясининг кейинги фаолияти юзасидан вазифа ва кўрсатмалар берилган бўлиб, унда «Давлат муассаса ва ташкилотларига тегишли бўлган барча турдаги мулклар ҳамда давлат аҳамиятига молик хусусий корхоналарни қуриқлаш вазифаси маҳкама милицияси зиммасига юклатилади»⁴, деб алоҳида таъкидланди.

Туркистонда ҳам маҳкама милициясини ташкил этиш мақсадида Туркистон АССР ИИХК томонидан махсус лойиҳа ишлаб чиқилди (1924 йил 5 сентябр) ва у ХКСга тақдим этилди⁵.

¹ ЎзРИИВА, 432-фонд, 4-рўйхат, 21-иш, 3-варак.

² Белоус В. Организационные формы охраны собственности государством до создания вневедомственной охраны в системе МВД СССР (1917-1952 гг.). // История государства и права. №1. - М., 2002. - С. 62.

³ ЎзРИИВА, 432-фонд, 4-рўйхат, 21-иш, 160-варак.

⁴ ЎзРИИВА. 432-фонд, 4-рўйхат, 21-иш, 22-варак.

⁵ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 4295-иш, 26, 34-35-вараклар.

Туркистонда маҳкама милициясининг бўлимлари биринчилар каторида Туркистон Давлат тоғ-кон-ёқилги трестида тузилган бўлиб, у ички тартиб-интизом ва трестга тегишли барча мулкнинг назоратини ўз қўлига олди.

1924 йилнинг охирларига келиб, милицияга юклатилган вазифаларнинг доираси янада кенгайтирилди. Улар қуйидагилардан иборат бўлган:

1) инқилобий тартибни ҳимоя қилиш, фуқароларнинг шахсий ва мулкий хавфсизлигини таъминлаш;

2) юқоридан чиқарилган қонунлар, қарорлар, фармойиш ва декретларни ҳаётга татбиқ этишда иштирок этиш;

3) қамоқхоналарни қўриклаш;

4) жинойтчиликка қарши курашиш;

5) аҳоли пунктларидаги санитар ҳолатни назорат қилиш;

6) аҳолига паспорт бериш, почта орқали юборилган посилка ва пулли хатларни олишга доир тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш ва йўқотилган ҳужжатларни қайта тиклаш;

7) маъмурий жарималарни ундириш;

8) қишлоқ хўжалигини назорат қилиш;

9) қорамолларнинг сонини текшириб туриш¹.

Шу билан бирга, милиция қуйидаги комиссарликлар ва ташкилотларга ёрдам бериб турган: Ер ишлари халқ комиссарлигига ўрмонларни қўриклашда, овчилик ва балиқчилик қоидаларини бузмасликни назорат қилишда; Молия халқ комиссарлигига солиқларни йиғишда ва акциз қоидаларининг бузилиш ҳолатларини текширишда². Шунингдек, Ташқи савдо халқ комиссарлигига божхона ишларида; Адлия халқ комиссарлигига фуқаро ишлари бўйича суд чиқарган ҳукмларни амалга оширишда, судга чақириш ва чақирув қоғозларини топшириш, суд белгилаган жарималарни ундириш ҳамда суд ҳукмига биноан яшаш тақиқланган ҳудудларни назорат қилиш ва бошқаларда ёрдам бериб турган.

¹ Еропкин М. Развитие органов милиции в Советском государстве. - М., 1967. - С. 44.

² ЎзРИИВА, 432-фонд, 4-руйхат, 18-иш, 7-варақ.

Хулоса қилиб айтганда, совет давлат аппаратининг муҳим бўғинларидан бири сифатида Туркистон АССРда ташкил этилган мазкур орган янги ҳуқуқ-тартиботни ҳимоя қилишга даъват этилган ишчи ва деҳқонларнинг синфий ташкилоти тарзида бунёд этилди. Ўлка милициясининг тузилишида катта рол ўйнаган инстанция — «шаҳар ва туманлар милиция инспектори бошқармаси бўлими» ташкил этилганидан сўнг ташкилий масалаларнинг ҳаммаси унинг бошқарувида амалга оширила бошланди.

Бош бошқарма таъсис этилганидан кейин Туркистон АССР ИИХК томонидан Ишчи-деҳқон милициясининг Низоми қабул қилинди. Низом милиция ходимларининг фаолият олиб боришини бир тизимга солиб турувчи асосий қонунлар тўплами бўлиб, унда ташкилотнинг иш юритиши билан боғлиқ барча масалалар кўрсатилди.

Милиция томонидан жамиятнинг ҳамма соҳаларида назоратнинг қўлга олинишини таъминлаш учун унинг таркибида бўлимлар тузила бошланди. Биринчи бўлиб милициянинг ажралмас қисми бўлмиш жиноят-қидирув бўлими ташкил этилди. Вилоятларда кўнгилли милиция бўлимларининг ташкил этилиши жуда зиддиятли ҳолатлар билан кечди. Чунки кўнгилли отрядлар асосан маҳаллий аҳоли вакилларида тузилди ва устига-устак улардан тузумга қарши уюштирилаётган ҳужумларни бостиришда асосий қурол сифатида фойдаланилди. Темир йўллари назорат қилиш учун ташкил этилган бўлим эса 4 та район бошқармаси ва 12 та кичик бошқармалардан иборат бўлди. Саноат милицияси республикада саноат ишлари билан боғлиқ масалаларни назорат қиларди. Милиция бўлимларининг ташкил этилишидаги охириги босқич сув ва маҳкама милицияси бўлимларининг тузилишидир. Қонуний жиҳатдан сув милицияси ходимларининг ваколат ва мажбуриятлари умумфуқаровий милиционерларники билан бир хил бўлиб, уларга қўшимча равишда суғориш ишлари ва суғориш иншоотларини назорат қилиш ҳам юклатилди. Маҳкама милицияси давлат аҳамиятига молик бўлган барча турдаги мулкларни қўриқлаш вазифасини бажарди.

Шу тариқа Туркистон АССРда ташкил этилган Ишчи-деҳқон милицияси ўзининг иш фаолияти даврида тегишли структура ва бўлимларига эга бўлди.

1.4. ИШЧИ-ДЕҲҚОН ИНСПЕКЦИЯСИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УНГА ЮКЛАТИЛГАН ВАКОЛАТЛАР

Меҳнаткаш халқ манфаатларини ҳимоя қилишни ўзининг асосий мақсади деб эълон қилган большевиклар ҳукумати ва совет ҳокимияти инқилоб қонунлари ҳамда ҳуқуқ-тартиботга қатъий амал қилинишини таъминловчи махсус органларга мухтож бўлган. Бу органлар совет ҳокимияти сиёсати бажарилишини назорат қилиши лозим эди.

1917 йил 25 октябрда, яъни Петроградда Октябр тўнтариши ғалаба қилган кунин В. И. Ленин Петроград Советида сўзлаган нутқида «Биз саноат устидан ҳақиқий ишчи назоратини ўрнатамиз»¹, деб таъкидлаган эди. Шундан сўнг у томонидан ишчи назорати ҳақидаги Низом лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг йиғилишида 1917 йил 14 ноябрда тасдиқланди².

Марказ Туркистонда ишчи назоратини ўрнатиш сиёсатини ўлкадаги ишчи депутатлари Советлари орқали амалга ошира бошлади. Бу жараён Туркистонда Марказдагига қараганда анча сустлик билан кечиб, 1918 йил мартада 700 та корхонадан атиги 80 тасида ишчи назорати ўрнатилган бўлса, бу пайтда Москва губерниясидаги 326 та корхонадан 284 таси ишчи назорати қўлига ўтган эди³.

Туркистон АССРда ишчи назорати ўрнатиш жараёни суст кечишининг сабаблари кўп бўлган. Туркистонда бу сиёсатни амалда қўллашга, яъни тажрибадан ўтган иктисодий қонуниятларни инкор этиб, бозор муносабатларига белисандлик билан қараб, хусусий мулкчиликнинг бутунлай йўқ қилинишига аввало маҳаллий аҳоли вакиллари (бойлар, деҳқонлар, ҳунармандлар ва бошқалар) қарши чиқдилар. Шунингдек, хатто ўлкада фаолият юритган сўл эсер ва меншевиклар партиясининг

¹ Ленин В. И. Полное собрание сочинений. Т. 35. - С. 3.

² Рабочий контроль и национализация промышленности в Туркестане (1917-1920 гг.). Сборник документов. Т., 1955. - С. 8.

³ Ульмасов А. Национализация промышленности в Советском Туркестане. - Т.: Изд. АН УзССР, 1960. - С. 37.

аъзолари ҳам бундай йўл тутилиши «мумкин эмаслиги» ва «кераксиз эканлигини» таъкидлаб, уларга тўсқинлик қилдилар¹. Лекин бу монеликлар ҳеч қандай уюшган кучга эга бўлмай, ҳукумат томонидан бу сиёсат тез орада жадал суръатлар билан амалга оширила бошланди.

ТКП (Туркистон Компартияси) раҳбарлигида ишчи назорати органлари ўлкадаги кўплаб корхона, завод ва фабрикаларни давлат ихтиёрига ўтказишда «фаол» иштирок этди ҳамда совет ҳукумати Туркистондаги умумий назоратни ва халқ хўжалигини қўлга олишида асосий бўғинлардан бири сифатида фаолият кўрсатди.

1918 йил 23 январда РСФСР ХКС «Марказий назорат коллегияси ва маҳаллий ҳисобга олиш коллегия ҳамда комиссияларини тузиш тўғрисида»²ги декретни эълон қилди. Мазкур декрет асосида 1918 йил 8 мартда «Давлат назорати ҳақида Низом» қабул қилинди³. Шу йил 9 апрелда Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши қошида Давлат назорати бўлими очилганидан сўнг Самарқанд, Полторацк (Ашхабад), Скобелев (Фарғона), Казалинск, Черняев, Наманган, Янги Бухоро каби шаҳарлар ва уездларда унинг бўлимлари ташкил этилди⁴.

РКП(б) жамиятда давлат назоратини янада мустаҳкамлаш борасидаги ҳаракатларини кучайтириб борди ва унинг раҳбарлигида 1918 йил 9 майда Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети томонидан «Давлат назорати халқ комиссарлиги»⁵ тузилганлиги ҳақидаги қарор эълон қилинди. Унга ҳукумат томонидан чиқарилган декрет ва фармойишларнинг амалга оширилишини, моддий ва молиявий харажатларни ҳамда корхона ва ташкилотларнинг фаолиятини назорат қилиш вазифалари юклатилди. РСФСР Миллатлар ишлари халқ комиссари лавозимида ишлаб

¹ *Атаджанов А.* Организация и деятельность РКП в Туркестане - Т.: Фан. 1972. - С. 10.

² Ленинская система партийно-государственного контроля и его роль в строительстве социализма. - М.: Мысль. 1965. - С. 20.

³ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 904-иш, 62-варак.

⁴ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 1032-иш, 51-варак

⁵ *Козлитин М.* Организация государственного контроля в годы гражданской войны (1918-1920 гг.). Исторические записки. Т. 26. - М., 1948. - С. 69.

келаётган И. В. Сталин айна пайтда РСФСР Давлат назорати халқ комиссари (1919 йилдан) лавозимида ишлаган. Бу комиссарлик 1920 йили РСФСР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлигига айлантирилгач, 1920—22 йилларда ҳам бу комиссарликни И. В. Сталин бошқарган.

Жойларда назорат органларини ташкил этишда асосий рол ўйнаган РКП(б) Марказий Комитети уларни бошқаришда «ишончли кадрлар»ни тайинлаш масаласига астойдил киришиб кетди. 1918 йилнинг биринчи ярмида Туркистон ўлкасида назорат органларининг нуфузини орттириш мақсадида Москвадан РСФСР Давлат назорати халқ комиссарлигининг вакили В. Смирнов юборилди. Унинг иштирокида «Туркистон АССР Давлат назорати Низоми» ишлаб чиқилди (1918 й. 4 июн)¹ ва шу йил ноябр ойида Туркистон АССР МИКнинг қарорига мувофиқ Туркистон АССР Давлат назорати халқ комиссарлиги тузилди². Низомга асосан, ўлкадаги Давлат назорати халқ комиссарлигига қуйидаги вазифалар юклатилган эди: Совет ҳукуматининг иқтисодий, молиявий ва хўжалик соҳаларидаги сиёсати амалга оширилишини назорат қилиш, янги тузилган совет ташкилотларига ёрдам бериш, республиканинг барча мол-мулки ва бойликларини ҳисобга олиш ишларини тўғри йўлга қўйиш, ҳамма ташкилотлардаги ҳисоботларни тартибга солиш, маблағларнинг харажати ва тақсимотини бир тизимга келтириш ва бошқалар. Шу тариқа Давлат назорати Туркистон АССРдаги иқтисодий ва хўжалик ҳаётининг барча жабҳаларидаги назоратни ўз қўлига олди.

В. И. Лениннинг «ташаббуси» билан 1919 йил 8 октябрда Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети (БМИК) ва РСФСР Халқ Комиссарлари Совети (ХКС) томонидан Туркистон ишлари бўйича махсус комиссия, яъни Турккомиссия тузилди. Турккомиссия раиси қилиб Ш. З. Элиава, аъзолари қилиб эса М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Я. Э. Рудзутак, Ф. И. Голошчекинлар тайинланди³.

¹ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 904-иш, 70-варақ.

² Атаджанов А. Организация и деятельность рабоче-крестьянской инспекции Туркестанской АССР (1920-1924 гг.). Автореф. дисс. канд. ист. наук. - Т., 1966. - С. 11.

³ Назаров М. Коммунистическая партия Туркестана во главе защиты завоеваний Октябрьской революции (1918-1920 гг.). Т., 1969. - С. 224.

Турккомиссия Туркистон АССРда (1920 йилдан Қозоғистон АССРда ҳам) янги тузилган совет ташкилотларига ҳар томонлама ёрдам берар ва уларни қаттиқ назорат остида ушлаб турарди.

Турккомиссиянинг қарорига мувофиқ, 1919 йил 25 декабрда алоҳида шахслар ёки ташкилотларнинг нотўғри ишлари ҳақида кўрсатилган аризаларни кўриб чиқиш вазифаси юклатилган Махсус бўлим Туркистон АССР МИК ва Турккомиссия тасарруфида ташкил этилди¹. Кейинроқ, Туркистон АССР Давлат назорати халқ комиссарлиги таркибида Марказий арзнома бюроси ва жойларда унинг бўлимлари ташкил этилганидан сўнг, Махсус бўлимнинг фаолияти тўхтатилди.

Большевиктик ғояларни халқ орасида чуқурроқ сингдириш ва ҳокимиятда давлат назорати органларининг нуфузини орттириш мақсадида РСФСР ХКС раиси В. И. Ленин бу органларга ишчи-деҳқонларни жалб этиш муҳимлигини таъкидлаб, Ишчи-деҳқон инспекцияси тузиш зарурлигини 1919 йил 5 декабрда бўлиб ўтган Советларнинг VII Бутунроссия съездида айтиб ўтди. Съезд Ишчи-деҳқон инспекцияси тузиш ҳақидаги ушбу фикрни тўлиқ қўллаб-қувватлаб, бу ишни тез орада амалга оширишни йўлга қўйиш тадбирларини ишлаб чиқди.

1919 йил декабрда Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети Президиуми Ишчи-деҳқон инспекцияси тўғрисида Низом қабул қилиш учун махсус комиссия тузди². «Тез кунда Ишчи-деҳқон инспекцияси Низомининг 3 та лойиҳаси ишлаб чиқилди»³. Тавсия этилган 3 та лойиҳадан Давлат назорати халқ комиссарлигида ишлаб чиқилгани тўғри деб топилди. Бу лойиҳа асосида мавжуд ҳамма назорат органларини бирлаштириб, ягона социалистик назоратни ўрнатиш ғояси ётарди.

Ишчи-деҳқон инспекциясининг тузилишига эътибор қаратган В. И. Ленин 1920 йил 24 январда РСФСР Давлат назорати халқ комиссари И. В. Сталинга йўллаган хатида қуйидагиларни

¹ ЎзРМДА, 17-фонд, 1-руйхат, 213-иш, 8-варақ.

² *Иконников С. Н.* Организация и деятельность РКИ в 1920-1925 гг. - М.: Издательство АН СССР. 1960. - С. 21.

³ *Дорохова Г. А.* Рабоче-крестьянская инспекция. 1920-1923 гг. - М.: Госполитиздат. 1959 г. - С. 24-25.

таъкидлаган эди: «Ишчи-деҳқон инспекцияси назоратини янада кенгайтириш, яъни озик-овқат, кийим-кечак, омборхона, қурол-яроғ ва ёқилгиларни ҳам уларнинг назоратига ўтказиш зарур»¹.

1920 йил февраль ойида Давлат назорати халқ комиссарлиги РСФСР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги қилиб ўзгартирилди². Шу куни Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети (БМИК) Ишчи-деҳқон инспекцияси туғрисида декрет қабул қилди³.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Ишчи-деҳқон инспекциясига жуда катта ваколатлар берилган бўлиб, улар умуман ҳуқуқ-тартибот ва назорат органлари устидан бошқарувни амалга оширадди. Шундай бўлгани ҳолда, Ишчи-деҳқон инспекциясига фақат ишчи ва деҳқонлар ишга қабул қилинган бўлиб, уларнинг бу соҳадаги билим ва малакаси етишмаслиги ва тажрибаси йўқлиги кейинги фаолиятида кўплаб хатолар қилишларига сабаб бўлган.

Ишчи-деҳқон инспекциясини тузиш тадбирлари тез кунда бутун совет Россияси ҳудудини, шу қаторда, Туркистон республикасини ҳам қамраб олди.

1920 йилнинг апрелида «Туркистон АССР Ишчи-деҳқон инспекциясининг Низоми» қабул қилинди⁴. Бу Низомда унинг асосий фаолияти сифатида қуйидагилар кўрсатиб ўтилди: меҳнаткашларни давлат бошқарувига жалб этиш, «социалистик» мулкни қўриқлаш, давлат аппаратини кучайтириш, тез орада ҳамма совет органларида, шу билан бирга, хўжалик ва бошқа ташкилотларда тафтишлар ўтказиш. Бунга қўшимча равишда Ишчи-деҳқон инспекцияси ташкилотлар устидан тушадиган арзнома таҳлилини ҳам назорат қиларди.

«Туркистон АССР Ишчи-деҳқон инспекциясининг Низоми»га мувофиқ, Давлат назорати ташкилоти ўрнида Ишчи-деҳқон инспекцияси тузилганлиги ҳамда унинг бўлимлари ўрнида эса Ишчи-деҳқон инспекциясининг бўлимлари ташкил этилганлиги,

¹ Ленин В. И. Полное собрание сочинений. Т. 40. - С.64.

² Козлитин И. И. Организация государственного контроля в годы гражданской войны (1918-1920 гг.). Исторические записки. Т. 26. - С.80.

³ ЎзРМДА, 25-фонд, 1-руйхат, 370-иш, 13-варақ.

⁴ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1032-иш, 73-варақ.

шунингдек, унинг таркибини ишчи ва деҳқонлар билан тўлдириш масаласи ҳал этилиши қонуний жиҳатдан мустақкамланди¹. Мазкур Низомга асосан «Туркистон АССР МИКнинг Ишчи-деҳқон инспекциясига ишчи ва деҳқонларни жалб этиш ишларини жадаллаштириш зарурлиги» ҳақидаги қарори эълон қилинди².

Шунингдек, Низомда Ишчи-деҳқон инспекциясига юклатилган вазифалар бир тизим сифатида тақдим этилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат бўлган:

а) Марказда чиқарилган қарор ва декретларнинг ижроси ҳамда ҳаётга татбиқ этилишини назорат қилиш³;

б) маҳаллий ҳокимият томонидан чиқарилаётган қарор ва фармойишларнинг марказий ҳокимият сиёсатига мутаносиблигини кузатиш⁴;

в) мавжуд совет ҳукумати ташкилотларининг ҳаммасини текшириш;

г) давлат мулкани сақлаш, уларни тақсимлаш ҳамда хўжалик ташкилотлари билан боғлиқ бўлган барча операцияларни назорат қилиш;

д) республикадаги ҳамма ташкилотларнинг ўз фаолияти юзасидан тегишли юқори инстанциялар ва Ишчи-деҳқон инспекциясига ҳисоботларининг ўз вақтида топширилишини назорат қилиш;

е) даромад ва харажатлар билан боғлиқ лойиҳалар давлат томонидан тасдиқлаш учун тақдим этилишидан олдин уларни муҳокама қилиш ва тегишли хулосалар бериш;

ж) молиявий ва моддий смета режаларини муҳокама қилиш;

з) сметалар бўйича ажратилган кредитларнинг ўзлаштирилиши ҳолатларини кузатиш;

и) қоғозбозлик ва расмиятчиликка қарши курашиш;

к) давлат бошқаруви органларида иш юритиш тизимини текшириш;

¹ ЎзРПДА, 56-фонд, 1-руйхат, 63-иш, 34-варақ.

² Известия ТуркЦИК, 20 апреля 1920 г.

³ ЎзРМДА, 1-фонд, 1-руйхат, 1394-иш, 17-варақ.

⁴ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1032-иш, 6-варақ.

л) марказий ва маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан ўтказилган текширув ва тафтиш натижалари асосида хулоса қилинган аниқ таклифлар бериш;

м) арзномалар бюросига тушган шикоят ва аризаларни таҳлил қилиб, давлат идораларида мансабни суиистеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олиш ва бошқалар¹.

Ишчи-деҳқон инспекцияси юклатилган вазифаларни бажаришда қуйидаги ҳуқуқларга эга эдилар:

1. Марказий ва маҳаллий ташкилотлар, муассасалар ва корхоналар фаолияти ҳамда уларнинг молиявий даромад ва сарф-харажатлари устидан умумий назорат ўрнатиш.

2. Тезкор ва оммавий текширувлар белгилаш.

3. Қонун чиқарувчи органларга халқ комиссарлари томонидан юборилган декрет ва сметаларга хулосалар бериб, уларнинг ижроси юзасидан таклифлар киритиш.

4. Республика манфаатларига моддий ва молиявий зарар етказиши мумкин бўлган фармойишларни бекор қилиш, ноқонуний иш юритаётган ташкилотлар фаолиятини тўхтатиб, уларнинг бошлиқларини жиноий жавобгарликка тортиш.

5. Ташкилотларда тафтиш ўтказилаётган пайтда тегишли ҳужжатлар, маълумотнома ва ҳисоботлар талаб қилиш.

6. Мансабни суиистеъмол қилишда айбланган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш, шунингдек, суд пайтида тегишли вакиллар орқали айбловчи сифатида қатнашиш.

7. Барча ташкилот, муассаса ва корхоналарда тафтиш ўтказиш ҳамда кузатиш олиб бориш учун ўз вакилларига эга бўлиш.

8. Ташкилот раҳбарлари ва юқори мансабдор шахсларни ишга қабул қилиш жараёнида қатнашиш (халқ комиссарлари ва Марказий Ижроия Комитети Президиуми аъзоларидан ташқари).

9. Мавжуд барча комиссарликлар томонидан ўтказиладиган мажлис ва йиғилишларда маслаҳат овозига эга бўлган махсус ваколатли вакилларнинг қатнашишини таъминлаш².

Низом мазмунидан кўриниб турибдики, Туркистондаги бутун бошқарув, яъни давлат бошқаруви, ҳокимият органлари, ҳуқуқни

¹ ЎзРМДА, 1-фонд, 1-рўйхат, 1394-иш, 17-18-варақлар.

² ЎзРМДА, 1-фонд, 1-рўйхат, 1394-иш, 18-19-варақлар.

муҳофаза қилиш органлари, умуман давлат ташкилотларини бошқариш Ишчи-деҳқон инспекцияси қўлига ўтказилган.

Туркистонда тузилган Ишчи-деҳқон инспекцияси ўлкада Марказнинг сиёсатини амалга оширишда партиянинг ҳаракатдаги ёрдамчиси сифатида фаолият олиб бора бошлади. Туркистондаги бутун бошқарув тизимининг жиловини қўлга олган бу янги орган давлат тизими ва умуман барча идоралардаги кўплаб мансабдор шахсларни «буржуа тарафдорлари» дея айблаб, В. И. Ленин кўрсатмаларида белгиланганидек, «давлат бошқаруви фақат пролетариат қўлида бўлиши керак»¹, деган шиор остида иш юритиб, кўплаб давлат ходимларининг билими, малакаси ва иш юритишдаги катта тажрибасини ҳисобга олмай, уларнинг ўрнини давлат бошқаруви ҳақида умуман тасаввурга эга бўлмаган, бироқ партияга содиқ шахслар ҳисобига тўлдирга бошлади.

Марказнинг «ташаббуси» билан Тошкент шаҳрида Ишчи-деҳқон инспекцияси тузилганидан сўнг, ўлканинг барча вилоятларида жойлардаги партия ташкилотларининг ёрдамида унинг бўлимлари ташкил этила бошланди.

Давлат назорати ташкилотининг Жиззах ва Фарғонада фаолият кўрсатган бўлимлари ўрнида 1920 йил 18 майда Ишчи-деҳқон инспекцияси бўлимлари тузилди ва шу йилнинг июл ойида Жиззах бўлимига маҳаллий партия ташкилоти томонидан 2 та вакил юборилди². Давлат назоратининг Янги Бухоро уезд бўлими 1920 йил 15 майда Ишчи-деҳқон инспекцияси уезд бўлимига айлантирилган бўлса³, Андижон ва Наманган⁴ уездлари ҳамда Сирдаре вилоятида⁵ май ойи охирларида, Самарқанд вилоятида эса август ойида Ишчи-деҳқон инспекциясининг бўлимлари ташкил этилди⁶.

Туркистон АССР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлигининг (комиссар: Климов) Туркистон АССР

¹ Атаджанов А. Р. Организация и деятельность РКИ в Туркестане. - Т.: Фан, 1972. - С. 30.

² ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1223-иш, 61-варақ.

³ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1223-иш, 86-варақ.

⁴ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1054-иш, 4-7-варақ.

⁵ Тошкент ВДА, 777-фонд, 1-руйхат, 60-иш, 1-2-варақлар.

⁶ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1223-иш, 86-варақ.

Советларининг IX съезди (1920 йил 19—24 сентябр)да қилган ҳисобот маърузасида инспекция фаолияти батафсил кўрсатиб ўтилган. Маърузада келтирилишича, 1920 йили инспекция сафларида 271 киши доимий равишда, 285 киши вақтинчалик фаолият кўрсатган. Бироқ 1920 йилдаги штат жадвалида доимий ходимларнинг сони 812 киши бўлиши белгиланган¹.

Туркистон АССРдаги Ишчи-деҳқон инспекцияси тез орада бюрократик ташкилотга айланди. Бу пайтда «Ишчи-деҳқон инспекцияси синган ва тамом бўлган бошқарув аппаратини ўзида намоён этиб, ҳеч қандай жавобгарликни сезмайдиган ва фаолияти давомида ҳаёт талабларини ифода этишга қодир бўлмаган бир ташкилотга айланди. Ишчи-деҳқон инспекцияси ходимларининг аксарияти ўзларига бириктирилган ташкилотларда текшириш ҳамда тафтиш ўтказиш у ёқда турсин, улар ҳатто ўзларига юклатилган вазифа ва ваколатлар ҳақида умумий бир тушунчага ҳам эга эмасдилар»².

Ташкилотда ҳукм сураётган бундай бошбошдоқлик, иш фаолиятидаги сансалорлик ва тартибсизликлар Туркистон АССРдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар ҳамда очарчиликни бошидан кечираётган маҳаллий халқларнинг аҳволини янада мураккаблаштирувчи омил бўлди. Бу ҳолатни кўплаб архив ҳужжатлари тасдиқлайди.

Ишчи-деҳқон инспекциясидаги мавжуд ҳолат аввал Туркистон Компартияси МК мажлисида (1920 й. 12 июн), сўнгра Туркистон АССР МИКнинг йиғилишида (1920 й. 15 июн) таҳлил қилиниб, «Ишчи-деҳқон инспекциясининг бошқарув аппаратини фақат РКП(б) ва касаба уюшмаларидан юборилган ходимлар билан тўлдириш, РСФСР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлигига мурожаат қилиб, «бошқарув тизимида малака ва тажрибаси юқори» бўлган ходимларни юборишни илтимос қилиш ва жойлардаги бўлимларнинг «маҳаллий ижроқўмлар билан алоқасини кучайтириш»³ тўғрисида қарор чиқарилди. Шу

¹ ЎзРМДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 40-иш, 32-варақ.

² ЎзРПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1423-иш, 3-варақ.

³ ЎзРМДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 782-иш, 158-варақ.

заҳотиёқ ТКП(6) Марказий Комитетининг қарори билан 5 нафар партия ходими Ишчи-деҳқон инспекциясига хизматга юборилди.

Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги аниқ вазифалари белгиланган 12 та бўлим ёрдамида фаолият юритган ва улар қуйидагилардан иборат бўлган: 1. Ишлар бошқармаси. 2. Молиявий ҳисобот. 3. Маъмурий. 4. Қишлоқ хўжалиги. 5. Саноат-техника. 6. Соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ижтимоий таъминот. 7. Алоқа воситалари. 8. Маориф ва тарғибот. 9. Тақсимот. 10. Ҳарбий. 11. Тезкор тафтиш. 12. Арзномалар бюроси¹.

Бу бўлимлар қуйидаги ишлар билан шуғулланган:

1. Ишлар бошқармаси жойлардаги бўлимлар билан алоқа ўрнатиб, уларнинг фаолиятини текширар ва РСФСР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлигига ҳисоботлар топширарди².

2. Молиявий ҳисобот бўлими Молия халқ комиссарлиги ҳисобидаги маблағларнинг харажатини кузатар, кредитлар ажратилиши ва барча комиссарликларнинг молиявий сметаларини текширар эди.

3. ИИХК, Ташқи алоқалар бўлими, Туркистон Фавқулудда комиссияси, Марказий статистика бошқармаси, Алоқа, почта, телеграф ва Адлия халқ комиссарликлари фаолияти билан боғлиқ масалалар Маъмурий бўлим томонидан кузатилади.

4. Қишлоқ хўжалиги бўлими Ер ишлари халқ комиссарлигининг хўжалик ишлари билан боғлиқ масалалар ва уларга юклатилган вазифалар ҳамда келажакдаги режалар юзасидан ҳар томонлама тафтишлар ўтказарди.

5. Халқ Хўжалиги Марказий Кенгаши (ВСНХ), унинг бўлимлари ва Ташқи савдо бўлимини Саноат-техника бўлими назорат қиларди.

6. Соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ижтимоий таъминот бўлими ўзига бириктирилган комиссарликларнинг иш юритиши, молиявий сметалари ва умуман фаолиятини кузатарди.

¹ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1032-иш, 6-варақнинг оркаси; 17-фонд, 1-руйхат, 40-иш, 32-33-варақлар.

² ЎзРМДА, 25-фонд, 1-руйхат, 368-иш, 3-варақ.

7. Алоқа воситалари бўлимида матбуот бюроси фаолият кўрсатиб, у текширув натижалари ҳақида маълумот бериш билан шуғулланарди¹.

8. Маориф ва тарғибот бўлими Маориф халқ комиссарлиги ва унинг тасарруфида бўлган барча ташкилотларни, яъни мактаб, театр, мактабгача ва мактабдан ташқари, аммо таълим-тарбия билан боғлиқ бўлган ҳамма ташкилотларни текширар ва уларга тегишли кўрсатмалар берар эди.

9. Тақсимот бўлими барча ташкилотлардан келган харажат сметаларини текшириб, унга ўз муносабати ва хулосаларини билдириб, тегишли ташкилотларга юбориш билан шуғулланарди.

10. Ҳарбий комиссарликнинг фаолияти Ҳарбий бўлим томонидан ҳар томонлама назорат қилинарди.

11. Тезкор тафтиш бўлими Тошкент шаҳридаги ҳамма бошқарма, ташкилот ва муассасаларда оммавий тафтиш ўтказиш ҳуқуқига эга бўлиб, ўз ваколатига биноан иш юритарди.

12. Арзномалар бюроси аҳоли ва ташкилотлар томонидан Туркистон АССРдаги совет ташкилотларининг ноқонуний қарор ва фармойишлари, баъзи мансабдор шахсларнинг нотўғри иш юритишлари, порахўрлик билан шуғулланганликлари, халқ мулкани ўзлаштириш ҳолатлари юзасидан берилган ариза ва шикоятномаларни кўриб чиқиш вазифасини бажарарди.

Ҳар бир бўлимнинг белгиланган ваколатлар доирасида ўзига бириктирилган ташкилотларда текширув ва тафтишлар ўтказиб, Ишлар бошқармасига ҳисобот топширишлари қонуний жиҳатдан белгиланган бўлса-да, кўп ҳолларда булар қоғозда қолиб кетиб, «жойлардаги Ишчи-деҳқон инспекциясининг бўлимларида ташкилий масалалар яхши йўлга қўйилмаганлиги оқибатида уларнинг фаолиятлари юзасидан текширув натижалари бошқармага етиб келмасди, ҳатто айрим бўлимларнинг жойлашган ўрни ҳақидаги маълумотлар комиссарликда мавжуд эмасди»².

Ўлкада Ишчи-деҳқон инспекциясининг ташкил этилиши, унинг фаолиятини такомиллаштириш ва меҳнаткаш халқ оммасини

¹ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 1074-иш, 1-варақ.

² ЎзРПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1423-иш, 6-варақнинг орқаси.

ташкilotга жалб этиш масалаларини муҳокама қилиш учун Тошкентда Республика Ишчи-деҳқон инспекцияси ходимларининг I съезди чакирилди (1920 й. 20 ноябр). Беш кун давом этган съездда 33 та вакил қатнашди ва қуйидаги масалалар кўрилди: 1) Туркистонда совет давлат аппаратининг қурилишида Ишчи-деҳқон инспекциясининг вазифалари, 2) жойлардаги бўлимлардан хисоботлар, 3) Ишчи-деҳқон инспекциясининг фаолияти ва иш юритишининг моҳияти тўғрисида хисоботлар, 4) Бутунроссия Ишчи-деҳқон инспекцияси томонидан ўтказилган съездларда кўтарилган масалалар юзасидан хисоботлар, 5) ташкilotнинг шахсий таркиби, 6) жойларда Ишчи-деҳқон инспекцияси органларининг ташкил этилиши ва бошқалар¹.

Гарчи съездда Туркистондаги Ишчи-деҳқон инспекциясининг иш фаолияти ва кейинги вазифалари билан боғлиқ масалалар тўлиқ ва атрофлича муҳокама қилиниб, келажакдаги режалар ҳақида хулосалар қилинган бўлса-да, режаларнинг амалда татбиқ этилиши муаммо бўлиб қолаверди, оқибатда ташкilotлар, завод ва фабрикалардаги хўжасизлик ҳолатлари давом этаверди.

РКП(б) Марказий Комитети томонидан берилган кўрсатмаларнинг ва бажариладиган ишларнинг хилма-хиллиги муносабати билан Туркистон АССР МИК томонидан «Туркистон АССР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги ва унинг маҳаллий органлари ҳақида Низом»² тасдиқланди (1920 й. ноябр). Навбатдаги Низомда ўлкадаги мавжуд ҳамма назорат маҳкамалари битта Ишчи-деҳқон инспекцияси аппаратига бирлаштирилиши ҳамда жойлардаги Ишчи-деҳқон инспекцияси бўлимлари маҳаллий ижроқўмлар ва инқилобий қўмиталар (исполкомлар ва ревкомлар) тасарруфида ташкил этилиши кўрсатилди. Бунга мувофиқ, 1920 йил 29 ноябрда Ишчи-деҳқон инспекциясининг Тошкент бўлими очилди. Бўлим Тошкент шаҳри ва атроф уездларда назорат юрита бошлади.

Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат натижасида Ишчи-деҳқон инспекцияси зиммасига янги вазифалар юклатила

¹ ЎЗРМДА, 735-фонд, 1-руйхат, 309-иш, 2-варақ.

² Известия ТуркЦИК, 2 декабря 1920 г.

бошланди. 1921 йил ўрталарида РСФСР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги Туркистон АССР Ишчи-деҳқон инспекциясининг барча бўлимларига янги иқтисодий сиёсатга ўтиш жараёнида уларнинг вазифалари ва ваколатлари белгиланган махсус хат юборди. Хатда «Ишчи-деҳқон инспекцияси назорат органи сифатида ўлкадаги ҳамма ташкилотларнинг фаолиятини текшириш билан биргаликда ишчи ва деҳқонлар оммасининг манфаатини химоя қилиши керак»¹, деб кўрсатилган эди. Шундай бўлгани ҳолда Ишчи-деҳқон инспекцияси ташкилот, муассаса ва корхоналарнинг қонуний фаолият юритишлари, уларнинг сарф-харажатлари ва давлат мулкидан фойдаланишларини назорат қилишда давом этди. 1921 йилнинг охирларига келиб Туркистон АССР МИК Ишчи-деҳқон инспекциясининг янги қисқартирилган штатини тасдиқлади, шунингдек, унинг бошқарув аппаратида ҳам айрим узгартиришлар амалга оширилиб, олдинги 12 та бўлим ўрнида 5 та бўлим фаолият юрита бошлади.

Ишчи-деҳқон инспекцияси томонидан бир пайтда бир нечта ташкилотда уюштириладиган текширув ва тафтишларни ўтказишга ходимларнинг етишмаслиги 1920 йилнинг охирларида ёрдамчи ячейкаларнинг тузилишига зарурат туғдирди. Ёрдамчи ячейкалар ташкилотлар, завод ва фабрикалар, қизил армия бўлинмалари ҳамда кишлоқларда Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлигининг рухсати билан ташкил этила бошланди. Улар таркибий жиҳатдан кўнгиллилардан иборат бўлиб, корхона ҳамда хўжаликларнинг режа ва дастурларда белгиланган асосда ишлаб чиқарилиши зарур бўлган маҳсулотларнинг ҳажми ва сифатини назорат қилар ва Ишчи-деҳқон инспекциясининг тегишли бўлимларига ҳисобот топширарди.

Ёрдамчи ячейкалар бу вазифаларни бажаришда завод бошқармалари, волост ва кишлоқ ижроия комитетларининг йиғилишларига маслаҳат овозига эга бўлган вакилларини юбориш ваколатига эга эдилар. Ячейкалар ишчи ва хизматчиларининг сони 20 тадан кам бўлмаган корхоналарда ташкил этилишига рухсат берилган бўлиб, улар 4 ой муддатга сайланарди².

¹ ЎзРМДА, 25-фонд, 1-руйхат, 685-иш, 143-варак.

² Известия ТуркЦИК. 16 ноября 1920 г.

Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги ёрдамчи ячейкаларнинг тузилишига оммавий тус берди ва уларнинг тез орада қўпайтирилишини қаттиқ назорат остига олди. Бунинг сабаби шунда эдики, маълум муддатга корхона ва ташкилотлардан вақтинчалик хизматга жалб қилинган ишчилар моддий рағбатлантирилмас, улар ўзларига юклатилган вазифалар билан ишдан бўш пайтларида шуғулланишарди. Бу Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлигига жуда қўл келган бўлиб, биргина Тошкент шаҳрида 1920 йилнинг охирларида 30 та¹ ячейка тузилган бўлса, 1921 йилнинг июн ойида уларнинг сони 170 тага² етказилди. Бу пайтда Туркистон АССР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги тасарруфида таркиби 500 та ходимдан иборат бўлган 200 тадан ортиқ³ ёрдамчи ячейкаларнинг фаолият юритишига йўл қўйилди.

1921 йил 18 августда Бутунроссия МИК Президиуми томонидан «Ишчи-деҳқон инспекциясининг фаолиятини кучайтириш зарурлиги» тўғрисида махсус декрет қабул қилинди. Бу декретда Ишчи-деҳқон инспекцияси органлари ўзларининг эътиборларини биринчи галда ҳужалик ташкилотларини текшириш ва уларга йўл-йўриқ кўрсатишга қаратишлари лозимлиги белгилаб берилди. Шу йилнинг 31 ноябрида Бутунроссия МИК қабул қилган бошқа декретга мувофиқ Марказдан ТКП(б) Марказий Комитети, Туркистон АССР МИК ва ХКСга далолатнома-хат юборилди. Хатда «ўлка Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги ва унинг маҳаллий органлари текширув ва тафтиш ишларини олиб боришда бутунлай мустақил, турли ташкилотларнинг тазйиқларидан холи эканликлари ва уларнинг объектив фаолият юритишларига Туркистон АССРдаги юқори партия ва совет ташкилотлари зарур шарт-шароит яратиб беришга масъул эканликлари»⁴ кўрсатилди.

¹ ЎзРМДА, 25-фонд, 1-руйхат, 371-иш, 54-варақ.

² ЎзРМДА, 25-фонд, 1-руйхат, 371-иш, 55-варақ.

³ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1714-иш, 57-варақ.

⁴ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 2171-иш, 62-варақ.

Хуллас, Совет давлат аппаратининг барча бўғинлари сингари Ишчи-деҳқон инспекциясининг ҳам асосий эътибори халқ хўжалигини «тиклаш» ва социализм куриш сиёсатини ўтказишга қаратилди.

1923 йилнинг бошларида «Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлигига партия ходимларини юбориш, партия Марказий назорат комиссияси ташкилоти билан алоқани кучайтириб, уларнинг ўзаро алоқадорликда фаолият олиб боришларини йўлга қўйиш ҳамда ҳақиқий «мустаҳкам» совет давлат аппаратини яратиш учун партиянинг энг юқори назорат органи бўлмиш Марказий назорат комиссиясини совет давлатининг олий назорат органи — Ишчи-деҳқон инспекцияси билан бирлаштириш» масалалари РКП(б) МК Сиёсий бюросининг йиғилишларида бир неча марта кўриб чиқилди. Сабаби, бу пайтда «Ишчи-деҳқон инспекциясининг фаолияти олдингига қараганда анча сустлашиб қолган бўлиб, ундаги ташкилий масалаларда қарама-қаршиликлар ҳукм сураш»¹, кўплаб ходимлар ўз ишлари ва ойлик маошларидан норози бўлиб², уларнинг аксарияти хизматдан кетиб қолган эдилар.

Марказий назорат комиссияси ва Ишчи-деҳқон инспекциясини бирлаштириш тўғрисидаги режа РКП(б) XII съездида (1923 й. апрел) қўллаб-қувватланди ва уларнинг вазифалари ҳақида махсус қарор чиқарилди. Қарорда «Марказий назорат комиссияси ва Ишчи-деҳқон инспекцияси партия ва совет ташкилотлари томонидан чиқарилган фармойишларнинг амалда татбиқ этилишини таъминлаш ҳамда давлат аппаратини мустаҳкамлаш борасидаги барча ишларни назорат қилишда ўзаро ҳамкорликни кучайтириши зарурлиги»⁴ таъкидланди. Шунингдек, съездда Марказий назорат комиссияси ва Ишчи-деҳқон инспекциясига қуйидаги вазифалар юклатилди:

1) ишчиларни маъмурий ва хўжалик ташкилотларига хизматга жалб қилиш орқали давлат аппаратини кучайтириш;

¹ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 3125-иш, 30-варақ.

² ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 3126-иш, 8-варақ.

³ КПСС в резолюциях, Ч. 1. - С. 720.

2) давлат ва хўжалик ташкилотларининг фаолиятини текшириш, партия ва давлат бошқарув органларига ишчи ва деҳқон кадрларни танлаш ҳамда уларга ҳомийлик қилиш;

3) давлат аппаратидаги хўжасизлик ва мансабни суиистеъмол қилиш ҳолатларини ўрганиб, уларнинг олдини олиш учун тегишли чора-тадбирлар кўриш;

4) ташкилотларнинг иш юритиш тизими, ҳисоб-китоб ва ҳисоботларини текшириш;

5) партия томонидан белгиланган топширик ва вазифаларни бажариш, РКП(б) Марказий Комитети чиқарган қонун ва қарорларнинг ҳаётга татбиқ этилишини назорат қилиш;

6) давлат аппарати ва хўжалик органларини мустаҳкамлашда асосий ташкилот сифатида фаоллик кўрсатиш;

7) юклатилган вазифаларни бажаришда партия наشرларидан фойдаланиш ва бошқалар¹.

В. И. Лениннинг кўрсатмалари ва РКП(б) XII съездида қабул қилинган қарорга мувофиқ, Бутун иттифоқ МИК Президиуми Марказий назорат комиссияси ва Ишчи-деҳқон инспекциясини қайта ташкил этиш ишларини жадаллаштириб, 1923 йил 30 апрелда РКП(б) Марказий назорат комиссиясининг раиси В. В. Куйбишевни СССР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссари этиб тайинлади.

Марказда Ишчи-деҳқон инспекциясини қайта ташкил этиш борасида амалга оширилган ўзгаришлар В.Куйбишев томонидан Туркистон АССР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлигига юборилган кўрсатмага мувофиқ (1923 й. 13 июн)², Туркистонда ҳам бошланиб кетди. Бу кўрсатмада: «... жойлардаги Ишчи-деҳқон инспекцияси ташкилотлари маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, оддий текширув бурчларидан хўжаликнинг асосий соҳалари ва бошқарма аппаратларини назорат қилишга ўтишлари зарурлиги» кўрсатилган эди.

Бу масала юзасидан Туркистон АССР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссари Г. Ҳомудхонов, коллегия аъзолари А. Икромов ва Т. Карп, ТКП Марказий назорат комиссияси раиси Д. Муравейский,

¹ КПСС в резолюциях, Ч. 1. - С. 722-723.

² Тошкент ВДА, 47-фонд, 1-руйхат, 6-иш, 8-варак.

масъул котиби С. Бобруйкин, коллегия аъзоси К. Топорков ва Туркистон Компартияси Марказий Комитети Ташкилий қўмитаси раиси К. Шиболдаевлар қатнашган қўшма йиғилиш бўлиб ўтди (1923 й. 12 июл)¹. Йиғилишда Марказий назорат комиссияси ва Ишчи-деҳқон инспекциясининг фаолиятини такомиллаштириш ҳамда уларнинг таркибини тажрибали партия ходимлари билан тўлдириш ишларини олиб борувчи, Туркистон Компартияси Марказий Комитети тасарруфида таркибига Г. Ҳомудхонов, К. Шиболдаев ва С. Бобруйкинлар кирган махсус комиссия тузилди.

1923 йил 6 сентябрда СССР МИК ва ХКС томонидан «Иттифоқдош республикаларда Ишчи-деҳқон инспекциясини қайта ташкил этиш» ҳамда «Ишчи-деҳқон инспекциясини юклатилган бир қатор вазифаларидан озод этиш»² тўғрисидаги 2 та қарори эълон қилинди. Қарорга асосан, Ишчи-деҳқон инспекцияси органларининг фаолиятидаги кундалик текширув ва давлат ташкилотларининг молиявий операцияларини назорат қилиш вазифаси бекор қилинди.

Юклатилган вазифаларнинг ҳажми қисқартирилиши муносабати билан, жойлардаги бўлимлар ўрнида марказий бошқармалар тузила бошлади. Туркистон АССР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги 3 та: умумий, тезкор ва давлат аппаратини такомиллаштириш бошқармаларидан иборат қилиб қайта тузилди.

1923 йил 12 декабрда Туркистон АССР МИК томонидан тасдиқланган «Туркистон АССР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги ҳақидаги Низом»³ да, Ишчи-деҳқон инспекцияси ўлкада давлат аппаратини такомиллаштириш ҳамда уни социалистик қурилишдаги устувор вазифаларга мослаштиришга хизмат қилувчи асосий орган сифатида эътироф этилди.

Туркистон Компартиясининг VIII съезди (1924 й. 4—9 май)да Туркистон АССР Ишчи-деҳқон инспекциясини қайта ташкил этиш жараёни охирига етказилди ва республиканинг бирлашган назорат органи: Марказий назорат комиссияси — Ишчи-деҳқон инспекцияси ташкил этилди. ТКП Марказий Комитетининг II пленуми (1924 й. июн)да тузилган янги ташкилотнинг Вақтинчалик Низоми⁴ қабул қилинди.

¹ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1970-иш, 55а-варақ.

² ЎзРМДА, 25-фонд, 1-руйхат, 323-иш, 27-37-варақлар.

³ ЎзРМДА, 95-фонд, 1-руйхат, 27-иш, 10-варақ.

⁴ ЎзРМДА, 95-фонд, 1-руйхат, 29-иш, 28-варақ.

Демак, Туркистон АССРда Марказий назорат комиссияси ва Ишчи-деҳқон инспекцияларининг бирлаштирилиши ташкилий жиҳатдан шунда намоён бўлдики, Марказий назорат комиссиясининг раиси бир пайтнинг ўзида Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссари вазифасини ҳам бажарарди, айти пайтда Туркистон Марказий назорат комиссияси Президиумининг аъзолари Ишчи-деҳқон инспекцияси коллегиясининг таркибини ташкил этарди. Комиссарлик бошқарувчиларининг таркиби асосан Марказий назорат комиссияси ходимларидан иборат бўлиб, Ишчи-деҳқон инспекцияси коллегиясидаги 5 та ходимдан 4 таси Марказий назорат комиссияси аъзолари эди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳокимият большевиклар томонидан 1917 йил октябрда куч ишлатиш йўли билан эгалланганидан сўнг якка ҳукмрон партия бўлган большевиклар партияси жамиятнинг барча жабҳаларидаги бошқарувни ишчи ва деҳқонларнинг қўлига олиб бериш баҳонасида уларни ўз назорати остига ола бошлади.

Большевиклар партияси ўзининг якка ҳукмронлиги воситасида пролетар диктатурасини ўрнатиш учун совет ҳокимиятининг дастлабки кунларидан бошлаб янги режимни ҳимоя қилувчи органларни тузишга алоҳида эътибор қаратди. Марказда бўлгани сингари Туркистон ўлкасида ҳам большевиклар томонидан халқ комиссарликлари таркибида Ишчи-деҳқон милицияси ва Ишчи-деҳқон инспекцияси тузилди. Бу иккала орган (улар РСФСРда ҳам, Туркистон АССРда ҳам бевосита совет ҳукумати аппаратининг муҳим таркибий қисмини ташкил қилган) совет ҳокимиятининг бошқа куч ишлатувчи ва қатағон қилувчи органлари (қизил армия, ВЧК, ГПУ, суд, прокуратура, тройка, махсус бўлим ва ҳ.к.)дан фарқли равишда, бир томондан, Туркистон ўлкасида совет тузумини ҳимоя қилиш ва уни мустақамлаш билан шуғулланиш билан бирга, иккинчи томондан, совет, хўжалик ва партия ташкилотларини назорат қилиш, яъни улар устидан большевистик мафқуранинг якка ҳукмронлиги ва назоратини ўрнатишга ҳам ҳисса қўшган. Айнан совет Ишчи-деҳқон милицияси ва Ишчи-деҳқон инспекцияси бутун мамлакатда бўлгани сингари Туркистон АССРда ҳам большевиклар томонидан тоталитар тузум ўрнатишда ўзларининг муайян даражада «ҳисса»ларини қўшишган.

Туркистон АССРда ҳам партия раҳнамоларининг бошчилигида ишчи назорати органлари ташкил этилиши йўлга қўйилди. Биринчилар каторида тузилган ташкилот Давлат назорати халқ комиссарлиги бўлиб, унга асосан ишчи ва деҳқонлар жалб этилди. Бу ташкилот барча муассаса, корхона ва ташкилотларнинг фаолияти ҳамда моддий ва молиявий харажатларини назорат қиларди. Давлат назорати ташкилотининг фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда унинг таркибида ишчи ва деҳқонларнинг иштирокини кучайтириш мақсадида Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги тузилди, натижада Давлат назорати ташкилоти Ишчи-деҳқон инспекцияси қилиб ўзгартирилди. Тузилган янги ташкилотнинг вазифалари янада кенгайтирилиб, у давлат муассасалари, корхона ва ташкилотлари ҳамда умуман ҳуқуқ-тартибот ва назорат органлари устидан бошқарувни амалга оширарди. Кўп ўтмай Ишчи-деҳқон инспекциясининг Низоми ишлаб чиқилди. Низомда ташкилотга юклатилган вазифалар ва берилган ваколатлар тизимли кўринишда ўз ифодасини топди.

Ишчи-деҳқон инспекцияси аввал Тошкент шаҳрида тузилган бўлиб, кейин Туркистон АССРнинг барча вилоятларида Давлат назорати комиссарлиги ўрнида ташкил этилди ва 12 та бўлим ёрдамида фаолият юритди. Шу билан бирга, бўлимларда ёрдамчи ячейкалар ҳам тузилган бўлиб, улар ўзларига бириктирилган корхона ва ташкилотларнинг фаолияти юзасидан Ишчи-деҳқон инспекциясининг махсус бўлимларига ҳисобот топширарди.

Шундай қилиб, Туркистонда тузилган совет Ишчи-деҳқон милицияси ва Ишчи-деҳқон инспекцияси ўлкада Марказнинг сиёсатини амалга оширишда большевиклар партиясининг ҳаракатдаги ёрдамчиси сифатида фаолият юрита бошлади. Бу ташкилотлар совет тузумини ҳимоя қилувчи органлар сифатида ўз фаолиятлари давомида салбий ишлар билан бир қаторда баъзи ижобий ишларни ҳам амалга оширишди. Бу, энг аввало, бир тузумдан иккинчи бир тузумга ўтиш давридаги тартибсизлик ва бошбошдоқлик ҳукм сурган даврда халқ ва давлат мулкани қўриқлаш ниқоби остида жамиятда тартиб-интизом ўрнатишда намоён бўлди.

II БОБ. ТУРКИСТОН АССРДАГИ НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. ИШЧИ—ДЕҲҚОН МИЛИЦИЯСИНИНГ ФАОЛИЯТИ ВА УНДАГИ ЗИДДИЯТЛАР

Ишчи-деҳқон милицияси ва умуман назорат органларининг фаолиятидаги кўпгина номақбулликлар, одамларни судсиз-суроқсиз отиб ташлашлар, яъни террор ва қатағон тарихнинг маълум бир даврида, кескин синфий курашлар шароитида, инқилобий қонунларнинг энг олий кўриниши сифатида намоён бўлди.

Большевиклар партиясининг раҳбари В. И. Ленин РКП(б) VIII съездида бу ҳақда ўзининг фикрини очиқроқ баён қилиб, жумладан, шундай дейди: «Инқилобий диктатура ва зўравонлик бағоят ажойиб нарса, бунда унинг қачон ва кимга қарши кўлланилиши муҳим»¹.

Большевиклар томонидан совет жамиятидаги қарама-қаршилиқлар ва ҳукуматга қарши бўлган чиқишлар тўғридан-тўғри террор орқали бостирилган. 1917 йил декабр ойининг бошида Ф. Э. Дзержинский бошчилигида Бутунроссия Фавқулодда Комиссиясининг тузилиши ва шу йилнинг 19 декабрида РСФСР ХКС чиқарган қарордан сўнг террор авжига чиқиб, у ҳар қандай ҳукукий назоратдан чиқиб кетди².

Бутунроссия Фавқулодда Комиссияси (ВЧК) «пролетариат» диктатураси ўрнатилиб, унинг бошқарув структураси, яъни давлат аппаратларининг ишлаб чиқилиши ва олдинги бошқарув тизимини йўқ қилишда катта рол ўйнади.

¹ Қаранг: *Арипов Р., Мильштейн Р.* Из истории органов Госбезопасности Узбекистана (Документальные очерки истории 1917-1930 гг.). - Т.: Узбекистан, 1967. - С. 14-16.

² *Шамбаров В.* Государство и революция. - М.: Алгоритм. 2001. - С. 80.

Бутунроссия Фавқулодда Комиссияси тез орада мамлакатдаги ва чекка ўлкалардаги бошқарув тизимини қўлга олди. 1917 йил декабрида ВЧКнинг марказий аппарати атиги 10 кишидан иборат бўлган бўлса, 1920 йилнинг сентябрига келиб уларнинг сони 1742 тага етди. ВЧКнинг қўшинлари эса 30 кишидан 63800 тага етди. 1921 йилнинг бошларида Бутунроссия Фавқулодда Комиссияси ходимларининг сони 110000 кишидан ошиб кетган эди.

Бутунроссия Фавқулодда Комиссияси ходимлари сонининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши ўз ўрнида мамлакат ва унинг чекка ўлкаларида террор ва оммавий қатагонлар сонининг ошиб кетишига олиб келди. ВЧКнинг 1918—1919 йиллардаги фаолияти натижасида мамлакат миқёсида 9641 та одам отиб ташланган бўлса, улардан 7068 таси аксилинқилобчиликда айбланди¹. Бундай тадбирларни ўтказишда Ишчи-деҳқон милицияси ходимлари ҳам «фаол» иштирок этдилар.

Туркистон АССР МИКнинг буйруғи билан 1918 йил 23 ноябрда тузилган ўлка Фавқулодда тергов комиссияси чиқарган барча фармойишлар милиция органларига ҳам тааллуқли эди. Туркистон АССР ИИХК томонидан бу масала юзасидан 1919 йил 17 январда эълон қилинган буйруқда шундай дейилган: «Туркистон МИК қошида аксилинқилобчилик, чайқовчилик ва талончилик (кафандўзлик)ка қарши курашиш учун ташкил этилган² ўлка Фавқулодда тергов комиссиясининг кўрсатмалари республикадаги барча маҳаллий милиция бўлимлари бошлиқлари ҳамда уларнинг ходимлари томонидан сўзсиз бажарилиши шарт»³. Туркистон ўлкаси Фавқулодда тергов комиссияси коллегияси таркибига Ички ишлар халқ комиссари ва ўз ўрнида ИИХК коллегияси ҳайъатига Фавқулодда тергов комиссари аъзо бўлиб киритилганидан сўнг Туркистон АССРдаги иккита ташкилот ўзаро ҳамкорликда фаолият юрита бошлади. Бироқ бу пайтда Туркистон АССРдаги назорат органлари маҳаллий аҳолини талон-торож қилиш билан шуғулланганлар.

¹ Кузнецова Н. Ф. Вопросы истории советского уголовного законодательства. // Вестник Московского университета. Серия 11, Право, 3 вып. 1991. - С. 35.

² ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 266-иш, 2-варақ.

³ ЎзРМДА, 39-фонд, 1-руйхат, 27-иш, 15-варақ.

Туркистон АССРда фаолият кўрсатаётган мусулмон ташкилотлари бу пайтда назорат органларининг ўзбошимча ҳаракатлари ва маҳаллий аҳолига нисбатан паст назар билан қарашларини кескин танқид қилганлар. Масалан, РКП(б) ўлка Мусулмонлар бюроси раиси Т. Рискулов Туркистон АССРдаги қизил армия отрядлари билан биргаликда милиция ва инспекция фаолиятини ҳам кескин қоралаб, совет ҳокимиятининг бу органлари халқни турли ўғрилар ва талончилардан ҳимоя қилиш ўрнига ўзлари талончилик ва босқинчилик билан шуғулланаётганликларини таъкидлайди. Бу ҳақда Т. Рискулов томонидан ўша йилларда нашр этилган китобларда ҳам кўплаб маълумотлар келтириб ўтилади¹.

1920 йил 15 февралда ВЧК Президиумининг «уездларда сиёсий бюро бошқармаларини»² ташкил этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди ва қарорга мувофиқ губерния Фавқулодда комиссияларининг раҳбарлигида барча уезд милиция бўлимларида 5—10 тагача ходимдан иборат сиёсий бюро (политбюро) тузила бошлади. Сиёсий бюро ВЧК ва Фавқулодда комиссияларга белгиланган инструкция бўйича бошқарилиб, бунга қўшимча равишда улар томонидан берилган топшириқларни ҳам бажарган. Уездлардаги милиция сиёсий бюросининг асосий вазифалари жиноятнинг олдини олиш, уезд милиция бошлиғи ва волост Фавқулодда комиссиясини аксилинқилобчилар ва чайқовчиларнинг режалари ҳақида хабардор қилиш ҳисобланарди³.

Туркистон АССР милицияси билан сиёсий бюронинг ҳамкорликдаги фаолияти натижасида 1923 йилнинг биринчи ярим йиллигида 4 та аксилинқилобчи ташкилот, 33 та аксилинқилобчи, 345 та босқинчи (бандит), 482 та ўғри ва ашаддий жиноятчи ҳибсга олинган⁴.

¹ Бу ҳақда қаранг: Мусбюро РКП(б) в Туркестане. 1, 2 и 3 Туркестанские Краевые конференции РКП 1919-1920 гг. С введением тов. Рыскулова. - Т.: Туркгосиздат, 1922; *Рискулов Т.* Революция и коренное население Туркестана. Сборник статей, докладов, речей и тезисов с предисловием автора. Часть I. 1917-1919 гг. -Т.: Узбекгосиздат, 1925.

² УзРМДА, 339-фонд, 1-руйхат, 225-иш, 46-варақ.

³ УзРМДА, 339-фонд, 1-руйхат, 428-иш, 37-варақ.

⁴ Туркестанская правда, №14, 18 января 1924 г.

Худудий жиҳатдан маҳаллий ижроия қўмиталарига бўйсундирилган милиция бўлимлари орқали ижроқўмлар ҳукумат чиқарган қарор ва фармойишларни эълон қилардилар ҳамда уларнинг фаолияти ёрдамида Халқ хўжалиги кенгашлари ҳисобидаги монополия қилинган товар ва озиқ-овқат маҳсулотлари (гугурт, тамаки, совун, чарм, металл, пахта ва б.) чайқовчилар қўлига ўтиб кетмаслиги ва уларнинг кооперативлар томонидан аҳолига тарқатилишини назорат қилишарди. Шунингдек, Туркистон АССР ИИХКнинг кўрсатмасига мувофиқ «Туркистонда ўтказилаётган ғалла монополияси ҳам милициянинг қаттиқ назорати остига олинди» (1920 й. 18 феврал)¹.

Шундай шароитда Туркистон АССР МИКнинг «Барча худудларда донли экинлар экилишини йўлга қўйиш зарурлиги» ҳақидаги буйруғи (1920 й. 9 июн) вилоят, уезд, овул ва қишлоқ ижроқўмларига тарқатилди. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш «участка милиция бошлиқлари ҳамда тегишли ижроқўмларга топширилди»². Эндиликда жойлардаги милиция ходимлари қишлоқ хўжалигининг сув тармоғидаги вазифасини бажариш билан бир пайтда, экин майдонлари ва экиладиган маҳсулотларни назорат қилиш масаласида ҳам фаолият юрита бошлади.

1920 йилгача чекка ўлкаларни бошқаришда «жойларда ҳокимият бошқаруви» шиори қўлланилган эди. Кейинчалик бу шиор ўзини оқламай қўйганлигини 1920 йил январ ойида Туркистон АССР Ички ишлар халқ комиссари Н. Калинин Туркистон АССР МИК Президиумига қилган докладида кўрсатиб ўтган эди.

Н. Калинин бу шиор ўз самарасини бермаётганлигини юқорида чиқарилган қарорлар, низом ва декретлар қоғозда қолиб кетаётганлиги билан изоҳлаб³, тез орада «пролетариат» ишлаб чиққан янги «ҳокимиятни қатъий марказлаштириш»⁴ шиорини амалда татбиқ этиш зарурлигини ўз маърузасида таъкидлаб ўтади.

¹ ЎзРМДА, 339-фонд, 1-рўйхат, 644а-иш, 11-варақ.

² ЎзРМДА, 39-фонд, 1-рўйхат, 343-иш, 165-варақ.

³ ЎзРМДА, 39-фонд, 2-рўйхат, 89-иш, 15-варақ.

⁴ ЎзРМДА, 39-фонд, 2-рўйхат, 89-иш, 214-варақ.

Туркистон АССР Ички ишлар халқ комиссарининг бундай докладидан сўнг «ҳокимиятни қатъий марказлаштириш» шиори Туркистон АССРнинг ҳамма ҳудудларига тарқатилди. Эндиликда Туркистондаги бошқарув органларида бир қанча ўзгартиришлар амалга оширила бошланди. Бу тадбирларни амалга ошириш ва назорат қилиш Ички ишлар халқ комиссарлигига юклатилди.

Туркистон АССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «ҳокимиятни қатъий марказлаштириш» шиорини амалга ошириш учун бир қатор низомлар ишлаб чиқди. Бу низомларни амалда қўллаш учун Туркистонда хизматчи кадрлар танқислиги юзага келди, бу пайтгача Россия Совет Федерацияси (РСФСР) ИИХКдан Туркистон АССР ИИХКга милиция фаолиятини бошқариб турадиган ҳужжатлар юбориб турилган бўлса, энди милиция сафида анча хизмат қилган «малакали» милиционерларни юбориш режаси тузилди. РКП(б) МК томонидан уезд ва губерния партия комитетларига 1920 йил февралда юборилган хатда эса «ҳақиқий коммунистик милициянинг фаолиятини такомиллаштириш учун милиция органларига алоҳида эътибор қаратиш зарур»¹, деб таъкидланди. 1920 йили Россия Совет Федерацияси Милиция Бош бошқармаси, Шимолий Кавказ, Туркистон ва Украинага 8000 га яқин милиционер ва командирларни юборди². Россия Совет Федерацияси ИИХК маҳаллий ҳокимият органлари билан бирга Туркистонда Ишчи-деҳқон милицияси биринчи отрядларининг тузилишига бошчилик қилган бўлса, эндиликда унинг фаолиятини «такомиллаштириш»да катта рол ўйнай бошлади. Бунга мисол тариқасида 1920 йил 7 апрелда РСФСР ИИХК ходими А. П. Мельниковнинг Тошкентга юборилишини айтиб ўтиш мумкин.

А. П. Мельников Туркистон Ишчи-деҳқон милициясида янги штатлар очилиши ва бошқа бўлимлар ташкил қилинишини назорат қилиш учун юборилган бўлиб, унинг иш фаолиятида Тошкент марказий шаҳар сифатида кўрсатилган эди. Амалга оширилган бу ишларнинг

¹ ЎзРМДА, 39-фонд, 1-руйхат, ба-иш, 178-варақ.

² Пиндюрина Н., Акопян А. В суровые годы военной интервенции и гражданской войны (1918-1920 гг.). // Советская милиция. №8, 1957. - С. 48

ҳаммаси тагида битта мақсад бўлиб, бу мақсад мавжуд тузумни мустаҳкамлаш, бунинг учун эса ушбу ишларни амалга оширишда Ишчи-деҳқон милициясидан максимал фойдаланиш эди.

Ҳукумат аппарати ва бошқарув бўлимларини совет Россиясида бўлгани сингари ТАССРда ҳам ишчи ва деҳқонларнинг қўлига топшириш, яъни ҳукумат таркибига кирган баъзи зиёлилар ва ижтимоий келиб чиқиши мулкдорлар табақасига бориб тақалувчи шахсларни йўқотиш сиёсати Туркистон ўлкасида жадал суръатларда олиб борила бошланди.

Буни назорат қилиш ва амалга оширишда асосий ролни Ишчи-деҳқон милицияси ўйнаб, унинг таркибида ҳам асосан камбағал аҳоли вакиллари ишлардилар. Бундай сиёсат натижасида отабобоси бой ўтган, лекин ўзи билимли, касбни пухта эгаллаган кишилар ҳам ўз ишларидан айрилиб қолдилар. Айримлари эса умуман Туркистон АССР ҳудудидан чикиб кетишга мажбур бўлишди.

«Туркистонда совет давлат аппаратининг илдизларини кучайтириш ва мустаҳкамлаш мақсадида бу ерга коммунистик партияга содиқ бўлган кишилар марказдан бир неча маротаба юборилган бўлиб, 1920 йил май ойидан 1921 йил октябрь ойигача Ўрта Осиёга 1158 та коммунист, 1921 йил сентябрдан 1923 йил октябригача 700 тадан ортиқ партия аъзолари юборилган»¹. Бу совет тузумини ҳимоя қилувчилардан кўпчилиги «тартибни ҳимоя қилиш орган»ларига ишга жойлаштирилган эди.

Бундан кўриниб турибдики, Ишчи-деҳқон милициясининг асосий бошқарув органларини ҳам партияга содиқ кишилар бошқарган бўлиб, улар Марказда қабул қилинган декрет, қонунлардан тортиб, берилган бошқа курсатмаларнинг ҳаммасини халқнинг хоши-иродасини инobatга олмай бажартирганлар.

Ишчи-деҳқон милицияси фаолияти ҳақида гапирганда Ички ишлар органлари таркибида сиёсий котибиятларнинг ташкил этилганлиги ва уларнинг олиб борган ишлари ҳақида тўхталиб ўтиш муҳим аҳамият касб этади, чунки бу сиёсий котибиятлар Ишчи-деҳқон милицияси фаолиятига тўғридан-тўғри таъсир ўтказиб, уларни назорат қилиб турган эди.

¹ Назаров С. Из истории деятельности Средазбюро ЦК РКП(б) (1922-1924 гг.) - Т.: Узбекистан, 1965. - С. 44.

1920 йилнинг охирларида милиция органларида сиёсий котибиятлар ташкил этила бошланди, унга милиция бошлиғи ўринбосари масъул қилиб тайинланди¹. 1921 йил 13 январда Туркистон АССР ХКС мажлис чақириб, унда милиция фаолиятини яхшилаш ва унинг шахсий таркибини «соғломлаштириш» масалаларини муҳокама қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўша йили 8 февралда ана шундай кенгаш ҳам бўлиб ўтди². Кенгашда милиция ходимлари орасида маданий-маърифий ишлар ўтказиш, бунинг учун милиция бошлиқларининг сиёсий-маъмурий ишлари бўйича ўринбосари лавозимини, яъни сиёсий котибият лавозимини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

РСФСР ИИХК йиғилишида «Россия совет милицияси комиссарлари ва сиёсий бўлим ёрдамчилари ҳақида ҳамда бунга қўшимча республика милицияси бўлимларидаги сиёсий бошлиқларнинг фаолияти тўғрисида» Низом қабул қилинди (1921 й. 7 июн). Бунда кўрсатилишича, комиссарлар ва бошлиқнинг сиёсий бўлим ёрдамчилари милицияда сиёсий ишларни назорат қилади ва милиция қисмларида инқилобий мафқурани кучайтириб, милиционерларда «коммунистик дунёқараш»ни кучайтиришлари зарур³.

Комиссар ва сиёсий қисм ёрдамчилари ўз фаолиятида фақат РСФСР МИК, ИИХК ва Милиция Бош бошқармаси кўрсатмаларига бўйсунар ва улар бу ташкилотлар томонидан бошқарилар эди. Мазкур тадбирларни янада такомиллаштириш мақсадида РКП(б) барча партия ташкилотларига «милиция сафларида коммунистлар сонини кўпайтиришга ёрдам беришлари кераклиги»⁴ тўғрисида кўрсатма берди. 1921 йил 22 октябрда сиёсий ходимларнинг II Бутунроссия съезди бўлиб ўтди, бунда милиция сафида сиёсий-маънавий ишларнинг ҳолати кўрилиб, «қисқа фурсат ичида мактаблар, кутубхоналар, қироатхоналар очиш ва бу жойларга милиционерларни жалб этиш; милицияда олиб борилаётган ҳамма ишларни қизил армиядаги ҳолатга ўтказиш»⁵ масаласи кун тартибига киритилди.

¹ Джалилов Т. Верные отчизне. - Т.: Узбекистан, 1968. - С. 60.

² ЎзРМДА, 339-фонд, 1-руйхат, 220-иш, 42-варақ.

³ ЎзРМДА, 39-фонд, 1-руйхат, 361-иш, 294-295-варақлар.

⁴ ЎзРМДА, 39-фонд, 1-руйхат, 367-иш, 25-варақ.

⁵ ЎзРМДА, 339-фонд, 1-руйхат, 393-иш, 48-варақ.

1921 йилнинг декабр ойида ўтказилган Бутунроссия МИКнинг III сессиясида милиция ташкилотларидаги сиёсий котибиятнинг вазифалари эълон қилинди. Сиёсий котиб милиция ходимлари орасида партия нуфузини орттириш, сиёсий ва маъмурий ташкилотлар билан ҳар доим алоқада бўлиб, уларнинг кўрсатмаларини бажариш ҳамда милицияга ажратилган маблағ-ларнинг сарфланиши ва кадрлар масаласини назорат қилиш вазифаларини бажарган¹. Умуман олганда, бу бўлим партиянинг милициядаги «кўзи ва қулоғи» сифатида фаолият кўрсатар эди.

Ҳар бир милиция бўлимларида партия ячейкаларидан ажратилган гуруҳлардан сиёсий комиссия тузилиб, улар умумий дарсларни ташкил қилиш, кутубхоналарни китоблар билан таъминлаш ва клублар фаолиятини кучайтириш ишлари билан шуғулланадиган бўлди.

1923 йил 1 августга келиб, Туркистон АССР милициясининг бўлим ва қисмларида мактаблар 36, клублар 6, кутубхоналар 6, қироатхоналар 10, қизил чойхоналар биттани ташкил қилган².

1922 йил 11—18 июнда вилоятлар ва уезд-шаҳарлар милиция раҳбарлари ва бошқарма бошлиқлари ҳамда шаҳар коммунал хизмати бўлимлари бошлиқлари иштирокида бўлиб ўтган 1— Бутун Туркистон (бирлаштирувчи) съездида «Туркистон АССРда милиция фаолиятини янада кучайтириш мақсадида жойларда уларга етарли шароит яратиб бериш, улар бевосита Марказнинг қўли остида иш юритишлари зарурлиги ва энг аввало милиционерлар ичида қонунбузарлик ва ишдан қочиб кетиш фактлари юз бераётганлиги сабабли милиция хизматида коммунистлар ва сиёсий ходимлар сонини тез орада кўпайтириш режаларини амалга ошириш зарур»³, деб топилди.

Бундан кўриниб турибдики, олдин милиция хизматида бўлган кишиларнинг кўпчилиги ўз ишидан, умуман милиция фаолиятидан

¹ Известия ВЦИК Советов, 8 декабря 1921 г., №31.

² ЎзРМДА, 339-фонд, 1-рўйхат, 659-иш, 148-варақ.

³ Материалы 1-го Всетуркестанского объединенного съезда. С. 20-23.

норози бўлиб ишини ташлаганлар, уларнинг айримлари эса ўзлари ишлаган милицияга қарши қурол ҳам кўтарганлар.

Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг йирик намояндаларидан бири бўлган Мадаминбек кўрбоши ана шундай кишилардан бири эканлигини таъкидлаб ўтиш мумкин¹.

Мадаминбек Марғилон милицияси бошлиғи лавозимида 1917 йил баҳоридан то 1918 йил январ ойининг охиригача ишлайди. Совет ҳокимиятига нисбатан ишончини йўқотган Мадаминбек 1918 йилнинг баҳоридан истиқлолчилар сафига ўтиб кетади². Шунингдек, олдин милиция сафида фаолият кўрсатиб, кейин истиқлолчилик ҳаракати томонига ўтиб, мавжуд тузумга қарши қурол кўтарган кўплаб милиционерларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу ҳақда кўплаб архив манбалари мавжуд бўлиб³, Туркистон АССР ИИХК томонидан Туркистон Компартияси МКга топширилган ҳисоботларнинг бирида (1922 й. октябр) бу ҳолат куйидагича кўрсатилган: «...Фарғонада милиция ходимлари босмачилар тарафига ўтиб кетаётганликлари учун уларни «қизил босмачилар»⁴ деб аташмоқдалар». Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, БХСР ва ХХСР ҳудудларида ҳам кўплаб милиционерлар «босмачилар»га қарши кураш жараёнида бевосита улар томонига ўтиб, қизил армияга қарши жангларда қатнашганлар.

Туркистон милицияси қизил армия ҳолатига ўтказилганидан сўнг, милиция бўлимлари совет ҳукумати томонидан истиқлолчилик ҳаракатига қарши ўтказилаётган курашларга жалб этилди. Туркистон АССР Милиция Бош бошқармаси бошлиғи 1920 йил 13 январда ёзган ўз ҳисоботида қуйидагиларни маълум қилган эди: «Тошкент уездининг Хонобод ва Пскент участкаларида «босмачилар»га қарши уюштирилаётган жангларда

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. -Т.: Шарк, 2000. - Б.84.

² Ражабов К. Мустақил Туркистон фикри учун мужодадалар (1917-1935). - Т.: Ўзбекистон, 2000. - Б.7.

³ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1324-иш, 173-варақ; 1327 иш, 76-варақ; ЎзРМДА, 339-фонд, 1-руйхат, 20-иш, 57, 183, 207-варақлар.

⁴ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1421-иш, 93-варақ.

милиция ходимлари билан ҳарбий кисмлар биргаликда курашмоқдалар... Бундан ташқари, Фарғона вилоятидаги довонларга милиция постлари ўрнатилган»¹.

Сирдарё вилояти Ҳарбий комитетига топширилган ҳисобот (1920 й. 31 май)да ҳам: «Ҳонобод участка милиционерлари «босмачи» гуруҳларга қарши олиб борилаётган жангларда фаол иштирок этаётганлиги»² таъкидланади.

Хуллас, бу ўринда шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, совет ҳокимияти томонига ўтган айрим қўрбошилар ва йигитлардан большевиклар ўз мақсадлари йўлида фойдаланиш учун уларни милиция сафларига қабул қилиб, собиқ маслакдошларига қарши жангга киришга мажбур қилганликларини тасдиқловчи материаллар ҳам кўплаб учрайди.

Шу ўринда РСФСР ИИХКга Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси раиси М.И.Калинин томонидан 1922 йил 16 октябрда юборилган қуйидаги қарор кўчирмасини таъкидлаб ўтиш зарур: «Бандитликнинг ҳамма кўринишларини тезроқ тугатиш мақсадида жиноят устида қўлга олинган қуроли ҳужум иштирокчиларини судсиз отиб ташлашгача бўлган ҳуқуқни Давлат сиёсий бошқармаси (ГПУ)га топшириш, сургунга жўнатишнинг умумий тартибига кўра, ижтимоий хавfli кишилар туғрисидаги умумий маълумотларни ИИХК учун йиғиш; шунингдек, антисовет сиёсий партияси раҳбарларини 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга мажбурий меҳнат лагерларига жўнатиш»³.

М.И.Калининнинг бундай қароридан сўнг, ИИХК билан қизил армия биргаликда истиклолчилик ҳаракатига қарши жангларда аёвсиз ҳаракат қила бошлади. Эндиликда ҳибсага олиш ва тергов қилиш ўрнига кўплаб одамларни суд ва сўроқсиз отиб ташлаш ҳоллари авж олиб кетди. Хуллас, тинч аҳолидан жуда кўп кишилар совет тузуми томонидан қатағон қилинди.

Айрим маълумотларга қараганда, 1921 йилнинг бошларида ўлка ташқарисига 2000 дан ортиқ одам совет органлари

¹ ЎзРМДА, 339-фонд, 1-руйхат, 230-иш, 15-варақ.

² Джалилов Т. Верные отчизне. - Т.: Узбекистан. 1968. - С. 76.

³ ЎзРМДА, 39-фонд, 2-руйхат, 89-иш, 14-варақ.

томонидан чиқариб юборилган бўлса,¹ 1921 йил март-май ойларида бу кўрсаткич 300 тани ташкил этган². Бу ҳол ачинарли бўлиб, бунинг оқибатида кўплаб юртдошларимиз ўз ишларидан айрилиб, айримлари эса она-ватандан ҳам жудо бўлишган. Аслини олганда ўша йилларда Туркистонни минглаб кишилар тарк этиб, улар хорижий давлатларга муҳожир бўлиб жўнаб кетишган³.

1923 йилнинг III чорагида Туркистон милицияси олиб борган ишларни қуйидаги рақамлар билан ифодалаш мумкин: 1069 та майда ва 283 та йирик ўғрилиқ ҳамда булардан ташқари 686 та от ўғрилиги содир этилганлиги, шунингдек, 88 та қотиллик ва 63 та ўз жонига суиқасд килиш ҳолатлари милиция бўлимлари томонидан рўйхатга олиниб, бу фактлар юзасидан 143 та тинтув, 136 та қуршов (облава) ва бошқа кўплаб тезкор операциялар ўтказилган. Натижада 24 та босқинчи ташкилотлар ва 199 та қуролли талон-торожлик ҳолатлари фoш этилиб, 38 та милтиқ, 79 та тўппонча, 10 та тигли милтиқ ва 40 та бошқа совуқ қуроллар тортиб олинган, умумий ҳисобда 2483 та жиноятчи ҳибсга олиниб, улар устидан жиноий иш қўзғатилган⁴.

Бу пайтда Туркистон АССРда кўнгилли милиционерлар отрядлари ҳам тузилган ва 1922 йил ноябр ойида уларнинг сони 6117 тани ташкил этиб, бу милиционерларнинг аксарияти Фарғона вилоятидаги милиция бўлинмаларида хизмат қилишарди. Андижон уездида уларнинг сони 1371 та, Наманган уездида — 1015 та ва Ўш уездида — 1183 тани ташкил этарди.

Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг «Кўнгилли милиция бўлимларини жанговар шароитга караб қисқартириш масаласи» тўғрисидаги қарори (1922 й. 10 ноябр) эълон қилин-

¹ ЎзРМДА, 25-фонд, 2-руйхат, 7-иш, 680-варақ.

² ЎзРМДА, 17-фонд, 4-руйхат, 4-иш, 296-варақ.

³ Туркистондаги муҳожирлик масаласи ҳақида батафсил қаранг: Хайитов Ш., Салмонов А., Йўлдошев С. Ўзбек муҳожирлиги тарихидан лавҳалар - Фарғона: Фарғона. 1998; Хайитов Ш., Бадриддинов С. Ватан дея ватансиз қолганлар қисмати. -Бухоро: Бухоро. 2005 ва б.

⁴ ЎзРМДА, 86-фонд, 1-руйхат, 2433-иш, 220-221-варақлар.

ганидан сўнг уларнинг сони Самарқанд вилоятида — 650 тадан 250 тага, Фарғона вилоятида — 3150 тадан 1536 тага, Сирдарё вилоятида — 469 тадан 150 тага¹, Ўш уездида эса 640 тадан 200—210 тагача камайтирилди (1923 йил 26 май ҳолатида)².

Кўнгилли милиция отрядлари миқдорини камайтириш ишлари олиб борилаётган бир шароитда СССР Қуролли Кучлари Олий бош қўмондони С. С. Каменевнинг 1923 йил 14 июнда «Туркистон кўнгилли милициясини қайта ташкил этиш ҳақида»ги хати юборилди. Хатда шундай дейилган эди: «Кўнгилли милиция отрядларини қисқартириш жараёнида уларнинг таркибидаги ходимларни доимий хизматга жалб этиш йўли билан милиция сафини тўлдириш зарур».

Ушбу хатга асосан Туркистон АССР МИК Президиумининг 1923 йил 31 декабрда «Кўнгилли милиция отрядларининг тугатилиши ҳамда унинг қарзлари билан боғлиқ масалаларни унга ажратилган маблағлар эвазига қоплаш ишларини назорат қилиш ИИХКга юклатилганлиги ҳақида»ги қарори эълон қилинди.

Бу масала юзасидан Туркистон АССР Милиция Бош бошқармаси бошлиғи Қурбонов Туркистон fronti (Туркфронт) штабига 1924 йил 14 февралда топширган ҳисоботда куйидагиларни кўрсатиб ўтган эди: «Туркистон АССР Милиция бошқармаси шуни маълум қиладики, кўнгилли милиция отрядларининг қисқартирилиши баробарида тегишли ижроия комитетлари билан келишилган ҳолда давлат милициясининг шахсий таркиби ҳам тўлдириб борилмоқда»³.

Туркистон ўлкасида ҳукуматга қарши олиб борилаётган қуролли ҳаракатнинг деярли бостирилиши муносабати билан 1924 йил 19 майда Туркистон АССР ХКС томонидан «1 октябргача барча ҳудудлардаги кўнгилли милиция отрядларини тугатиш»⁴ ҳақидаги қарори эълон қилинди.

Вақт ўтиши билан милиция бўлимларининг фаолияти янада кенгайтирилиб, милиция ходимлари савдогар ва хусусий ишлаб

¹ ЎзРМДА, 339-фонд, 1-рўйхат, 402-иш, 61-варақ.

² ЎзРЦДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 3173-иш, 124-варақ.

³ ЎзРМДА, 339-фонд, 1-рўйхат, 627-иш, 30-варақ.

⁴ ЎзРМДА, 339-фонд, 1-рўйхат, 659-иш, 210-варақ.

чиқарувчиларнинг патентларини текширар¹ ҳамда молия ташкилотларига солиқларни йиғишда ёрдам кўрсатарди², шунингдек, архивларда сақланаётган материалларни қўриқлаш ҳам уларнинг зиммасига топширилди. Шу билан бирга, милиционерлар табиат ҳодисалари ва бошқа жараёнлар оқибатида юзага келган фавқулодда ҳолларда (яъни ёнғин, тошқин, zilзила бўлган пайтларда) аҳолини мобилизация қилиш ишларида фаол иштирок этардилар³.

Туркистон милициясининг фаолиятидаги зиддиятли ҳолатларни чуқурроқ тадқиқ этадиган бўлсак, бу ҳақда гувоҳлик берувчи кўплаб архив материалларини учратиш мумкин. Қуйида уларнинг айримларини келтириб ўтмоқчимиз. Масалан, Полторацк (ҳозирги Ашхобод) шаҳар милициясининг 1920 йил 15 сентябр — 10 ноябрдаги фаолияти юзасидан Закаспий вилояти Фавқулодда комиссиясининг ТКПга топширган ҳисоботида бу салбий ҳолатлар қуйидагича эътироф этилади: «...Милиция сафларида тартиб-интизом умуман йўқ. Милиция бошлиқлари ва ходимлар порахўрлик ва ичкиликбозлик билан шуғулланмоқдалар. Ҳибсга олинган маҳбуслар милиция бошлиғи ёрдамчисининг уйида ишламоқдалар, ҳатто тунда ҳам уларни камераларга қайтариб олиб келишмаяпти»⁴.

Туркистон АССР Милициясининг бошлиғи Запрудский милиция фаолияти ҳақида РСФСР Милицияси бошлиғига 1922 йил 14 апрелда қилган докладада: «Милиция сафларида ҳеч қандай махсус курслар ўтилмаяпти, милиция ходимлари ўзларига юклатилган вазифаларни бажармаяпти, постларни ташлаб кетиш ва умуман хизматга келмаслик оддий ҳолатга айланган...»⁵ деб таъкидлаб ўтган бўлса, Туркистон АССР ИИХК томонидан Туркистон Компартияси МКга топширилган махфий ҳисобот (1922 йил октябр)да эса юқорида эътироф этилган камчиликлар билан бирга бошқалари ҳам айтиб ўтилади: «... Милиция таркибида бетартиблик ҳукм сураётганлиги, милиционерларнинг по-

¹ ЎЗРМДА, 339-фонд, 1-руйхат, 433-иш, 166-варақ.

² ЎЗРИИВА, 432-фонд, 4-руйхат, 18с-иш, 7-варақ.

³ ЎЗРЦДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1424-иш. 13-варақ.

⁴ ЎЗРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1050-иш, 60-варақ ва унинг орқаси.

⁵ ЎЗРМДА, 339-фонд, 1-руйхат, 207-иш, 56-варақ ва унинг орқаси.

рахўрлик, таъмагирлик ва жиноятчиликнинг бошқа турлари (то боскинчиликкача) билан шуғулланаётганликлари оддий воқеликка айланган»¹.

Туркистон АССР Фавқулодда комиссиясининг ВЧКга топширган ҳисоботларини кўздан кечирадиган бўлсак, уларда ҳам милиция фаолиятига тегишли кўплаб нохуш ҳолатлар ҳақида мулоҳаза юритилади. Улардан айримларини келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Масалан, 1921 йил ўрталарига оид ҳисоботларнинг бирида шундай кўрсатилган: «Сирдарё вилоятидаги давлат ташкилотларида мансабни суиистеъмол қилиш ҳоллари авж олган, милиция фаолиятини эса яхши деб бўлмайди, милиция сафларидаги тартиб-интизом борасида сўз юритмаса ҳам бўлади, милиция ходимлари порахўрлик, ичкиликбозлик, жиноятчиларни яшириш билан шуғулланишмоқда, тинтув пайтида мусодара қилинган вино ва бошқа спиртли ичимликлар милиция бошлиқлари ҳамда маъмурият ходимлари томонидан истеъмол қилинади... Умуман айтганда, милиционерларнинг қилаётган ҳамма номақбул ишларини санаб ўтишнинг иложи йўқ»².

Кейинчалик ҳам Сирдарё вилояти милиция органларидаги аҳвол ўзгаришсиз сақланиб қолди. Сирдарё вилояти милиция бўлимларининг 1922-1923 йилардаги фаолияти таҳлил қилинганда куйидаги манзара намоён бўлади: «1. Отлар етишмаяпти. 2. Таъминот етишмаяпти. 3. Тажрибали ходимлар етишмаяпти. 4. Милиция таркиби зарурлигига барча кишилар лоқайд қараяпти ва б... ем-хашак билан таъминлаш масаласи энг фожиали тус олди. Фақат Эски Тошкент ва Янги Тошкент милицияси кийим-бош билан таъминланган; уездларда маҳсус кийим-бош умуман мавжуд эмас»³.

Худди шундай ҳисоботларнинг яна бирида Тошкент шаҳар милициясининг фаолияти юзасидан 1921 йил 1 июнда куйидагича хулоса қилинади: «Ҳозирги пайтда Тошкент шаҳрида ўғрилик ва талончилик авж олган бўлиб, унга қарши жиноят-қидирув бўлимлари курашмоқда, шундай бўлгани ҳолда, вилоятдаги умумий кўринишни ошқора тасвирлайдиган бўлсак, бир фактни ало-

¹ ЎзРЦДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1421-иш, 92-варақ ва унинг орқаси.

² ЎзРЦДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1324-иш, 32-33-варақлар.

³ ЎзРМДА, 17-фонд, 1-руйхат, 96-иш, 170-171-варақлар.

хида таъкидлаш жоиз, агар милиция ходимлари ичкиликбозлик килиш ва жиноятчилар билан тил бириктириб иш юритишни тўхтатмас экан, жиноятчилик гуллаб яшнаймади»¹.

Туркистон АССР Ишчи-деҳқон инспекциясининг маъмурий бўлими томонидан Милиция Бош бошқармасида ўтказилган текширув натижалари асосида 1921 йил май ойида топширилган ҳисоботда ҳам Тошкент милициясининг хатолари кўрсатиб ўтилган: «... Тошкент шаҳрида фаолият юритган 60 та жиноятқидирув ходимларидан 50 таси турли хил жиноятлари учун қамоққа олинган»². Бу ҳолат Туркистон АССРдаги қўллаб милиция ташкилотлари учун оддий ҳолга айланган. Масалан, Полторацк шаҳар Фавкуллда комиссиясининг бошлиғи томонидан ВЧКга юборилган махфий билдиришнома (1921 йил ноябр)да бундай дейилган: «Вилоят милициясининг фаолияти бутунлай барбод бўлган, мавжуд бўлган қурол-яроғ ва отлар йўқолган, бу масала юзасидан жиноий иш қўзғатилиб, бошликлар судга берилган. Жиноятқидирув бўлимининг яқинда юборилган янги ходимлари устидан уларнинг порахўрлиги учун учинчи марта жиноий иш юритилиб, суд жараёнида уларнинг айби исботланган»³.

Туркистон АССР Темир йўллари Ҳарбий инқилобий трибуналининг 1922 йил 22 апрелда бўлган йиғилишида Самарқанд вилояти жиноятқидирув бўлимининг 3 нафар ходими устидан қўзғатилган жиноий иш кўриб чиқилади. Суд жараёнида жиноятқидирув бўлими ходимларининг айби, яъни қурол сотганлиги, порахўрлик ва таъмагирлик билан шуғулланганликлари исботланиб, уларга тегишли чоралар белгиланади⁴.

Самарқанд вилояти инқилобий трибунали томонидан РСФСР Олий Судининг Туркистон бўлимига 1922 йил 18 июнда топширилган ҳисоботда маълум қилинишича, «Самарқанд вилояти жиноятқидирув бўлимидаги ашъвий далиллар омборхонасининг мудир Гаврилов 100 млн. рублик ашъени ноқонуний йўл билан сотиб юборгани учун маълум муддатга қамоққа олинган»⁵.

¹ ЎзРЦДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1324-иш, 91-варақ.

² ЎзРЦДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1423-иш, 135-варақ.

³ ЎзРЦДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1336-иш, 31-варақ.

⁴ ЎзРМДА, 345-фонд, 4-руйхат, 12-иш, 101-варақ.

⁵ ЎзРМДА, 343-фонд, 1-руйхат, 92-иш, 2-варақ.

Ўратепа уезд-шаҳар милициясида Туркистон АССР Ишчи-деҳқон милицияси томонидан 1922 йил декабрда ўтказилган текширувлар натижасида бўлимлардаги мавжуд қурол-аслаҳа сотиб юборилгани маълум бўлади¹. Бу факт юзасидан жиноий иш қўзғатилиб, милиция бошлиғи Атаханов ҳибсга олинади ва унинг жиноий иши Самарқанд вилояти ҳарбий трибуналида қўрилади².

Давлат Сиёсий Бошқармаси (ГПУ)нинг Ўрта Осиё бўлими томонидан 1924 йил 25 ноябрда Туркистон АССР ИИХКга юборилган билдиришномада ҳам бу камчиликлар ва милиционерларнинг жиноятлари куйидагича эътироф этилган: «Ташкилотда мавжуд бўлган маълумотларга қараганда, Мирзачўл шаҳрида жиноятчилардан тортиб олинган оғирлиги 1,5 пудга яқин наша Хўжалик ишлари бошлиғи ҳамда бошқа милиционерларнинг иштирокида алоҳида шахсларга сотилмоқда. Давлат Сиёсий Бошқармаси бу масала юзасидан тегишли чора қўриб, ҳисобот беришингизни сўрайди»³.

Ишчи-деҳқон милициясининг фаолияти юзасидан ГПУнинг Ўрта Осиё бўлимига топширилган қисқача доклад (1924 йил 1 октябр)да ушбу фикрлар қайд этилади: «Милиция аҳоли орасида кенг тарқалган самогончиликка қарши тинмай курашиб, бир қадар ютуқларга эришди. Бу 1923 йилнинг биринчи ярим йиллиги учун рақамларда куйидаги манзарани ифодалайди: самогончиларни фош этиш борасида 2716 та тинтув уюштирилиб, натижада 807 та қўлбола ароқ тайёрлайдиган аппарат тортиб олинди ва 1627 та жиноий иш қўзғатилди»⁴. Бироқ Туркистон АССР ИИХКга жойлардан келган ҳисоботларда биз бутунлай бошқа манзаранинг гувоҳи бўламиз. 1924 йил декабрга оид шундай ҳисоботларнинг яна бирида милициянинг куйи бошқарув бўғинларидаги фаолияти куйидагича кўрсатилган: «... Район милиция бошлиқлари ва уларнинг ёрдамчилари фаолияти давомида порахўрлик ва қўлбола ароқ тайёрловчиларни ҳамда бошқа жиноятчиларни беркитиш билан шуғулланмоқдалар»⁵.

¹ ЎзРМДА, 343-фонд, 1-руйхат, 14-иш, 3-варақ.

² ЎзРМДА, 343-фонд, 1-руйхат, 14-иш, 43-варақ.

³ ЎзРИИВА, 432-фонд, 4-руйхат, 18с-иш, 2-варақ.

⁴ ЎзРМДА, 86-фонд, 1-руйхат, 2433-иш, 220-варақ; ЎзРИИВА, 432-фонд, 4-руйхат, 18с-иш, 425-варақ.

⁵ ЎзРИИВА, 432-фонд, 4-руйхат, 18с-иш, 53-варақ.

Жиноят-қидирув бўлимининг Самарқанд ва унинг атрофларида фаолият юритган махфий отрядлари Туркистон АССР ИИХКга топширган ҳисоботида уларнинг 1924 йил август ойида олиб борган тезкор операцияларининг натижалари қуйидагича кўрсатилган: «Ўтган вақт мобайнида махфий отрядлар томонидан мансабни суниестемол қилиш ҳолатлари ва бошқа жиноий ишлар ҳақида бўлимга келиб тушган барча маълумотлар тадқиқ этилиб, улар юзасидан тегишли чоралар кўрилди¹. Энди бевосита фактларга ўтадиган бўлсак, Самарқандда марказий магазинга ўғрилиққа тушган 4 та жиноятчи жойида ушланди ва улар устидан жиноий иш кўзғатилди. Каттақўрғон аптека-магазинида содир этилган талон-торожлик фош этилди, фуқаролар Юсуф Исмоилзода ва Зариповнинг уйларида қилинган ўғрилиқ ҳолатлари юзасидан кўзғатилган жиноий ишлар ёпилиб, жиноятчилар қўлга олинди. Қотилликда айбланиб, қидирувда юрган фуқаро Гораев (Полторацк шаҳрида туғилган) ва касса ўғриси душанбелик Кудряшев ушланди. Икки ярим пуд симоб ва бошқа ноқонуний товарлар билан савдо қилаётган жиноятчи гуруҳлар қўлга олинди»². Туркистон АССР жиноят-қидирув бўлимларининг 1924 йилдаги 3 ойлик фаолияти натижасида 774 та жиноий иш очилди³.

Жиноят-қидирув бўлимларининг иш юритишини такомиллаштириш ва бир тизимга солиш мақсадида Туркистон АССР МИК ва ИИХК томонидан 1924 йил 24 апрелда «Туркистон АССР жиноят-қидирув бўлимларининг Низоми»⁴ тасдиқланди. Низомга мувофиқ, жиноят-қидирув бўлими ходимларининг вазифалари, мажбурият ҳамда ваколатлари қонуний эътироф этилган йўналишлар мажмуасидан иборат бўлган. Бироқ жиноят-қидирув бўлимларининг ходимлари ҳамма пайт ҳам бу Низомга амал қилмаганлар.

Худди шундай мазмундаги, яъни милиция фаолияти ва унинг иш юритишидаги салбий жиҳатларни қамраб олган

¹ ЎзИИВА, 432-фонд, 4-руйхат, 3-иш, 35-варақ.

² ЎзИИВА, 432-фонд, 4-руйхат, 3-иш, 36-37-варақлар.

³ ЎзРМДА, 39-фонд, 2-руйхат, 227-иш, 83-варақ.

⁴ ЎзРМДА, 340-фонд, 1-руйхат, 94-иш, 40-варақ.

маълумотларни яна қўллаб келтириш мумкин. Бу материаллар ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг турли архивларида сақланмоқда¹.

Хулоса қилиб айтганда, Бутунроссия Фавкулудда Комиссия-сидек даҳшатли ташкилот ва жойларда унинг бўлимлари тузилиши, ВЧКнинг милиция билан олиб борган фаолияти натижасида ўн минглаб инсонлар қамоққа олинди ва отиб ташланди.

Туркистон АССР ИИХКга юқоридан топширилган қарор, буйруқ ва фармойишларни ҳаётга татбиқ этишда Ишчи-деҳқон милицияси асосий рол ўйнаб, Марказнинг ўлка устидан юритган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жабҳалардаги барча ўзгартиришлар милиция бўлимлари орқали амалга оширилди. Бу тадбирларни тез ва жадал суръатларда амалда қўллаш учун ўлкага бир неча маротаба партиянинг «ишончли» вакиллари юборилди. Милиция бўлимларида сиёсий қотибият лавозими таъсис этилганидан сўнг эса партия раҳнамолари ташкилотдаги ҳамма масалани бевосита назорат қилиб, милиционерларнинг фаолиятига тегишли кўрсатмаларни тўғридан-тўғри берадиган бўлдилар. Ўлкада олиб борилаётган марказлаштириш сиёсатининг «ранг-баранглиги» ва уларнинг амалда татбиқ этилиши масаласидан келиб чиқиб, милиция ходимларининг фаолиятига тегишли кўрсатмалар ҳам ўзгартириб борилди. Милиционерлар жиноятчиликка қарши кураш билан биргаликда жамиятда фаолият юритаётган барча ташкилотлар (давлат ҳокимияти органларидан бошлаб маҳкама, муассаса, корхоналар, молия ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги тармоғи ва ҳарбий қўмиталар)га ёрдам кўрсатарди.

Юқори органларнинг кўрсатмасига мувофиқ, милиция бўлимларида ташкил этилган кўнгилли милиция отрядларининг

¹ ЎзРМДА, 86-фонд, 1-руйхат, 2433-иш, 130-131-варақлар; 339-фонд, 1-руйхат, 75-иш, 6-варақ; 106-иш, 69-варақ; 111-иш, 24-варақ; 207-иш, 56, 57-варақлар; 356-иш, 7-варақ; 343-фонд, 1-руйхат, 14-иш, 3, 19-варақлар; 345-фонд, 4-руйхат, 45-иш, 113, 114-варақлар; ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1324-иш, 92-варақ; 1327-иш, 78-варақ, 1336-иш, 31, 57-варақлар; 1421-иш, 49, 50, 51-варақлар; 2167-иш, 1-варақ; 3110-иш, 27-варақ; 4295-иш, 34-варақ; ЎзРИИВА, 39-фонд, 1-руйхат, 78-иш, 41-варақ; 432-фонд, 4-руйхат, 18с-иш, 1, 2, 53, 261-варақлар; Фаргона ВДА, 121-фонд, 2-руйхат, 91-иш, 24-варақ ва бошқалар.

фаолиятини таҳлил этиш жуда мураккаб ва зиддиятли масала ҳисобланади. Чунки Марказ бу отрядларни тузишда катта стратегия қўллаган бўлиб, қўзланган бирдан-бир мақсад маҳаллий аҳолининг бевосита иштирокида, яъни уларнинг қўли билан ҳокимиятга қарши уюштирилаётган қуролли чиқишларни тўхтатишдан иборат эди. Бу ишларни амалга ошириш жараёнида аҳолига нотўғри маълумотлар тарқатилиб, Туркистондаги совет режимига қарши қуролли ҳаракат вакиллари халқ душмани, «босмачи», босқинчи ҳамда қароқчилар сифатида кўрсатилди ва ўлка аҳолиси даҳшатли курашлар гирдобига тортилди.

Умуман олганда, тадқиқ этилаётган даврда Ишчи-деҳқон милициясининг фаолияти кўплаб нохуш ҳолатлар билан кечди. Бир томондан, ҳукмрон тузум ўз мақсадларига эришиш йўлида ундан «қурол» сифатида фойдаланган бўлса, иккинчидан, милиция органларининг асосий вазифаси ҳисобланган халқ осойишталиги ва тинчлигини таъминлаш борасидаги фаолияти ҳам етарли даражада олиб борилмади, чунки милиция сафларида юз берган салбий ҳолатлар: порахўрлик, таъмагирлик ва ичкиликбозлик сингари ёмон иллатлар унинг бутун фаолияти давомида учраб турди.

2.2. ИШЧИ-ДЕҲҚОН ИНСПЕКЦИЯСИНИНГ ТУРКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА ТАРТИБ— ИНТИЗОМНИ ЎРНАТИШ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ

Ҳарбий коммунизм сиёсати оқибатида вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклаш ва большевиклар раҳбариятининг «социалистик қурилиш» стратегиясини ислоҳ қилиш борасидаги дастлабки уринишлар амалга оширилаётган пайтда Ишчи-деҳқон инспекциясининг фаолияти муҳим аҳамият касб этди. Чунки ўлка иқтисодиёти ниҳоятда оғир аҳволга тушиб қолган эди. Унинг деярли барча тармоқлари амалда инқирозга учради, ишлаб чиқарувчи кучлар барбод бўлди, вайрон бўлган хўжалик эса натура шаклига тушиб қолди.

Ҳарбий коммунизм сиёсати Туркистон АССР халқ хўжалигининг барча тармоқларини тушкунлик ҳолатига, айниқса, аграр соҳани ҳалокатли аҳволга олиб келди. Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1921 йилда 1914 йилги даражага нисбатан 48,8% қискарди. Суғориш иншоотлари мисли қурилмаган даражада барбод бўлган эди. Чорва моллари 1920 йили 1915 йилга нисбатан 3 баравардан зиёдроқ қисқариб, 1915 йилда мавжуд бўлган 24 млн. бошдан фақат 8112000 бош мол сақланиб қолди¹. Пахтачилик соҳасида юзага келган танглик ҳолатлари анча кескин даражада эди. 1915 йилда Туркистонда 669 минг десятина майдонга пахта экилиб, ундан 831 минг т. ҳосил олинган бўлса, 1921 йилда эса ялпи териб олинган пахта ҳосили фақат 15 минг т. ни ташкил этди². Туркистон қишлоқ хўжалигида бўлгани каби унинг саноатида ҳам 1920 йилга келиб чуқур инқироз юз берди. Айниқса, қайта ишлаш, қазиб чиқариш тармоқлари ва транспорт бутунлай издан чиққан эди. Тошқумир ва нефть қазиб чиқариш эса кундалик эҳтиёжни ҳам қопламас эди³.

Ишчи-деҳқон инспекцияси фаолияти давомида ўзига юклатилган вазифалар ва белгиланган ваколатлар доирасида ташкилот, корхона ва муассасаларда тафтиш ишлари олиб бориб, фoш этилган камчиликларни бартараф этиш учун тегишли чоратadbирларни амалга оширди.

Туркистон АССР Ишчи-деҳқон инспекцияси 1920 йил сентябр—декабр ойларида асосан ўлкадаги йирик давлат ташкилотлари: Озиқ-овқат халқ комиссарлиги, Халқ Хўжалиги Марказий Кенгаши, Молия халқ комиссарлиги ва бошқа саноат корхоналарида текширув ва тафтиш ишларини олиб борди. Ўз навбатида, мазкур ташкилотлар ҳам гуруҳларга ажратилиб, аввал озиқ-овқат, транспорт ва ёқилғи саноати билан боғлиқ бўлган бошқарма, муассаса ҳамда корхоналар текширилди ва уларга йўл қўйилган камчиликларни тугатиш борасида тегишли кўрсатмалар берилди⁴.

¹ Ирригация, сельское хозяйство и животноводство, 1922. № 1-2. - С. 29-30.

² Советский Узбекистан в борьбе за развитие хлопководства. - Т., 1949. - С. 14.

³ ЎзРМДА, 27-фонд, 28-руйхат, 496-иш, 35-варақ.

⁴ ЎзРПДА. 60-фонд, 1-руйхат, 1423-иш, 7-варақнинг орқаси.

Туркистон АССР Ишчи-деҳқон инспекциясининг фаолияти юзасидан 1920 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун Бутунроссия МИКга юборилган докладда қуйидагилар маълум қилинади: «Ишчи-деҳқон инспекциясининг жойлардаги бўлимлари, хусусан, озиқ-овқат бўлими томонидан озиқ-овқат кассалари ва тегирмонларда ўтказилган текширувлар натижасида катта миқдордаги маблағнинг етишмаслиги маълум бўлса-да, бўлим бу маблағларни қайтариш шарти билан тафтиш тўхтатилгани, бундан ташқари қишлоқ хўжалиги бўлими, саноат-техник ва маъмурий бўлимлар томонидан ҳам тафтишлар уюштирилганлиги ва кўплаб нохуш ҳолатлар очилганлиги таъкидланса-да, уларга нисбатан тегишли қаттиқ чоралар қўрилмаган»¹.

Ташкилотда мавжуд бўлган бундай камчиликлар инспекция бўлимларининг ҳали яхши уюшмаганлиги, малакали кадрларнинг етишмаслиги ва олиб борилаётган ишлар охирига етказилмаётганлигидан далолат беради. Масалан, Тезкор тафтиш бўлимида 1920 йил октябр ойида фаолият юритаётган 51 та аъзодан 3 таси саводли, 30 таси чаласавод ва 18 таси умуман саводсиз бўлиб, бу ходимларнинг биттаси ҳам ҳисоб-китобни билмасди².

Ўлка Ишчи-деҳқон инспекцияси бўлимларининг 1920 йил сентябр—декабр ойларидаги фаолияти ҳақида Туркистон АССР ХКС ва РСФСР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлигига 1921 йил февралда топширилган ҳисоботда бу масала рўйи-рост баён этилиб, шундай дейилади: «Давлат назорати ташкилотининг қолдиқларидан ташкил этилган Ишчи-деҳқон инспекциясининг аппарати ҳаёт талабларига умуман жавоб бермайди, унинг жойлардаги бўлимларига иш юритиши ва фаолияти билан боғлиқ зарур кўрсатмалар берилмаган, оқибатда ташкилотларда олиб бориладиган текшириш ва тафтиш ишлари нотўғри юритилган. Ходимлар ўз вазифа ва мажбуриятларини билмайдилар...»³.

Туркистон тўқимачилик тасарруфидаги пахта тозалаш заводларини текшириш ва уларга зарур бўлган ёрдамни кўрсатиш

¹ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1192-иш, 28-29-варақлар.

² ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1223-иш, 110-варақ.

³ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1423-иш, 4-варақ ва унинг орқаси.

учун Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги бошчилигида таркибига Туркистон тўқимачи (Турктекстиль), тўқимачилик саноати иттифоқи ҳамда инспекция ходимлари кирган махсус комиссия тузилди. Комиссия томонидан умумий ҳисобда 32 та корхона ва ташкилотларда тафтиш ишлари ўтказилиб¹, унда заводлардаги барча асбоб-ускуналар батафсил текширилди. Натижа ва хулосалар Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлигининг коллегиясида таҳлил қилиниб, тегишли тавсиялар берилди.

Корхона ва давлат муассасаларида ўтказилган тафтишлар натижасида кўплаб қўнимсиз ҳолатлар асосан хўжалик бўлими ходимлари томонидан амалга оширилаётганлиги аниқланганидан сўнг, бу муаммонинг олдини олиш мақсадида 1920 йил октябрда Ишчи-деҳқон инспекциясининг махсус қарори чиқарилди. Бу қарорда куйидаги жиҳатларга эътибор қаратилди: «Суд жараёнларида маълум бўлишича, ташкилотларда мол-мулкларнинг рўйхатга олинмиш тартиби тўғри йўлга қўйилмаслиги оқибатида беҳисоб жиноятлар содир этилмоқда. Бундай жиноятларни бартараф этиш учун Ишчи-деҳқон инспекцияси томонидан рўйхатдан ўтказилган ва бўлим бошлигининг қўли ҳамда муҳри билан тасдиқланган «эсдалик дафтарча» ҳамма област, уезд, шаҳар ва район ташкилотларига, корхона ҳамда муассасаларга тарқатилади. Ташкилотларга келиб тушадиган ва ундан чиқариладиган барча мол-мулк, хом ашё ва бошқа нарсалар шу дафтарга ёзилиши, дафтар тўлиши билан эса Ишчи-деҳқон инспекциясининг тегишли бўлимларига топширилиши шарт»².

Ишчи-деҳқон инспекциясининг бўлимлари томонидан 1920 йил сентябр ойдан 1921 йилнинг 1 мартигача ўтказилган текширув ва тафтишлар натижасида фош этилган кўплаб жиноятлар юзасидан жинойий иш қўзғатилиб, Фавқулодда комиссия, Халқ Суди, милиция ва бошқа ташкилотларга юборилган³.

Туркистонда АССРда республика иқтисодиётига раҳбарлик қилиш учун 1921 йилнинг феврал ойда Тошкентда Туркистон

¹ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 1089-иш, 46-варақ.

² ЎзРМДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 1048-иш, 38-варақ.

³ ЎзРМДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 685-иш, 21-22-варақлар.

Иқтисодий Кенгаши¹, вилоятларда эса вилоят иқтисодий кенгашлари тузила бошлади². Ишчи-деҳқон инспекцияси ўзининг кейинги фаолиятида мазкур ташкилот билан ҳамкорликда иш юритди.

Ишчи-деҳқон инспекциясининг асосий бўлимларидан бири бўлган Тезкор тафтиш бўлими ўзининг 82 та ходими (улардан 8 таси саводли, 23 таси чаласавод ва 51 таси саводсиз) билан қисқа фурсат ичида (1921 йил 7 феврал — 17 апрел) Туркистон АССРдаги барча комиссарликлар ва йирик ташкилотларда 81 та йирик ва 107 та майда тафтишлар (улардан 37 таси Тошкент шаҳар Фавқулодда комиссиясининг махфий маълумотлари асосида) ўтказилди³.

Шу билан бирга, Халқ Хўжалиги Марказий Кенгаши ва унинг бўлимларида ўтказилган тафтиш натижалари асосида Туркистон АССР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги томонидан «Турктамики», «Теритрест», «Турккомгоссор» ва «Металл-саноати» сингари бошқармаларнинг фаолияти тўхтатилди. Шунингдек, Туркистон АССР МИКга: 1) 30 та мансабдор шахсларни ўз вазифасидан бўшатиш, 2) 43 кишини жиноий жавобгарликка тортиш, 3) 26 та ходим устидан 9.790.284 рублга фуқаролик даъвосини қўллаш⁴, 4) зудлик билан 34.173.865 рубл 75 копейкани (1922 йилги пул ҳисобида) ундириш юзасидан тегишли чораларни кўриш таклиф қилинди⁵.

Тошкент шаҳридаги ошхоналарда олиб борилган текширув жараёнида кўплаб тартибсизлик ва жиноятлар фош этилиб, улар юзасидан жиноий ишлар қўзғатилди. Оқибатда бир нечта ошхона бошликлари Туркистон чекаси (ЧК - фавқулодда комиссия) томонидан маъмурий жазога тортилди⁶.

¹ ЎзРМДА, 25-фонд, 1-руйхат, 444-иш, 1-варақ.

² Туркистон АССРда янги иқтисодий сиёсат олиб борилаётган шароитда Туркистон Иқтисодий Кенгаши республика ҳудудидаги олий орган сифатида ўзига хос маъмурий тизимдан иборат бўлиб, марказий, вилоят, волост ва уезд иқтисодий кенгашларидан ташкил топган эди.

³ ЎзРМДА, 25-фонд, 1-руйхат, 685-иш, 16-варақ ва унинг орқаси.

⁴ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 3126-иш, 8-варақнинг орқаси.

⁵ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1714-иш, 222-варақ.

⁶ ЎзРМДА, 25-фонд, 1-руйхат, 685-иш, 17-варақнинг орқаси.

Гўдак уйлари ва интернатларда ўтказилган тафтишларда болаларнинг овқатланиши ва даволаниши билан боғлиқ масалалар яхши йўлга қўйилмаганлиги аниқланди ва бу муаммоларни тез кунда бартараф этиш Маориф ва Соғлиқни сақлаш халқ комиссарликларидан талаб қилинди. Бундан ташқари, 2-сонли гўдаклар уйида молмулк ва озик-овқат ўғрилиги содир этилгани маълум бўлганидан сўнг, бу иш жиноят-қидирув бўлимига ўтказилди¹.

Инспекциянинг саноат-техника бўлими томонидан 1921 йил июл-сентябр ойларида Халқ Хўжалиги Марказий Кенгашида тафтиш олиб борилиб, унинг таркибидаги 2 та бўлим: фойдаланиш комиссияси ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўлимларининг йил бошидан фақат қоғозда фаолият юритганлиги, амалда улар ҳеч қандай иш бажармаганликлари маълум бўлди². Фойдаланиш комиссияси захирадаги барча хом ашё, товар ва материалларни ҳисоблаб, уларни эҳтиёжларга қараб республикадаги тегишли ташкилотларга сотиши керак эди. Лекин комиссия томонидан бу ишлар амалга оширилмаганлиги сабабли ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўлими умуман иш бошламаган. Халқ Хўжалиги Марказий Кенгаши тасарруфидаги тармоқларда уюштирилган 14 та режали тафтиш жараёнида битта ҳам ижобий натижа олинмади. Бундай қўнимсизлик ва сансалорликни бартараф этиш мақсадида Ишчи-деҳқон инспекцияси томонидан ташкилотнинг юқорида таъкидланган 2 та бўлими қайта ташкил этилиб, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ташкилий-инструкторлик ва ихтиро қилиш бўлимлари тузилди.

Қишлоқ хўжалигининг энг устун тармоғи - пахтани қайта ишлаш корхоналарида ўтказилган текширувлар натижасида бу соҳанинг барча бўғинлари қийин ахволда эканлиги, шунингдек, завод ва фабрикалар ҳамда пахта толаси сакланадиган омборхоналарда кўплаб жиноятлар содир этилаётганлиги аниқланди. Бу масала ҳақида саноат милицияси бошлигининг Ишчи-деҳқон инспекциясига топширган аризасида: «...пахтачилик соҳаси билан боғлиқ бўлган объектлардан келган маълумот-

¹ ЎзРМДА, 25-фонд, 1-руйхат, 685-иш, 18-19-варақлар.

² ЎзРМДА, 17-фонд, 1-руйхат, 50-иш, 6-варақ.

ларга қараганда, ўғрилик, талон-торожлик ва бошқа жиноятлар ўша жойнинг соқчи ва қоровуллари томонидан амалга оширилмоқда»¹, деб кўрсатилди. Бироқ мазкур фактлар юзасидан Ишчи-деҳқон инспекциясининг Туркистон АССР ХКСга юборган билдиришномалари жавобсиз қолиб, муаммоларни йўқотиш борасида ҳеч қандай чора кўрилмади.

Терини қайта ишлаш саноатидаги тафтишлар мобайнида, унинг барча тармоқлари деярли тўхтаганлиги маълум бўлди. Туркистонда мавжуд бўлган 140 та терини қайта ишлаш заводидан атиги 20 таси йил давомида фаолият кўрсатиш салоҳиятига эга бўлса-да, ҳозирги кунда улардан айримлари ишламаяпти. Бу соҳага тегишли барча заводлар текширувдан ўтказилганидан сўнг, заводлардаги асбоб-ускуналарнинг эскирганлиги аниқланди ва республикада саноатнинг бу тармоғини сақлаб қолиш учун биринчи навбатда уларни янгилаш зарур эканлиги Халқ Хўжалиги Марказий Кенгаши Президиумига маълум қилинди. Президиум бу маълумотларни ўрганиб чиқиб, кейинги ойда тери саноатини ривожлатириш учун 170 млн. рубл маблағ ажратишни режалаштирди².

Олиб борилган текширувлар натижасида ёқилғи ишлаб чиқариш саноатида юзага келган инқироз кейинги мавсумда ҳам ўнганмаслиги маълум бўлгач³, инспекция томонидан бу соҳада ишлаётган ходимларнинг моддий аҳволини бир оз бўлса-да яхшилаш учун ёрдам кўрсатилиши лозимлиги таъкидланди.

1921 йил октябрда Ишчи-деҳқон инспекцияси Туркистон АССРда фаолият юритаётган, очларга ёрдам кўрсатиш ташкилотларида тафтиш ўтказди. Тафтиш натижасида ўлка миқёсида 25211 пуд буғдой, 20205 аршин мануфактура, 533 бош қўй, 4600 пуд керосин ва бошқа нарсалар⁴ хайр-эҳсон қилинганлиги маълум бўлди. Инспекция бу ташкилотларда ҳисоб-китобни қаттиқ назорат остига олиш кераклигини таъкидлаб, уларни тўғри юритиш юзасидан хулосалар берди. Шунингдек,

¹ ЎзРМДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 50-иш, 7-варақ.

² ЎзРМДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 50-иш, 8-варақ.

³ ЎзРМДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 50-иш, 9-варақ.

⁴ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 1737-иш, 37-варақ.

ташкilotларга келиб тушадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа юкларнинг дахлсизлигини таъминлаш масаласига эътиборни кучайтириш зарурлигига алоҳида урғу берди.

Ишчи-деҳқон инспекцияси Самарқанд вилояти бўлимининг иктисодий бўлими¹ томонидан 1921 йил, яъни бир йил ичида ҳаммаси бўлиб 296 та, улардан 64 та режали, 120 та фавқулодда фактик ва 112 та бошқа турдаги тафтишлар ўтказилди². Режали тафтишлар натижасида 55 та жинойи иш қўзғатилиб, тегишли жазо органларига юборилди. Шу ўринда муҳим бир жиҳатни таъкидлаб ўтиш жоиз, жазо органларига етиб борган жинойи ишларнинг ўз вақтида, яъни ойлаб кўриб чиқилмаслиги оқибатида уларнинг аксарияти йўқолиб қолиши ҳолатлари юз берган³. Натижада инспекция ходимлари томонидан амалга оширилган ишлар охирига етмай, фош этилган кўплаб жиноятларга тегишли жазо қўлланилмаган

Самарқанд вилояти Ишчи-деҳқон инспекциясининг тезкор тафтиш бўлими 1921 йил мобайнида 30 та (10 та саводли, 15 та чаласавод ва 5 та саводсиз) ходими билан 587 та текширув ишларини юритиб⁴, бу жараёнда Самарқанд вилояти Фавқулодда комиссиясининг кассалари, касалхоналар, вилоятдаги очларга ёрдам кўрсатиш комиссияси, вилоят милициясининг жиноят-қидирув бўлими, 1-сонли интернат, вилоят ижроия комитетининг хўжалик бўлими ва бошқа ташкilotлар текширилди. Текширувлар натижасида кўплаб ташкilotларнинг хўжалик бўлимидаги нуқсонлар билан бир каторда жиноят-қидирув бўлимида мол-мулкларни рўйхатга олиш журналининг йўқлиги аниқланди ва уларга бу камчиликларни бартараф этиш борасида тегишли кўрсатмалар берилди.

Инспекциянинг вилоят арзнома бюросига 1921 йили, яъни бир йил мобайнида тушган 2232 та⁵ ариза ва шикоятлар устида

¹ Иктисодий бўлим - инспекция таркибидаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги бўлими урнига 1921 йил 1 октябрда тузилган.

² ЎзРПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1421-иш, 41-варақ.

³ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1421-иш, 42-варақ ва унинг орқаси.

⁴ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1421-иш, 43-варақ.

⁵ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1421-иш, 44-45-варақлар.

текширув ва суриштирув ишлари олиб борилиб, 3 нафар мансабдор шахс ўз вазифасидан бўшатилади, 45 кишининг ҳужжатлари суд идораларига юборилди, шунингдек, яна 10 та ходимнинг ишини судга ошириш режалаштирилди.

1921 йилнинг охирларидан Ишчи-деҳқон инспекцияси Ташки ишлар халқ комиссарлиги ва унинг бўлимларида тафтиш ишларини бошлади. Тафтиш пайтида қимматбаҳо нарсалар аниқ ҳисобга олинмаётганлиги, маблағларнинг нотўғри харажат қилинаётганлиги ва штатларнинг жуда кенгайиб кетганлиги, шунингдек, кассаларда ўтказилган тезкор текширувлар натижасида 10 млн рублнинг етишмаслиги аниқланди (1922 й. 9 март)¹. Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги ташкилотнинг фаолиятини қониқарсиз деб топди ва бу масала юзасидан тегишли чора кўриш кераклигини таъкидлаб, барча тафтиш материалларини РСФСР Ишчи-деҳқон инспекцияси ва Ташки ишлар халқ комиссарликларига юборди². Тафтиш материаллари ўрганиб чиқилганидан сўнг тез кунда штатларни энг кам миқдоргача қисқартириб, уларнинг структурасини ўзгартириш ҳамда комиссарлик тасарруфидаги бўлимларнинг иш унумдорлигини ошириш тўғрисида бир қатор кўрсатмалар берилди.

Ўлка Ишчи-деҳқон инспекциясининг фаолиятини кучайтириш ва нуфузини янада орттириш мақсадида Туркистон АССР МИК томонидан 1922 йил 2 августда чиқарилган қарорда қуйидаги фикр таъкидланади: «Хамма совет ташкилотлари, бошқарма, муассаса ва корхоналар, шунингдек, республиканинг барча аҳолиси Ишчи-деҳқон инспекциясининг фаолиятини қўллаб-қувватлаши шарт»³.

1922 йилнинг иккинчи ярим йиллигида Ишчи-деҳқон инспекцияси қўллаб ташкилотларда текширув ишларини олиб борди. Пахтачилик соҳасида ўтказилган текширувлар натижасида Марв шаҳридаги 10-сонли пахта заводида турли хил фирма ҳамда

¹ УзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1451-иш, 116-варак.

² УзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1451-иш, 188-варақнинг орқаси.

³ Тошкент ВДА, 48-фонд, 1-руйхат, 2-иш, 45-варак.

шахсларга сотиш йўли билан 92,335 аршин мануфактура, 1.631.400 ярд ип, 1000 пуд буғдой, катта микдорда гугурт ва бошқа нарсаларнинг талон-торож қилинганлиги аниқланди¹.

Мактабларда ўтказилган тафтишлар пайтида мактабларнинг яхши жиҳозланмаганлиги ва умуман таъмирланмаганлиги, дарсликларнинг йўқлиги ва, айниқса, ажратилган маблағларнинг тўғри тақсимланишига Маориф халқ комиссарлигининг хўжасизларча муносабатда бўлиши оқибатида бундай муаммолар ўз ечимини топмаётганлиги маълум бўлди.

Ўлкада молия сиёсатини олиб бораётган ташкилотларни текширув жараёнида Молия халқ комиссарлиги тасарруфидаги марказий ва маҳаллий кассаларда кредитлар ноқонуний равишда берилаётганлиги, моддий ва пул ҳисоботларида камчиликларнинг мавжудлиги, шунингдек, маҳаллий солиқ қўмиталари йиғилган маблағларни тегишли сметаларсиз ўзлаштираётганлиги фош этилди. Бу нуқсонларни йўқ қилиш мақсадида Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги маҳаллий ижроия комитетлари орқали тегишли чоралар кўриш зарурлигини таъкидлади ва уларга йиғилаётган солиқларни назорат қилиб туришни таклиф этди.

Хуллас, таҳлил қилинаётган давр (1922 й. май-октябр) мобайнида инспекция томонидан 280 та жиной иш кўзгатилиб, тегишли жазо органларига юборилган бўлса, 1923 йилнинг апрел ойигача улардан 30 таси тўхтатилиб, атиги 33 та иш устидан суд қарори эълон қилинди, қолган 217 таси ҳали-ҳануз кўриб чиқилмади², яъни Ишчи-деҳқон инспекциясининг олиб борган меҳнати қадрланмай, тегишли ташкилотлар ушбу жиной ишларни кўриб чиқиш масаласига совуққонлик билан муносабатда бўлдилар.

Ишчи-деҳқон инспекциясининг ўлка маъмурий бошқарув тизимидаги камчиликлар, яъни мансабни суиистеъмол қилиш, порахўрлик ва шунга ўхшаш бошқа жиноятларга қарши курашиш

¹ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1714-иш, 222-варақнинг орқаси.

² ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1714-иш, 223-варақ ва унинг орқаси.

борасидаги 1922 йил 1 октябрдан то 1923 йил 1 апрелгача бўлган фаолиятини қуйидагича кўрсатиш мумкин¹:

Бунинг учун архив манбаларидаги рақамларга мурожаат қилсак, бу даврда Туркистон АССРнинг Сирдарё вилоятида 98 та, Фарғона вилоятида 29 та, Туркман вилоятида 11 та, Самарқанд вилоятида 21 та, жами 168 та жиний иш қўзғатилиб, улардан Сирдарё вилоятида 31 та, Фарғона вилоятида 3 та, Туркман вилоятида 2 та, жами 36 жиний иш судларда кўриб чиқилган, улардан 61 та жиний ишни кўриш тўхтатилган, 181 та жиний иш эса 1923 йил 1 апрел ҳолатида судларда кўрилмоқда.

Қўзғатилган жиний ишларни таркибий жиҳатдан қуйидаги туркумларга ажратиш мумкин:

- а) ноқонуний ижарага бериш ва шартномаларни бажармаслик... 41
- б) ҳуқуқ доирасидан четга чиқиш... 17
- в) давлат маблағларини ноқонуний ўзлаштириб олиш... 10
- г) ўғрилиқ ва камомад... 47
- д) порахўрлик ва мансабни суистеъмол қилиш... 14
- е) мансабга масъулиятсиз муносабат... 59

Ҳаммаси бўлиб 188 та².

Бу пайт давомида Туркистон АССР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан умумий ҳисобда 459 та (улардан режали - 81 та ва бошқа турдаги - 378 та, 3 таси ХКС кўрсатмасига мувофиқ) тафтиш ишлари олиб борилди³. Ўтказилган тафтиш материаллари асосида Туркистон АССР ХКСга 5 та махфий доклад топширилди, шунингдек, РСФСР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлигига ажратилиши зарур бўлган маблағлар юзасидан сметалар юборилди⁴.

Арзнома бюросига тушган 819 та ариза ва шикоятлардан 138 таси тегишли ташкилотларга тўғридан-тўғри юборилди, 626 таси ўрганилиб, улар юзасидан айрим чоралар кўрилди⁵.

¹ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 3126-иш, 7-варақ

² ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 3126-иш, 7-варақнинг орқаси

³ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 3126-иш, 8-варақ.

⁴ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 3126-иш, 10-варақнинг орқаси.

⁵ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 3126-иш, 14-варақ.

Ишчи-деҳқон инспекцияси ўз фаолияти давомида Туркистон АССРда харажат қилинаётган маблағларнинг мақсадга мувофиқлигини ҳам ҳар жиҳатдан текширарди. Инспекция қишлоқ хўжалигининг энг муҳим тармоғи бўлмиш суғориш иншоотларининг қайта қурилиши юзасидан олиб борилаётган ишларни доимий равишда кузатиб борди. Масалан, Туркистон Пахта комитети фақат 1922 йил октябр—ноябр ойларида ирригация соҳаси учун 400 млрд. рублдан ортиқ маблағ сарфлади¹. Чирчиқ кўприги қурилаётган пайтда таркибига Туркистон АССР Ер ишлари халқ комиссарлиги, Халқ Хўжалиги Марказий Кенгаши ва Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги ходимлари киритилган махсус комиссия томонидан текширув жараёнида кўплаб қурилиш материалларининг талон-торож қилинганлиги, қурилиш ишларининг сифати давлат стандарти талабларига жавоб бермаслиги маълум бўлди. Бу масала Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлигининг коллегиясида таҳлил қилиниб, йиғилган тафтиш материаллари Инқилобий ҳарбий трибуналга юборилди².

Шу билан бирга, тегишли ташкилотлар Тошкент шаҳридаги театр қурилиши учун 57 млн. рубл харажат қилиниши кераклигини маълум қилганидан сўнг, инспекция ходимлари қурилиш жараёнини жойида бевосита назорат қилиб турдилар, натижада ҳамма ишлар 16 млн. рублга битирилди (41 млн рубл эса тежаб қолинди)³.

1922 йилнинг охири ва 1923 йилнинг бошларида Ишчи-деҳқон инспекцияси томонидан Туркистон АССРдаги кўплаб бошқарма ва ташкилотларда ўтказилган тафтиш ишлари натижасида уларнинг фаолиятидаги камчиликлар фош этилиб, тегишли чоратадбирлар амалга оширилди. Масалан, Халқ Хўжалиги Марказий Кенгашида олиб борилган текширувлар пайтида кимё саноати, металл саноати ва жунни қайта ишлаш саноатларининг фаолияти қониқарсиз эканлиги⁴, ёқилғи бошқармаси томонидан 635.000 пуд кўмир монополлаштирилган тарзда бир пудратчига бериб

¹ Аминова Р. Х. Аграрные преобразования в Узбекистане в годы перехода Советского государства к нэпу. Т., 1964. С. 256.

² ЎзРМДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 1341-иш, 15-варақ.

³ Туркестанская правда, 11 октября 1922 г.

⁴ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 1403-иш, 186-варақ.

юборилгани ва у кўмирни эркин нархда сотаётганлиги, шундай бўлса ҳам ҳозирги пайтда пудратчининг 8.083.445 рубл қарзи борлиги, Халқ Хўжалиги Марказий Кенгаши тасарруфидаги барча корхоналарнинг эса умумий 32.039.349 рубл 50 копейка¹ (1922 йилги пул ҳисобида) қарзи мавжудлиги маълум бўлди.

Озиқ-овқат халқ комиссарлигида ўтказилган тафтишлар давомида битта ҳам ижобий натижа аниқланмай, аксинча, қўплад нуқсон ва жиноий хатти-ҳаракатлар очилди. Халқ комиссарлиги структурасининг қўпол ва бесўнақай бўлиши оқибатида бошқармаларнинг иш юритиши умуман издан чиққанлиги, ҳисоботлар тартибсиз юритилганлиги, республика манфаатларига мос келмайдиган шартномаларнинг тузилганлиги, умуман олганда, ташкилот барча масалаларда аниқ режаларсиз фаолият кўрсатганлиги аниқланди². Фош этилган хато ва камчиликлар Озиқ-овқат халқ комиссарлиги коллегиясининг навбатдаги йиғилишида инспекция томонидан юборилган вакил иштирокида таҳлил қилинди ва уларни баргараф этиш борасида бир қатор вазифалар белгиланди.

Қишлоқ хўжалигининг чорвачилик бўлимида олиб борилган текширувлар натижасида бу тармоқнинг бутунлай барбод бўлгани, штатлар тўғри тақсимланмаганлиги, Туркистон Иқтисодий Кенгаши томонидан берилган буйруқ ва фармойишлар бажарилмаганлиги, қўйчилик ва қорамолчилик тармоқлари фақат қоғозда юритилгани, ҳисоботлар тартибсиз ҳолатда эканлиги, шунингдек, қиймати 49.720.000 рублга тенг бўлган захирадаги қорамоллар йўқ қилиб юборилгани аниқланди. Туркман вилояти чорвачилик бўлимида эса юклатилган вазифаларнинг бажарилмаслиги оқибатида 5.277 бош қорамол нобуд бўлган³. Ишчи-деҳқон инспекцияси содир этилган жиноятлар юзасидан йиғилган барча маълумотларни тегишли жазо органларига юборди.

Ер ишлари халқ комиссарлигида юритилган тафтишлар пайти (1923 йил феврал — май)да⁴ бошқармадаги барча ишлар тартибсиз олиб борилганлиги, маҳаллий бўлимларга тегишли кўрсатмалар-

¹ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1403-иш, 187-варақ.

² ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1403-иш, 189-варақ.

³ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1403-иш, 192-варақ.

⁴ ЎзРЦДА, 60-фонд, 1-руйхат, 3126-иш, 35-варақ.

нинг ўз вақтида таркатилмаслиги натижасида ҳисоботларнинг аксарияти нотўғри топширилгани юзага чиқди¹.

Шу ўринда муҳим бир омилни кўрсатиб ўтишимиз зарур. 1923 йил 14 февралда 10 та ходим иштирокида Ер ишлари халқ комиссарлигида бошланган тафтиш охирига етказилгунига қадар тафтиш гуруҳи таркибий жиҳатдан 4 марта қайта тузилиб, бу давр мобайнида тафтишларда умумий ҳисобда 3 та гуруҳ раҳбари ва 14 та инспектор қатнашди. Назоратчилардан биттаси Туркистон Компартияси МК томонидан чақириб олинди, 1 таси хизматдан ҳайдалди, 2 таси бошқа ишга ўтказилиб, 11 та ходим ўз хоҳиши билан хизматдан кетиб қолганидан сўнг, тафтишни гуруҳ раҳбари 1 та инспектор ёрдамида якунлади².

Шундай қилиб, битта тафтиш давомида инспекция томонидан тузилган гуруҳ 89% га ўзгариб, улардан 70% и Ишчи-деҳқон инспекциясида 1 ой ҳам ишламасдан хизматдан кетиб қолиши³ оқибатида, текширув жараёнидаги ҳисобот ва хулосаларда номутаносибликлар вужудга келиб, тафтиш тўлалигича битказилмади.

Ишчи-деҳқон инспекцияси ўз фаолияти давомида юқори инстанцияларнинг тазйиқ ва тўсиқларига ҳам дуч келган. Амударё вилояти Ишчи-деҳқон инспекцияси маъмурий бўлими бошлиғининг РСФСР ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлигига 1923 йил 24 апрелда топширган докладида бу ҳолат куйидагича очиб берилган: «Теритрест»да вилоят ижроия комитети, Туркистон Компартияси вилоят комитети ва давлат прокуратурасидан юборилган вакилларнинг иштирокида ўтказилган тафтишлар натижасида кўплаб мол-мулк ва хом ашёлар рўйхатдан ўтказилмасдан талон-торож қилинганлиги маълум бўлди⁴. Бундан олдин «Теритрест» билан боғлиқ бўлган жиноятлар учун Халқ Хўжалиги Марказий Кенгаши ва Туркистон Иқтисодий Кенгаши-

¹ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 1403-иш, 190-варақнинг орқаси.

² ЎзРПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 3126-иш, 36-варақ.

³ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 3126-иш, 36-варақнинг орқаси.

⁴ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 3126-иш, 52-53-варақлар.

да хизмат қиладиган мансабдор шахслар судга берилган эди. «Теритрест»нинг бошлиғи тафтиш жараёнини чалкаштириш мақсадида комиссияни нотўғри фаолият юритаётганликда айблади, бу баҳонадан фойдаланган вилоят Давлат Сийёсий Бошқармаси (ГПУ) бошлиғи эса (директорнинг қариндоши) юқоридаги шахслар билан келишган ҳолда вилоят Ишчи-деҳқон инспекциясининг рухсатсиз тафтишни тўхтатди. Бунинг устига у уйимда тинтув ўтказди ва барча тафтиш материалларини тортиб олиб, уларни йўқ қилиб юборди. Бундан кейин Туркистон Компартиясининг вилоят комитети томонидан бошқа комиссия тузилди, лекин кейинги тафтишлар пайтида ҳеч қандай натижа олинмади, чунки жинойтга алоқадор барча дафтарлар йўқ қилинган эди... Бунга ўхшаш рад этиб бўлмайдиган фактларни яна кўплаб келтириш мумкин»¹.

Хуллас, Туркистон АССР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги ўз фаолияти давомида партия, ҳўжалик ва совет ташкилотларида давлат назоратини ўрнатиш ва амалга оширишда муайян ишларни бажарган. Бироқ Ишчи-деҳқон инспекцияси ходимлари давлат структурасида мавжуд иллатлар (ўғрилиқ, кўзбўямачилиқ, порахўрлик, ўз хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш ва б.)нинг илдизларини текшириб, унинг моҳиятини кўрсатмоқчи бўлганларида совет давлатининг бошқа органлари томонидан қаттиқ қаршиликка учрашган.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистон АССРдаги Ишчи-деҳқон инспекцияси давлат ташкилотлари, бошқарма, корхона ва муассасаларда тафтиш ишларини олиб бориб, кўплаб тартибсизликлар, чалкашликлар, қоғозбозлик ҳолатлари, давлат бойлигини талаш, фирибгарлик, мансабни суиистеъмол қилиш сингари жинойтларни фош этди ва улар юзасидан материалларни тегишли жазо органларига топширди, шунингдек, бу хатоларни бартараф этиш борасида тавсиялар берди, бироқ жазо органларининг айби билан айрим жинойий ишларнинг ўз вақтида кўриб чиқилмаслиги оқибатида инспекция томонидан амалга оширилган катта ҳажмдаги меҳнат самарасиз яқунланди.

¹ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 3126-иш, 55-варак.

Шундай бўлгани ҳолда яна бир муҳим фактни таъкидлаб ўтишимиз жоиз. Ишчи-деҳқон инспекциясининг фаолиятида ҳам бир қатор камчилик ва нуксонлар кузатилди, яъни ўтказилаётган тафтишлар пайтида ходимларнинг хизматдан кетиб қолиши натижасида гуруҳ таркиби ўзгариб кетиб, бошланган айрим текширувлар охирига етказилмади. Бундай ҳолат ҳукм суришини кадрларнинг билим ва тажрибаси пастлиги, малакали мутахассислар ва ходимларнинг етишмаслиги, улар ойлик маошнинг жуда камлиги сабабли хизмат қилишни хоҳламаганликлари билан изоҳлаш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, моддий таъминот масаласидаги зиддиятли муаммолар натижасида Туркистон АССР Ишчи-деҳқон инспекциясининг фаолияти сустлашиб кетди.

Шу тариқа Ишчи-деҳқон инспекцияси Туркистон иқтисодиётида тартиб-интизом, янги иқтисодий сиёсатни татбиқ этиш ва ўлка иқтисодиётини марказлаштириш сиёсатини амалга ошириш учун хизмат қилди.

Бундан ташқари, Туркистон АССРдаги назорат органларидан яна бири ҳисобланган Ишчи-деҳқон милицияси ўз фаолияти давомида ҳам ижобий, ҳам салбий ишларни амалга оширган. Милиция органлари бир томондан совет ҳокимиятининг ички тартибни сақловчи ташкилоти сифатида давлат ва халқ мулкини қўриқлаш билан шуғулланса, иккинчи томондан, айнан улар совет режимининг манфаатлари йўлида аҳолининг муайян қатламларига нисбатан қатағон қилиш сиёсатини ҳам олиб борган. Бу ҳолат, хусусан, Туркистонда совет режимига қарши қуролли ҳаракат қатнашчилари («босмачилар») билан милиция ходимлари ўртасида олиб борилган жангларда ва тинч аҳолининг «босмачилар»ни қўллаб-қувватлаганлик айби билан қамоққа олиниши, қуролли ҳаракат қатнашчиларининг оила аъзоларини гаровда ушлаб туриш ва оммавий равишда жазолашда яққол намоён бўлди.

Хуллас, Туркистон АССРдаги Ишчи-деҳқон милицияси ҳам худди Ишчи-деҳқон инспекцияси сингари Марказ манфаатларини ҳимоя қилишда большевиклар қўлидаги асосий қуроллардан бири бўлиб хизмат қилган. Улар Туркистон минтақасида совет режимининг қарор топиши ва совет тузумининг ўрнатилишида ўз «ҳисса»ларини қўшишган.

III БОБ. НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИНИНГ КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШ МАСАЛАСИ

3.1. НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ УЧУН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ

Туркистонда назорат органларининг тузилиши, бошқарув шакли ва унинг кейинги фаолияти кадрлар тайёрлаш ва уларни ташкил қилиш усуллари билан уйғунлашиб кетди. 1918 йил 8 январда Туркистон ўлкаси Фуқаро-маъмурий қисм халқ комиссари Агапов ишчи ва деҳқон Советларига юборган мактубида «Тошкент халқ милициясига киришни истовчилар учун рўйхатга олиш»ни таклиф этди. Унинг кўрсатмасида шундай дейилади: «Асосий хизматга фақат ўтмиши бенуқсон бўлган кишилар қабул қилинади. Ҳар бир номзод ҳақида қисқача таржимаи ҳол берилиши керак».¹

1918 йил 14 январда Туркистон ўлкаси ХКС Фуқаро-маъмурий қисм халқ комиссарлигига «анархия ва талон-торож хавфига қарши муваффақиятли курашиш учун милиция захира кадрлари уставини тузиш ва унинг тартибини ишлаб чиқиш»²ни таклиф этди. Ушбу фармойишни бажариш учун Туркистоннинг барча шаҳарларида милиция органларини ташкил этиш бўйича вакил Тошкент милициясида ишлаш учун аризалар қабул қилаётгани эълон қилинди. Жамоат ташкилотларига тегишли тавсияномалари бўлган номзодларни юбориш таклиф қилинди. 1918 йил 28 январда Туркистон ўлкаси милициясини кадрлар билан тўлдириш юзасидан кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашда «Туркистон шаҳар ва туманлари учун милиция кадрлари»³ни ташкил этиш тўғрисидаги Низом лойиҳаси муҳокама қилинди.

¹ Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Т. П. Упрочение советской власти в Узбекистане. Сб. документов. - Т.: Фан. 1972. - С. 99-100.

² ЎзРМДА. 39-фонд, 1-руйхат, 76-иш, 12-13-варақлар.

³ ЎзРМДА, 39-фонд, 1-руйхат, 76-иш, 14-варақ.

Туркистон АССР ХКСнинг 17-сонли «Захира кадрларини яратиш ва милицияни қайта ташкил этиш тўғрисида»ги (1918 й. 29 январ) буйруғи эълон қилинди.¹ Шундан келиб чиқиб «Туркистон ўлкасининг милиция кадри» Устави 1918 йил 4 апрелда тасдиқланди.² Уставда «милиция кадри»га, милицияга ёрдам керак бўлиб қолган тақдирда чақириладиган захира, деб таъриф берилди. «Милиция кадри»га қабул қилинганларнинг асосий вазифаси «фуқароларнинг шахсий ва мулкый хавфсизлигини таъминлашдан иборат», деб кўрсатилди.

Милиция сафига эса 21 ёшдан 45 ёшгача бўлган ҳамда саводли фуқаролар қабул қилинарди³. Уставда «милиция кадри»га қабул қилинганлар назарий ва амалий машғулотлардан иборат бўлган 2 ойлик тайёрлов курсларини битиришлари шартлиги алоҳида кўрсатилган бўлиб, курсларда фавқулодда ҳолларда: ёнғин, тошқин ва бошқа табиий офатлар пайтида жамоат тартибini сақлаш, ҳибсга олинганларни кузатиш ва қуроллардан фойдаланиш юзасидан маърузалар ўқилиб, амалий машғулотлар ўтказиларди⁴.

Туркистон АССР ИИХК 1918 йилнинг биринчи ярим йиллиги учун Бутунроссия МИКга топширган ҳисоботида «милиция сафини ва бошлиқларини малакали кадрлар билан тўлдириш ва бунинг учун махсус курсларни ташкил этиш зарурлиги»⁵ ни алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Шу муносабат билан Туркистон АССР ХКС 355—сонли буйруқ чиқариб (1918 й. 2 ноябр), участка милиция раҳбарининг сайловини бекор қилди. Шу пайтдан эътиборан «улар сайланмайдиган, балки тайинланадиган бўлдилар».⁶ Бу ҳам партия яққахукмронлигини таъминлаш томон қўйилган дастлабки қадамлардан бири бўлди. Эндиликда участка милиция бошлиқлари ҳам бевосита партиёга содиқ бўлган кадрлар билан тўлдирила бошланди.

¹ Наша газета, 1 декабря 1919 г.

² ЎзРМДА, 25-фонд, 1-руйхат, 35-иш, 96-98-варақлар.

³ ЎзРМДА, 39-фонд, 1-руйхат, 76-иш, 12-14-варақлар.

⁴ ЎзРМДА, 25-фонд, 1-руйхат, 580-иш, 7-варақ; 39-фонд, 1-руйхат, 76-иш, 13-варақ.

⁵ М. В. Куцын. Советская милиция в период организации и упрочения советской власти. // Труды высшей школы МВД СССР, 1957, №2. - С. 257.

⁶ Джалилов Т. А. Верные отчизне. - Т.: Узбекистан, 1969. - С. 25.

РСФСР ИИХКда 1918 йил 26 ноябрда ўтказилган махсус кенгаш Ишчи-деҳқон милициясининг бошқарув шаклини мустақамлаш мақсадида милиция «инструктор»ларининг икки бўлимдан иборат мактабини яратиш тўғрисидаги таклифни маъқуллади¹. Бўлимларнинг бирида оддий милиция инструкторларини, иккинчисида жиноят-қидирув бўлими инструкторларини тайёрлаш кўзда тутилди. 2 декабрда бу курслар тўғрисидаги Низом тасдиқланди ва нашр қилинди. Туркистон АССР ИИХК милиция сафларини мустақамлаш мақсадида қилинган бошқа чора-тадбирлар билан бир қаторда милицияга ишга олинган кишилар рўйхатини газеталарда эълон қиларди. Масалан, «Наша газета»нинг 1918 йил 31 декабр сонидида 45 нафар янги тайёрланган милиция ходимларининг рўйхати босилган. Жиноят-қидирув бўлими ходимлари махсус тайёргарликдан ўтгандан сўнг кадрларнинг етишмаслиги сабабли аввал фақат катта шаҳарларга юборилди. Кейинчалик бўлимлар ҳамма губернияларда ва аҳолиси 40000 кишидан ортиқ бўлган шаҳар худудларида фаолият кўрсата бошлади².

Комиссариат тасарруфида ташкил этилган милиция кадрлари ходимлари 1919 йил март ойида 300 тага етказилди. Гарчи мазкур ходимлар 2 ойлик курсларни «муваффақиятли» битирганларидан сўнг милиция сафига қабул қилинган бўлса ҳам, амалда улар милиция ходими бўлишга яроқли эмасдилар. Чунки, «уларнинг асосий машғулоти дарслардан рухсат олиш ёки дарсларга умуман катнашмасдан бошқа ишлар билан шуғулланишдан иборат бўлган эди»³.

Туркистон АССР ИИХК бундай қўнимсизликларни бартараф этиш ва милиция фаолиятини такомиллаштириш мақсадида милиция кадрларини қайта ташкил этиш тўғрисида кўрсатма берди (1919 й. 1 июл). Эндиликда уларнинг сони 200 тани ташкил этиб, Тошкент уездида фаолият кўрсата бошлади. Шундай бўлгани холда, милиция кадрлар тизимида амалга оширилган ўзгартиришлар режалаштирилган самарани бермади, сабаби «милиция

¹ УзРМДА, 38-фонд, 2-рўйхат, 2-иш, 234-240-варақлар.

² Еропкия М. И. Развитие органов милиции в Советском государстве. - М.: 1967. - С. 21.

³ УзРПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 99-иш, 93-варақ.

бошлиқларининг аксарияти милиция соҳасида чуқур билим ва малакага эга бўлмаган кадрлар эди»¹. Аслида аввал милиция бошлиқларига махсус курслар ташкил этиб, уларнинг саводини ҳар томонлама ошириш зарур эди, лекин бу масала эътибордан четда қолиб кетди.

Мазкур муаммо ИИХК томонидан Туркистон fronti Инқилобий ҳарбий кенгашига 1920 йил 26 июнда топширилган хисоботда таҳлил қилинди ва Милиция бошлиғи лавозимини эгаллашга «қодир» кадрларни тайёрлайдиган курсларни ташкил этиш хусусида қарор қабул қилинди².

Курслар иккита: умумий милиция (3 ойлик) ва махсус жиноят-қидирув (2 ойлик) йўналишидаги бўлимлардан иборат бўлди. Махсус бўлимга умумий курсларни муваффақиятли тугатган ходимлар қабул қилинарди. Умумий милиция бўлимида жиноий, ижтимоий ва маъмурий ҳуқуқ, иш юритиш, гигиена ва Туркистон халқларининг келиб чиқиши ва турмуш шароити ҳақида маълумот берувчи қисқа курслар ташкил этилган бўлса, махсус бўлимда жиноят дунёсининг характери ва жиноят қидируви юритишнинг услублари юзасидан маърузалар ўқилган.

Курсларни битирган курсантлар Туркистон АССР ИИХКнинг 1920 йил 9 июнда бўлган мажлисида аттестациядан ўтказилиб, 3 та - фанларни қониқарли, ўрта ва султ ўзлаштирган гуруҳларга ажратилди³. Биринчи гуруҳга кирган ходимлар барча масалаларни мустақил равишда ҳал қила оладиган кадрлар, деб топилиб, милиция соҳасидаги юқори, яъни шаҳар ва уезд милиция бошлиғи лавозимига тайинланиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Иккинчи гуруҳ курсантлари район милиция бошлиғи ёрдамчиси лавозимидан юқори мансабни эгаллай олмасдилар. Учинчи гуруҳ курсантларига милиция соҳасидаги паст лавозимларни эгаллаш ҳуқуқи берилди. Курсларни 30 та мусулмон ва 9 та рус милиция ходими тугатган

¹ Фаргона ВДА, 121-фонд, 1-рўйхат, 111-иш, 10-варақ; ЎзРПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 99-иш, 94-95-варақлар.

² ЎзРИИВА, 39-фонд, 1-рўйхат, 12-иш, 30-варақ.

³ ЎзРИИВА, 39-фонд, 1-рўйхат, 12-иш, 51-варақ ва унинг орқаси.

булса-да, уларнинг тайинланиш ҳуқуқига эга бўлган мансабларни эгаллаши масаласи ижобий ҳал қилинмади. Чунки большевиклар партияси томонидан амалга оширилаётган тадбирлар бунга ҳар томонлама тўсқинлик қиларди.

Большевиклар милиция таркибидаги ходимларни ғоявий жиҳатдан ўзларига бўйсундириш учун мафкуравий иншларга катта эътибор қаратганлар. Бунинг учун улар турли усуллар ва воситалардан унумли фойдаланишган. Масалан, 1920 йил 4 октябрда уезд Милиция бошқармаларида сиёсий бюро ташкил этила бошланди. Сиёсий бюро мудирини Милиция бошлиғи ёрдамчиси вазифасини бажарарди¹. Ташкил этилган бюро Милиция бошқармаларидаги юқори мансабларни партия аъзолари билан тўлдиришда «фаоллик» кўрсатиб, кадрларга тааллуқли барча масалаларда ўз таъсирини ўтказди.

1920 йил РСФСРда биринчи марта милиция ходимларининг малакаси ва билимини ошириш мақсадида Москвада махсус курслар ташкил этилди. Бунда Москва шаҳрининг 6 та районида мактаблар ташкил этилиб, у ерда РСФСР Конституцияси ва милицияга тегишли Низомлар юзасидан мутахассислар томонидан маърузалар ўқилди².

1920 йилнинг 17 апрелида Сибир инқилобий кўмитаси (Сибревком) томонидан Омск шаҳрида Сибир милицияси бошқармаси тасарруфида милиция командирларини тайёрлайдиган қисқа курслар ташкил этилди³. Мактабнинг биринчи битирувчилари бўлган 110 та ходим 20 июнда илк мутахассислар сифатида бошқа вилоятларга жўнатилди⁴. Иккинчи қабул 1920 йил сентябр ойида амалга оширилиб, 1921 йил апрелда 207 нафар курсант ўқишни тугатган. Учинчи қабул 1921 йил 3 октябрда бошланиб, 1922 йил 30 майда 62 нафар милиция ходимлари курсларни битирганлар⁵.

¹ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 978-иш, 22-варак.

² Еропкин М. И. Развитие органов милиции в Советском государстве. - М.: 1967. - С. 27.

³ Николаев П. Ф. Кузница милицейских кадров. - Омск. 1960. - С. 6.

⁴ Рабочий путь, №259, 12 ноябр 1927 г.

⁵ Николаев П. Ф. Кузница милицейских кадров. - Омск. 1960. - С. 9.

1921 йил 21 июлда ташкил этилган Петрограддаги милиция командирлари ва жинойт-қидирув бўлими ходимларини тайёрлайдиган мактаб ўша пайтда РСФСР миқёсида милиция сафини раҳбар кадрлар билан таъминлашда катта рол ўйнаган даргоҳлардан бири ҳисобланарди. 1922 йил 15 апрелда Омскдаги милиция курслари РСФСР ИИХК қарори билан Петрограддаги милиция бошлиқларини тайёрлайдиган махсус мактабдан кейин иккинчи ўринда турадиган милиция бошлиқлари ва жинойт-қидирув инспекторларини тайёрлайдиган ўрта-махсус мактабга айлантирилди¹. Бундай тадбирдан сўнг курсларда ўтиладиган таълим системаси ва ўқитиш жараёни тубдан ўзгартирилди.

1920 йил 10 июнда Ишчи-деҳқон милицияси учун қабул қилинган Низомда милиция фаолиятига тегишли айрим ўзгартиришлар киритилди. Унда «милиция сафига хизматга ўтиш ҳар бир инсоннинг ўз хоҳиши билан амалга оширилади, бироқ милиция сафига кирганлар энг камида бир йил хизмат қилиши шарт», деб кўрсатилди².

Низомга бундай ўзгартириш киритилишининг асосий сабабларидан бири милиция сафига кирган маҳаллий аҳолининг кўпчилиги милиция фаолиятдан норози бўлиб, хизматдан кета бошлаганлигидир. Милиция сафидаги ишидан кетишга туртки бўлган омиллар сифатида Марказ томонидан милицияга ўтказилган сиёсий тазйиқ, яъни «милициядан ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги ўзгартиришларни амалга оширишда асосий қурол» сифатида фойдаланилиши, шунингдек, моддий таъминотнинг яхши йўлга қўйилмаганлигини³ кўрсатиш мумкин. Милиция сафидан кетганларнинг бир қисми эса ўша даврда авж олиб бораётган истиклолчилик ҳаракатига қўшилиб,⁴ мавжуд тузумга қарши

¹ Николаев П. Ф. Кузница милицейских кадров. - Омск. 1960. - С. 27.

² Сборник законодательных документов по вопросам организации и деятельности советской милиции (1917-1934 гг.). - М.: 1957. - С. 41.

³ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1421-иш, 49-варақ; ЎзРМДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 2433-иш, 233-варақ; 340-фонд, 1-рўйхат, 46-иш, 44-варақ; ЎзРИИВА, 432-фонд, 4-рўйхат, 18-иш, 423-варақ.

⁴ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1421-иш, 93-варақ; ЎзРМДА, 339-фонд, 1-рўйхат, 20-иш, 183-варақ.

курашларда ўзларининг норозилигини ошкора намоён этганликларини биз юқорида таъкидлаб ўтган эдик.

1921 йилнинг декабр ойида ўтказилган Бутунроссия МИКнинг III сессиясида милиция ташкилотларидаги «сиёсий котибият»нинг вазифалари эълон қилинганида у ажратилган маблағларнинг сарфланиши ва кадрлар масаласини ҳам назорат қилиши¹ таъкидланди. Умуман бу бўлим партиянинг милициядаги «қўзи ва қулоғи» сифатида фаолият кўрсатар эди.

Туркистон АССР Советларининг IX съезди (1920 йил 19—25 сентябр)да қабул қилинган қарордан сўнг, республикаларда маҳаллийлаштириш деб ном олган кадрлар штатининг ривожланиши Ишчи-деҳқон милициясига ҳам дахлдор эди. Ушбу қарорга амал қилиб Туркистон АССР милицияси Бош бошқармаси бошлиғи қасаба уюшмалари советига 1921 йил 6 мартда мурожат қилиб, 1000 нафар қасаба уюшмалари аъзоларини милиция сафларига юборишини сўради. Бошқарма бошлиғи жалб қилинаётган кадрлар «албатта пролетариат муҳитидан бўлиши ҳамда милиция ходимининг асосий бурчи инкилобий тартибни ҳимоя қилиш эканлигини чуқур хис этган бўлишлари шарт»², деб таъкидлаган эди. Давлат маҳкамасининг маҳаллийлаштирилиши муносабати билан милициядаги барча ёзишмалар ва иш юритиш тегишли республиканинг миллий тилида олиб борилиши белгиланган бўлса-да, бу тадбирлар амалда деярли қўлланилмади.

Туркистон АССР Советларининг X съезди (1921 йил 21—25 август)да Ички ишлар халқ комиссарлигининг ҳам бир йиллик (1920 йил сентябр — 1921 йил август) ҳисоботи тингланган. Ушбу ҳисоботда республика милициясининг фаолияти ҳар томонлама таҳлил қилинган. Ҳисоботда кўрсатилишича, 1921 йил августда Милиция Бош бошқармаси қуйидаги 6 та бўлимдан иборат бўлган: 1) секретариат (котибият), 2) инспекторлик, 3) уезд-шаҳар милицияси, 4) саноат милицияси, 5) Марказий жиноят қидируви, 6) таъминот³.

¹ Известия ВЦИК Советов, 8.XII.1921 г., №31.

² ЎзРМДА, 339-фонд, 1-руйхат, 365-иш, 93-варак.

³ ЎзРМДА, 17-фонд, 1-руйхат, 46-иш, 9-варак ва унинг орқаси.

Бу пайтда Туркистон АССРдаги милиция сафларида 7724 киши бўлган, ҳолбуки штат жадвали бўйича милиционерларнинг миқдори 10020 кишидан иборат бўлиши лозим эди. Хуллас, штатда бегиланган ўринларнинг 25% дан ортиқроғи бу пайтда бўш эди.

Туркистон АССРдаги 7724 милиция ходимларининг республика вилоятлари бўйича тақсимоли қуйидагича бўлган: Сирдарё вилоятида 2247, Самарқанд вилоятида 930, Семиречье (Еттисув) вилоятида 1225, Закаспий (Туркман) вилоятида 1095, Фарғона вилоятида 2097 милиционер. Милиционерлар ихтиёрида Туркистон АССРда 1823 та от мавжуд бўлган. Милиция сафларидаги мусулмонлар миқдори 1920 йилдаги 22% дан 1921 йил августга келганда 50% га етган¹. Бизнингча, сўнги рақам ўша даврдаги ҳақиқий вазиятни ўзида акс эттирмайди.

Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети Президиумининг 1921 йил 24 октябрда «Милиция бошлиқларини тайинлаш ва бошқа ишларга ўтказиш»² тўғрисида чиқарган махсус қарори 1922 йил 31 январда Туркистон АССР МИК томонидан тасдиқланди³. Қарорда «милиция бошлиқлари бевосита ўзидан тепада турган милиция бошлиғининг розилиги билан ишга тайинланиши ва бўшатилиши таъкидланиб, улар 1 йил ичида бошқа ишга ўтказилиши мумкин эмаслиги»⁴ алоҳида кўрсатилди. Бу пайтгача милиция бошлиқларини тайинлаш ваколати область, шаҳар, район партия комитетлари тасарруфида бўлиб, улар томонидан ихтиёрий равишда амалга оширилар, бунда уларнинг билими ва малакаси ҳисобга олинмасди. Масалан: Олмаота шаҳрида 6 ой ичида 7 та милиция бошлиғи алмашган бўлса, умуман Еттисув вилоятида 1922 йилда 33 та уезд милиция бошлиқлари ва 71 та район милиция бошлиқлари ўзгарган эди⁵.

¹ ЎзРМДА, 17-фонд, 1-руйхат, 46-иш, 11-13-варақлар.

² Еропкин М. И. Развитие органов милиции в Советском государстве. - М.: 1967. - С. 46.

³ ЎзРИИВА, 432-фонд, 4-руйхат, 18-иш, 228-229-варақлар.

⁴ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 2144-иш, 1-варақ.

⁵ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 3110-иш, 38-варақ; ЎзРИИВА, 432-фонд, 4-руйхат, 18с-иш, 228-229-варақлар.

Бундай қўнимсизлик жамиятда салбий ҳолатларни вужудга келтирди. Хизматга келган янги милиция бошлиғи ўздан олдин юз берган нохуш ҳолатларга жавоб бермасди, қўзғатилган жиноий ишлар охирига етмасдан, инспекторлар бошқа ишларга жалб қилинарди. Милиция бошлиқларининг кўпчилиги «порахўрлик ва бошқа жиноий ишлар»¹ билан шуғулланганликларини кўплаб архив манбалари исботлайди. Жамиятдаги бундай зиддиятлар маҳаллий халқнинг оғир шароитини янада кескинлаштириб юборди.

Туркистон АССРдаги милиция органларида фаолият кўрсатган мутахассис кадрлар тўғрисидаги маълумотлар оз сақланиб қолган. Хусусан, милиция ходимларининг этник таркиби ва ижтимоий келиб чиқиши хусусидаги маълумотлар жуда кам. Шу жиҳатдан олганда 1922 йил 11—18 июнда Тошкентда бўлиб ўтган вилоятлар ва уезд-шаҳарлар милиция раҳбарлари ва бошқарма бошлиқлари ҳамда шаҳар Коммунал хизмати бўлимлари бошлиқларининг биринчи Бутун Туркистон (бирлашган) съезди материаллари муҳим аҳамият касб этади. Съезд ишига Туркистон АССР Ички ишлар халқ комиссарининг ўринбосари Кийко раҳбарлик қилган. Ушбу съезд материаллари орасида делегатлар рўйхати, уларнинг миллий, партиявий, синфий ва ҳудудий таркиби келтириб ўтилади. Съезд ишига жами 75 та делегат қатнашган бўлиб, уларнинг 12 таси Туркистон АССР ИИХК, биттаси ЦСУ, 13 таси Фарғона вилояти, 13 таси Туркман вилояти, 12 таси Самарқанд вилояти, 7 таси Жетисув (Еттисув) вилояти, 16 таси Сирдарё вилояти вакиллари ҳисобланган. Бундан ташқари, съездда меҳмонлар сифатида 7 та Туркистон АССРдаги комиссарлар ва уларнинг ўринбосарлари ҳам иштирок этган. Съезд ишида қатнашган 75 делегатнинг 39 таси руслар (великорослар), 7 таси малорослар, 11 таси ўзбеклар, биттаси чех, 3 таси арман, биттаси белорус, биттаси туркман, 2 таси тожик, 4 таси қирғиз, 3 таси татар, 2 таси латиш, биттаси озарбайжон бўлган². Хуллас,

¹ ЎзР ИИВА. 432-фонд, 4-руйхат, 18-иш, 53-варақ.

² Материалы 1-го Всеузбекстанского (объединенного) Съезда заведующих областными и Уездно-городскими отделами управлений, Начальников милиции и заведующих городскими Коммунальными отделами, состоявшегося 11-18 июня 1922 г. - Т.: Издание Народного Комиссариата Внутренних дел, 1922. - С.28-29.

75 та съезд делегатининг атиги 18 таси туб халқларнинг вакиллари эди. Холбуки уларнинг 47 таси славянлар (асосан руслар)га мансуб бўлишган. Бу ҳолат ҳам Туркистон АССРдаги милиция органларида, хусусан, юқори лавозимларда асосан европаликлар (славянлар) фаолият олиб борганлигининг яққол бир далилидир. Бунинг устига Марказдан доимий равишда милиция ва инспекция органларига кадрлар юбориб турилган.

Шунингдек, съезд қатнашчиларининг ижтимоий келиб чиқиши тўғрисида сўз юритиладиган бўлса, уларнинг 25 таси ишчилар, 20 таси деҳқонлар, 30 таси зиёлилар бўлишган¹.

Туркистон милициясининг 1922 йилдаги фаолияти бўйича РСФСР ИИХКга топширилган ҳисоботда кадрлар масаласи алоҳида таҳлил қилинди. Чунки бу пайтгача юқоридан милициянинг шахсий таркибини ташкил қилиш бўйича амалга оширилган ислохотлар оқибатида кўплаб малакали бошликлар ва ходимлар ишдан бўшатишган, шу билан бирга, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, кўплари ўз хоҳиши билан милиция хизматидан кетган эдилар. Милиция сафининг ўткинчи субутсиз шахслар эвазига тўлдирилиши оқибатида эса 1922 йил октябрь ойида «Туркистон АССР милицияси шахсий таркибининг 70—80% ини саводсиз ходимлар ташкил этди»². Бундай ходимлар милиционерга юклатилган энг оддий бурч ва вазифаларни ҳам билмасдилар. Милиция сафида малакали кадрларнинг етишмаслиги нафақат Туркистон АССРда, балки РСФСР милицияси шахсий таркибидаги биринчи даражали муаммога айланди³. Милиция савиясини кўтариш ва милиционерларнинг малакасини ошириш мақсадида Туркистон АССРнинг кўплаб шаҳарларида мактаблар ташкил этила бошлади. Бундай мактаблар Тошкент, Туркистон, Авлиё ота, Ўш, Андижон, Наманган, Қўқон, Самарқанд, Жиззах

¹ Материалы 1-го Всетуркестанского (объединенного) Съезда заведующих областными и Уездно-городскими отделами управлений, Начальников милиции и заведующих городскими Коммунальными отделами, состоявшегося 11-18 июня 1922 г. - Т.: Издание Народного Комиссариата Внутренних дел, 1922. - С. 29.

² ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1421-иш, 93-варақ.

³ Власов А. Формирование системы образования милиции в 30-е годы. // История государства и права. №1. - М.: 2002. - С.61.

ва Полторацк шаҳарларида очилиб, уларда милиционерлар ва милицияга киришни хоҳловчилар учун милиция интизоми, устави, милицияда иш юритиш, хизматни ўташ, ички хизмат қоидалари юзасидан маърузалар ўқилди¹.

Шундай шароитда, 1922 йил 11 декабрда РКП(б) МКнинг «Милициянинг шахсий таркибини қайта ташкил этиш тўғрисида»² ги махфий қарори жойлардаги партия ташкилотларига юборилди. Унда тез орада милиция бошлиқлари, ўринбосарлари ва ёрдамчиларини партияга содиқ кадрлар билан алмаштириш зарурлиги кўрсатилди³. Бу қарордан сўнг милиция таркиби янада сиёсийлаштирилиб, партия тазйиқи олдингидан ҳам қучайтирилди.

Вақт ўтиши билан милиция кадрларини ўқитиш ва тайёрлаш воситалари ўзгариб борди. Туркистон милициясининг бошқарув органлари асосан РСФСР даги мактабларда таълим олган кадрлар ҳисобига тўлдирилган бўлиб, бунинг асосий сабаби милиция бошлиқларини тайёрлайдиган мактаблар Туркистонда ташкил этилмаганлиги эди. Биз таҳлил қилаётган даврнинг охирига келиб кадрлар тайёрлаш тизими қуйидаги кўринишни ўзида ифода этди:

1. Милиция бошлиқларини тайёрлайдиган ўрта-махсус мактаблар Петроград (ҳозирги Санкт-Петербург), Омск ва Новочеркасск шаҳарларида мавжуд бўлиб, ўқиш муддати 2 йил давом этарди. Мактабда таълим 2 та йўналишда олиб борилиб, у ўзида милиция ва жиноят-қидирув бўлимларини ифода этган. Милиционерлар ўқишни битирганларидан сўнг қуйидаги лавозимларни эгаллашлари мумкин бўлган: уезд милиция бошлиғи ёрдамчиси, шаҳар милиция бўлими бошлиғи, уезд милиция бўлими бошлиғи, жиноят-қидирув инспектори ва бошқалар.

2. Губернияларда кичик милиция бошлиқларини тайёрлайдиган 10 ойлик курслар ташкил этилиб, унда махсус тайёргарлик ва умумий таълим бўйича милиция ходимлари ўқитилган.

¹ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 3110-иш, 9-варақ.

² ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 2114-иш, 13-варақ.

³ ЎзРМДА, 339-фонд, 1-руйхат, 266-иш, 11-варақ.

3. Губерния мактаблари кўплаб жойларда ташкил этилиб, бу ерда оддий милиционерлар ва милиция сафига ўтмоқчи бўлганлар ўқитилган.

4. Вилоятларда кичик милиция бошлиқларини, яъни волост милиция бошлигининг ёрдамчиси, катта милиционер ва жиноятқидирув инспекторларини тайёрлайдиган 1 йиллик курслар фаолият кўрсатган.

5. Мактаблар ташкил этилмаган губернияларда участка милиционерларига махсус курслардан маърузалар ўтиб турилган¹.

Афсуски, ихтиёримизда РСФСРда фаолият кўрсатган мазкур милиция мактабларида туркистонликлардан қанча киши ўқиганлиги ва уларнинг кейинги тақдири тўғрисидаги маълумотлар йўқ. Шунинг учун масаланинг бу томони очик қолдирилмоқда.

Шундай қилиб, Туркистон ўлкасидаги назорат органларидан бири ҳисобланган Ишчи-деҳқон милицияси минтақада совет ҳокимияти зўравонлик билан ўрнатилгач, дастлаб Туркистон ўлкаси ХКСнинг Фукаро-маъмурий қисм халқ комиссарлиги таркибиде ташкил топди. Кейинчалик милиция органлари Туркистон АССР Ички ишлар халқ комиссарлиги структурасида Милиция Бош бошқармаси (ГУМ) сифатида фаолият кўрсатди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида милиция таркибини тегишли мутахассис кадрлар билан таъминлаш масаласи доимо кескинлигича қолаверди. РСФСРда мавжуд турли даражадаги милиция мактабларида тайёрланган милиция ходимлари ушбу муаммони Марказ миқёсида ҳал қилиш учун муайян даражада ижобий рол ўйнаган бўлсалар ҳам, Туркистон АССРда бу муаммо етарли даражада яхшиланмади.

Туркистон АССРдаги Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлигида кадрлар тайёрлаш ва уларни хизматга жалб этиш ўзига хос йўналишда амалга оширилди. 1920 йил 7 февралда Ишчи-деҳқон инспекциясига ходимларни жалб қилиш юзасидан декрет қабул қилинди. Декретга мувофиқ ушбу жараён 3 та йўналишда

¹ Еропкии М. И. Развитие органов милиции в Советском государстве. - М.: 1967. - С. 46.

олиб борилди: 1) меҳнаткашлар коллективидан ёрдамчи аъзоларни таклиф этиш, 2) завод, фабрика, харбий қисмлар, волост ва уездларда ёрдамчи ячейкаларни тузиш, 3) Ишчи-деҳқон инспекциясининг «ташаббускор»лигида ишчи ва деҳқонларни турли тафтишларга жалб этиш¹. Мазкур кўрсатмага асосан, Ишчи-деҳқон инспекциясига илк ходимлар хизматга қабул қилина бошланди.

Ишчи-деҳқон инспекциясига хизматга жалб этилаётган ходимларнинг билим ва малакасини ошириш мақсадида Комиссариат тасарруфида 1920 йил 7 майда ҳисоб-китоб ва назоратчи ходимларни тайёрлайдиган махсус курслар ташкил этилди². Курслар жами 200 соатга мўлжалланган бўлиб, куйидаги фанлардан маърузалар ўқилган: 1) ҳисоб-китоб ва савдо ҳисоботи (75 соат), 2) тафтиш ишларини ўтказиш (33 соат), 3) товарларнинг таксимланиши (55 соат), 4) Совет ҳокимияти ва совет ҳукуматининг бошқарув шакли (15 соат)³.

Тузилаётган янги ташкилотга юклатилган «вазифалар ва ваколатининг кенг камровли эканлигидан» келиб чиқиб, 1920 йил 5 июнда бўлган махсус йиғилишда Ишчи-деҳқон инспекциясининг юқори лавозимларига «ишончли» кадрларни тайинлаш учун 10 та «малакали» ишчиларни ажратиш зарурлиги кўрсатилди. Ундан ташқари саноат иттифоқларидан 17 та ходимни ҳамда Тошкентнинг Янги ва Эски шаҳарларидаги иттифоқлардан 1% ишчиларни сафарбар этишга қарор килинди⁴.

Тез орада турли ташкилотлардаги касаба уюшмаларидан 100 дан ортиқ аъзолар инспекция хизматига юборилди. Уларнинг ярмини мусулмонлар ташкил этган эди⁵. Бироқ бу ходимларнинг аксарияти (3 та гуруҳнинг раҳбаридан ташқари)⁶ саводсиз бўлганлиги сабабли, ўтказилаётган текширув ва тафтишларда улардан фақат гувоҳ сифатида фойдаланилди.

¹ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1032-иш, 73-варақ.

² ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 912-иш, 73-варақ.

³ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 912-иш, 73-варақнинг орқаси.

⁴ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 747-иш, 22-варақ.

⁵ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1054-иш, 62-варақ.

⁶ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1421-иш, 40-варақнинг орқаси.

Туркистон АССР Касаба уюшмаларининг II ўлка съездида Ишчи-деҳқон инспекциясининг кадрлар билан таъминланиши масаласи алоҳида таҳлил қилиниб, тафтишларда қатнашиш учун 15 кунга 50 та вакилни юборишга қарор қилинди. Бундан ташқари, 4 ойга 20 та ходим хизмат сафарига жўнатилди¹.

РСФСР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлигининг 1920 йил 16 октябрда бўлган йиғилишида кадрлар масаласи алоҳида муҳокама қилинди ва қабул қилинган қарорда «Ишчи-деҳқон инспекциясининг шахсий таркиби жуда тоза ва бенуқсон бўлиши шарт»² эканлиги ҳамда унинг таркибига: а) Давлат назорати ташкилотида хизматда бўлган доимий аъзолар, б) ташкилотлардан вақтинчалик хизматга юборилган аъзолар, в) Ишчи-деҳқон инспекциясининг ёрдамчи аъзолари, улар таркибига Советларга сайланиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир ишчи киритилиши мумкин эканлиги кўрсатилди

Ишчи-деҳқон инспекциясига ташкилотлардан меҳнаткашлар вақтинчалик хизматга доимий равишда жалб этиб турилган. Ишчи-деҳқон инспекциясининг Самарқанд бўлимидаги шундай тадбирлардан бирида «танлаб олинган меҳнаткашлар хизматдан бош тортишга ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқлари йўқлиги ва танланган ҳар бир ходим ўз вақтида Ишчи-деҳқон инспекциясида хизмат қилиши шарт»³ эканлиги белгиланди. Ишчи-деҳқон инспекцияси шахсий таркибининг бундай йўл билан тўлдирилиши оқибатида ташкилотнинг кейинги фаолиятида кўплаб салбий ҳолатлар кузатилди⁴.

Ишчи-деҳқон инспекциясининг бошқарув органлари сафини тўлдиришда партия ташкилотлари «раҳнамолик» қилдилар. Масалан, Самарқанд шаҳрида ўтказилган Туркистон Компартияси йиғилишида «партия ходимларидан 15 тасини Ишчи-деҳқон инспекциясидаги юқори мансабларга тайинлаш ҳамда ҳар бир совет ташкилотларидан биттадан ходимни инспекцияга юбориш»⁵ зарурлиги тўғрисида қарор чиқарилди.

¹ Известия ТуркЦИК, 27 августа 1920 г.

² ЎзРМДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 1038-иш, 22-варақ.

³ Известия ТуркЦИК, 15 октября 1920 г.

⁴ ЎзРМДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1423-иш, 3-4-варақлар.

⁵ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 1038-иш, 1-варақ.

Туркистон АССРнинг барча вилоятларидаги Ишчи-деҳқон инспекциясига ходимларни жалб этишда Касаба уюшмалари катта рол ўйнаб, 1920 йилнинг охирларида унга Тошкент шаҳридан 434 та ходим жалб қилинди¹, шундан сўнг Касаба уюшмаларидан кадрларнинг доимий оқиб келиши йўлга қўйилди². Йил давомида Ишчи-деҳқон инспекциясининг шахсий таркибини тўлдириш мақсадида Туркистон АССРнинг барча вилоятларидан вақтинчалик хизматга 1662 та³ ходим сафарбар этилган бўлиб, улардан 1030 таси (62%) маҳаллий миллат вакиллари эди⁴. Шундай бўлгани ҳолда Ишчи-деҳқон инспекциясининг 11 та бўлимидаги бошлиқлардан 10 тасини коммунистлар ташкил этиб⁵, уларнинг ҳаммаси европалик аҳоли вакиллари бўлган.

Ишчи-деҳқон инспекциясининг асосий функцияси барча ташкилотларда текшириш ва тафтиш ўтказишдан иборат бўлганлиги сабабли доимий назоратчи ходимларнинг етишмаслиги масаласи ҳар доим биринчи ўринга чиқиб қоларди. Шундан келиб чиқиб, назоратчиларни тайёрлайдиган алоҳида кечки курслар ташкил этилди. Курсларда РСФСР Конституцияси, тафтиш ўтказиш ва ҳисоб-китоб юритиш юзасидан маърузалар ўқилди⁶. 1920 йил декабрида мазкур курсларни 24 та ходим битириб, назоратчи кадрлар сифатида хизматга жалб этилдилар⁷. Кейинчалик бу курслар янада кенгайтирилиб, қўшимча 60 та ходимга дарслар ўтказилди. Шунингдек, бошқа ташкилотлардан юборилган 30 та аёл вакилларга ҳам Ишчи-деҳқон инспекциясининг фаолиятига тааллуқли фанлардан маърузалар ташкил этилди⁸.

Ишчи-деҳқон инспекциясида доимий кадрларнинг етишмаслиги сабабли 1921 йилда ташкилотларнинг ўзида ёрдамчи ячейкалар тузила бошлади⁹. Улар асосан завод, фабрика, турли

¹ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1033-иш, 81-варақ.

² Труженица Туркестана, 1920. №1. - С.8.

³ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1714-иш, 94-варақ.

⁴ ЎзРМДА, 25-фонд, 1-руйхат, 371-иш, 53-варақ.

⁵ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1423-иш, 11-варақ.

⁶ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1423-иш, 9-варақнинг оркаси

⁷ ЎзРМДА, 25-фонд, 1-руйхат, 371-иш, 53-варақ.

⁸ ЎзРМДА, 17-фонд, 1-руйхат, 50-иш, 62-варақ.

⁹ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1423-иш, 9-варақ.

корхона ва муассасалар ҳамда қизил армия қисмларида ташкил қилинди. Ёрдамчи ячейка аъзолари ўзлари ишлаётган ташкилотларнинг фаолиятини ҳар томонлама, яъни ишлаб чиқариш суръатини, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифатини, тарқатиладиган ойлик ва харажатлар, бошлиқ ва ишчилар ўртасидаги муносабатни назорат қилиб, Ишчи-деҳқон инспекциясига ҳисобот топширарди. Ячейкалар ишчи ёки хизматчиси 20 тадан кам бўлмаган ташкилот ва муассасаларда ташкил этилиши мумкин бўлган. Аҳолиси 100 тагача бўлган қишлоқлар ёки ташкилотларда 3—5 тагача, 100 тадан 200 тагача аҳоли ёки ишчиси мавжуд қишлоқ ҳамда ташкилотларда 5—7 тагача ячейка аъзолари фаолият кўрсатганлар¹.

Ёрдамчи ячейка аъзолари 4 ойга сайланарди. 1921 йилнинг ўрталарига келиб 500 та аъзодан иборат 200 та ёрдамчи ячейкалар ташкилотларда иш олиб борган эди².

Шундай шароитда, РКП(б) МК томонидан «Туркистон АССРдаги барча маҳаллий хотин-қизлар комитетлари Ишчи-деҳқон инспекциясига ходимларни сафарбар этишлари зарурлиги» ҳақида кўрсатма берилади. Эндиликда Ишчи-деҳқон инспекциясига аёллар ҳам жалб қилина бошланди³. Тошкент шаҳар хотин-қизлар комитети 25 нафар⁴, шунингдек, Фарғона вилояти хотин-қизлар бўлими томонидан ҳам кўплаб аёл ходимлар хизматга сафарбар этилди⁵. 1921 йил 1 июлда Ишчи-деҳқон инспекцияси таркибида 106 нафар аёл ходимлар фаолият юрита бошладилар.

Бу пайтга келиб, Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги 202 та доимий ва 114 та вақтинчалик хизматга жалб этилган ходимлардан иборат бўлган. 202 та доимий ходимлардан 116 таси европаликларга мансуб аҳоли ва 37 таси мусулмонлар бўлиб, улардан 153 тасини эркак ҳамда 49 тасини аёл ходимлар ташкил этди. Уларнинг 16 таси олий, 77 таси ўрта ва 60 таси паст

¹ Известия ТуркЦИК, 16 ноября 1920 г.

² ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1714-иш, 54-варақ.

³ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1423-иш, 10-варақ.

⁴ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1396-иш, 120-варақ, 1427-иш, 83-варақ.

⁵ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 2088-иш, 40-варақ.

маълумотли, 49 таси эса умуман саводсиз эди¹. 114 та вақтинчалик ходимлар таркибий жиҳатдан 72 та эркак ва 42 та аёл ходимлардан иборат бўлиб, улар 2 та олий, 20 та ўрта, 61 та паст маълумотли ва 32 та умуман саводсиз кадрлардан ташкил топган эди².

Ишчи-деҳқон инспекциясининг таркибини доимий ва вақтинчалик кадрлар билан тўлдиришда асосий захира вазифасини Касаба уюшмалари бажарган бўлса-да, 1921 йил ноябр ойида вакилларни навбатдаги сафарбар этишда Касаба уюшмалари томонидан аввалги камчиликлар ҳисобга олинмай, ундан ҳам қўпол хатоликларга йўл қўйилиб, штатдан ташқари бўлган ташкилот аъзолари юборилди³. Жараёнларнинг бундай кечиши натижасида Ишчи-деҳқон инспекциясининг фаолиятида салбий ҳолатлар вужудга келди, бунинг устига, сафарбар этилган ходимларга тегишли ташкилотлар маош тўлашдан ҳам бош тортдилар⁴. Сафарбар этилган ходимлар ташкилотларга қайтарилганларидан сўнг, уларнинг ўрнига Ишчи-деҳқон инспекциясига хизматга бутунлай саводсиз кадрлар юборилди⁵.

Вақтинчалик хизматга жалб этилган ходимлар текшириш ва тафтиш ишларида қатнашиш билан бир пайтда Ишчи-деҳқон инспекцияси тасарруфида ташкил этилган 2 ойлик курсларда таълим олишарди. Мазкур курсларни аввал 80 та, кейин 30 та ходим тугатган бўлса-да, уларнинг биттаси ҳам доимий ходим сифатида Ишчи-деҳқон инспекциясида хизматда қолмаган эди. Ташкилотда ҳукм сураётган қайғули шароит, яъни ходимлар ва ташкилот фаолиятини бир тизимга солишга қодир бўлган раҳбарларнинг йўқлиги ҳамда моддий таъминотнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги оқибатида⁶ ходимлар бу ерда хизмат қилишни хоҳламасдилар.

Туркистон АССР МИК ва Туркистон Иқтисодий Кенгаши махсус комиссиясининг «Давлат аппарати ташкилотларидаги

¹ ЎзРМДА, 17-фонд, 1-руйхат, 50-иш, 61-варақ.

² ЎзРМДА, 17-фонд, 1-руйхат, 50-иш, 62-варақ.

³ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1421-иш, 40-варақ.

⁴ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1328-иш, 22-варақ.

⁵ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1421-иш, 41-варақ.

⁶ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1421-иш, 39-варақ.

сарф-харажатларни камайтириш учун улардаги штатларни қисқартириш ишларини амалга ошириш зарурлиги» ҳақидаги қарори эълон қилинганидан сўнг Ишчи-деҳқон инспекциясининг ҳам шахсий таркиби қисқартирилди ва у қуйидаги манзарани ўзида ифода этди: агар 1920 йилда ташкилотда 1530 та ходим хизмат қилган бўлса, 1921 йилда уларнинг сони 991 тага тушиб қолди¹.

1922 йил 2 июнда бўлиб ўтган йиғилишда Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлигининг ўзига 70 та, Фарғонага 40 та, Наманганга 5 та, Андижонга 5 та, Самарқандга 45 та, Хўжандга 5 та, Еттисувга 45 та, Туркистонга 15 та, Тўртқўлга 3 та, Бухорога 3 та, ҳаммаси бўлиб, 236 та ходим тақсимланди².

Вақтинчалик хизматга жалб этилган ходимлар 4 ой муддатдан сўнг олдинги иш жойларига қайтиб боришлари, уларга бериладиган маош ва моддий таъминотнинг ҳамма тури сакланиб қолиши³ тегишли қонунлар билан кафолатланган бўлса-да, ходимлар Ишчи-деҳқон инспекциясида хизмат қилишни хоҳламасдилар. Сабаби, юқоридагиларнинг барчаси фақат қоғозда қолиб кетиб, кўп ҳолларда бу вақт давомида ходимларнинг аксарияти аввалги иш жойларидан маҳрум бўлардилар, ойлик масаласи эса ҳал қилиб бўлмайдиган муаммога⁴ айланиб қоларди.

Маълумки, Туркистон Компартиясининг V съезди қарори (1920 й. сентябр) билан «Қўшчи» иттифоқи тузилади. 1921 йилнинг ёзида ўлканинг вилоят ва кишлоқларида 6000 та «Қўшчи» иттифоқининг бўлимлари ташкил этилиб, унга 90000 та деҳқон аъзо бўлиб кирган эди⁵. Ишчи ва деҳқонларнинг синфий иттифоқи сифатида тузилган «Қўшчи» иттифоқи аъзолари ҳам Ишчи-деҳқон инспекциясида хизмат қилишдан бош тортишарди. Масалан, 1922 йил 2 сентябрда Ишчи-деҳқон инспекцияси томонидан иттифоқ аъзолари учун ажратилган 44 та ўринда атиги 10 та ходим хизмат қиларди⁶.

¹ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 1714-иш, 95-варақ.

² ЎзРМДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 1328-иш, 22-варақ.

³ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 3127-иш, 4-5-варақлар.

⁴ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1421-иш, 40-варақнинг орқаси.

⁵ Юсулов Д. Союз «Қошчи» и его роль в укреплении Советской власти в Туркестане (1919-1924 гг.). Т., Узгосиздат, 1956. - С. 19.

⁶ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 1428-иш, 245-варақ.

Туркистон АССР Ишчи-деҳқон инспекциясининг фаолияти юзасидан ТКПга топширилган ҳисобот (1922 йил 1 октябр — 1923 йил 1 апрел)да ташкилотга ишчи ва деҳқонларни жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ишчи-деҳқон инспекциясига вақтинчалик хизматга сайланган вакиллар ва ёрдамчи ячейкаларнинг вилоятлардаги вазиятидан келиб чиқиб, Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлигининг ўзига 48 та, Фарғонага 20 та, Еттисувга 12 та, Самарқандга 15 та, Туркман вилоятига 15 та, Тўртқулга 5 та, ҳаммаси бўлиб, 115 та¹ ходим тақсимланганлиги таъкидланди.

Ходимларнинг инспекцияга жалб қилиниши масаласида аввалги манзара яна қайтарилиб, эндиликда Касаба уюшмалари томонидан бу ерга «ўзларига кераксиз ва умуман саводсиз»² кадрлар юборилди. Ҳисобот топширилган вақт ичида жалб этилган ходимлар ҳеч қандай тафтишларда иштирок этмадилар. Чунки уларга Ишчи-деҳқон инспекцияси тасарруфида ташкил этилган курслар аниқ бўлмаган сабабларга кўра олиб борилмади. Бу ўз навбатида Ишчи-деҳқон инспекцияси фаолиятида зиддиятли ҳолатларни юзага келтирди.

1922 йили Туркистон АССР Ишчи-деҳқон инспекцияси ходимлари 645 та бўлган бўлса, 1923 йилнинг бошида уларнинг сони 458 тага (115 та вақтинча сафарбар этилганлар билан биргаликда) тушиб қолди. ТКП МК мажлисида эса доимий хизматчи ходимлар штатининг сони 192 та ва 67 ёрдамчи сафарбар этилган аъзолардан иборат, деб белгиланди (1923 й. 25 июл)³. Бундай ўзгаришлар оқибатида Ишчи-деҳқон инспекциясининг бўлимлари қисқариб, уларнинг вазифалари бир-бирига қўшилиб кетди.

1923 йил 1 сентябрда Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги томонидан инспекторларни тайёрлайдиган 6 ойлик

¹ Туркестанская правда, 25 февраля 1923 г.

² ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 3126-иш, 6-варақ ва унинг орқа томони.

³ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 2638-иш, 101-варақ.

махсус курсларни ташкил этиш юзасидан қарор қабул қилинди¹. Кўп ўтмай курслар ҳақида Низом ишлаб чиқилди². Низомда курслардаги маърузаларни бир пайтда 50—75 тагача ходим эшитиши мумкинлиги ҳамда бу курсларни битирган кадрлар «камида 6 ой муддат Ишчи-деҳқон инспекциясида хизмат қилишлари шарт» эканлиги кўрсатилди. Дарслар кечки пайт ҳафтасига 4 мартадан олиб борилди. Маърузалар тугаганидан сўнг ходимлар ҳар бир фандан синов ва имтиҳонлар топширишарди.

Бу масала Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлигининг 1923 йил 10 октябрда бўлган йиғилишида такрор кўрилди ва курсларда ўтиладиган фанларнинг тизими ишлаб чиқилиб, у тасдиқланди. Бу фанлар ва уларга ажратилган соатлар куйидагича бўлган: 1. Рус тили ва маҳаллий тил: 92 соат. 2. Арифметика: 40 соат. 3. Иқтисодий география: 8 соат. 4. Сиёсий тежамкорлик: 30 соат. 5. СССР—РСФСР Конституцияси: 6 соат. 6. Иқтисодий сиёсат: 10 соат. 7. Туркистон қишлоқ ҳўжалиги: 20 соат. 8. Молия сиёсати: 12 соат. 9. Кооперация: 6 соат. 10. Ҳисоб-китоб: 40 соат. 11. Мехнат ҳақидаги қонун кодексларини ўрганиш: 4 соат. 12. Жиноят кодекси: 4 соат. 13. Фуқаролик кодекси: 6 соат. 14. Бошқарувни ташкил этиш: 10 соат ва ҳаммаси бўлиб 288 соат³.

Курсларда маърузалар махсус таклиф этилган мутахассислар томонидан олиб борилган бўлса ҳам, ходимларнинг дарсларга қатнашиши ва ўзлаштириш даражаси жуда паст эди. Ходимларга маърузаларда қатнашиш учун етарли шароит яратилмаган бўлиб, дархоналар жуда узоқда жойлашганлиги ва бунинг устига транспорт масаласи хал этилмаганлиги муаммони янада кескинлаштирди⁴.

1923 йил 5 ноябрда ўтказилган йиғилишда СССР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги Туркистон АССР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги штатининг сонини 110 та деб белгилади⁵. Туркистон АССР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги 3 та бошқармадан: умумий, тезкор (оператив) ва

¹ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 1633-иш, 27-варақ.

² ЎзРМДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 1850-иш, 44-варақ.

³ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 1633-иш, 27-варақ.

⁴ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 1650-иш, 5-6-варақлар.

⁵ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 1639-иш, 94-варақ.

давлат аппаратини такомиллаштириш бошқармаларидан иборат бўлди. 1924 йил март ойига келиб, Ишчи-деҳқон инспекцияси ходимларининг 25% - олий, 25% - ўрта ва 50% - паст маълумотли (саводсиз) бўлиб, марказда 25%, жойларда 38% ходимларни коммунистлар ташкил этган эди¹.

Шу тариқа Ишчи-деҳқон инспекциясининг таркиби доимий ва вақтинчалик хизматга жалб этилган ходимлар эвазига тўлдириб борилиб, уларга олиб борадиган фаолияти юзасидан курслар ташкил этилди. Лекин курслар нечоғлик пухта ва ўтиладиган фанлар қанчалик ранг-баранг ҳамда кенг қамровли бўлмасин, Ишчи-деҳқон инспекциясининг шахсий таркибини саводли кадрлар билан тўлдиришнинг имкони бўлмади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир ташкилотнинг иш юритиш услуги, шунингдек, фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлари бевосита унинг бошқарув тизими ҳамда ташкилотдаги кадрларнинг билими ва малакаси билан боғлиқ жараён бўлгани сингари, Туркистон АССРдаги назорат органларининг фаолияти ҳам кадрлар билан таъминланиш масаласидаги айрим зиддиятли ҳолатлар билан биргаликда кечди.

Гарчи совет ҳокимиятининг тегишли юқори ташкилотлари ва мансабдор шахслар томонидан назорат органларининг шахсий таркиби билан боғлиқ зиддиятли масалаларни ечишга ҳаракат қилиниб, яъни мактаблар ташкил этилиб, уларда мутахассислар томонидан махсус курслар доимий равишда ўтиб турилган бўлса-да, назорат органларининг сафини чуқур билим, малака ва тажрибага эга бўлган ходимлар билан тўлдиришнинг имконияти бўлмади.

Хуллас, назорат органларининг фаолияти ва шахсий таркибини ташкил қилишдаги ҳар бир масалада большевикча режимнинг таъсири ҳамма вақт сезилиб турди. Шунингдек, мамлакатдаги қийинчиликлар, иқтисодиётдаги инкироз жамиятнинг барча қатламларига сингиб борди. Урушлар гирдобиди ҳолдан тойган Туркистонда ҳам тинчликни таъминлаш милиция ва инспекция ходимлари учун осон кечмади. Хусусан, давр руҳи бу

¹ ЎзРМДА, 95-фонд, 1-руйхат, 5-иш, 10-варак.

ташкilotларнинг фаолиятида акс этиши ҳам вазиятни янада мураккаблаштирди.

Шундай қилиб, Туркистон АССР назорат органларига кадрлар тайёрлаш тизими ҳақидаги фикрларни яқунлар эканмиз, уларда асосий техника базасининг паст эканлиги, иктисодий жиҳатдан барқарор бўлмаганлиги ҳамда кадрлар тайёрлаш механизмининг суствлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Раҳбар кадрлар эса асосан Марказ вакиллари сифатида жўнатилган бўлиб, улар ўз фаолиятлари давомида совет тузумининг манфаатларини ҳимоя килдилар.

3.2. ТУРКИСТОН АССР НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИДАГИ ЗИДДИЯТЛАР. НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИДА КАДРЛАР ТАРКИБИ

Ҳар бир ташкilotнинг фаолияти ва унинг иш юритишидаги ютуқ ҳамда камчиликлар билан боғлиқ масалалар бир қатор объектив ва субъектив омиллар таъсирида юз беради. Туркистон АССРдаги назорат органларининг фаолияти таҳлил қилинганда, ана шундай муҳим омиллардан бири - моддий таъминотнинг зиддиятли тарзда кечганлиги ҳақида қўплаб архив манбалари гувоҳлик берадики, бу масалани чуқурроқ ўрганиш заруриятини келтириб чиқаради.

РСФСР ХКСнинг 1919 йил 3 апрелидаги декретига мувофиқ, Туркистон АССР ИИХКнинг ўша йили 8 октябрда бўлиб ўтган йиғилишида Туркистон милицияси қизил армия ҳолатига ўтказилди¹. Қарор эълон қилинганидан сўнг милициядаги лавозимлар ҳарбий штатлардаги лавозимларга тенглаштирилди², натижада милиция ходимларининг ойлик маошлари ва давлат томонидан ажратиладиган барча таъминот турлари ҳарбийлаштирилган ҳолатда олиб бориладиган бўлди.

Бироқ милиция қизил армия ҳолатига ўтказилганидан кейин моддий таъминот масаласи тўғри йўлга қўйилмади, милиция

¹ ЎзРМДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 785-иш, 27-варақ.

² ЎзРМДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 785-иш, 9-варақ.

ходимларига ойлаб маошларнинг берилмаслиги оқибатида улар оч ва яланғоч ҳолатга тушиб қолдилар, маҳаллий бюджетнинг танқислиги натижасида катта-катта ҳудудлар (волостлар) ички тартиб ва жамоат хавфсизлигининг «химоячиси» ҳисобланган милиция ходимсиз қолди¹. Айрим волостларда эса милиция идоралари умуман ташкил этилмай, битта ҳам милиционер йўқ эди.

Марв уезди милициясининг бошлиғи Туркистон АССР Милиция Бош бошқармасига топширган ҳисоботи (1920 йил 12 феврал)да ёзилишича, «Милиция кизил армия ҳолатига ўтказилганидан бери ҳали бир марта ҳам махсус форма - кийим-бош (либос) билан таъминланмаган, милиционерлар ярим яланғоч, энгил кийимларда хизмат қилмоқдалар»². Ҳисоботда бу масала юзасидан тегишли тадбирларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланган. Мазкур ҳисоботга жавобан, иқтисодий муаммолар ҳамма жойда мавжуд эканлиги баҳона қилиниб, бошқарма томонидан ҳеч қандай чора кўрилмади.

Ишчи-деҳқон инспекцияси маъмурий бўлими бошлиғининг Туркистон АССР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлигига топширган ҳисоботи (1920 йил сентябр)да эса моддий таъминотнинг озлиги қуйидагича таъкидланган: «ИИХКда штатлар тўлмаётганлиги, натижада унинг иш юритишида пала-партишликлар вужудга келаётганлиги, бунинг асосий сабаби эса битта: ойликнинг жуда камлигидир»³.

Закаспий (кейинчалик Туркман) вилояти милициясининг бошлиғи вилоят милициясининг аҳволи ҳақида тўхталиб, 1920 йил 1 ноябрда ўз фикрини қуйидагича баён қилган: «Агар биз белгиланган қонун-қоидаларга риоя қилиб, халқ осойишталиги ва ҳуқуқ-тартиботни ҳимоя қила оладиган ҳақиқий милицияни

¹ ЎзРМДА, 86-фонд, 1-руйхат, 2433-иш, 130-131-варақлар.

² ЎзРМДА, 339-фонд, 1-руйхат, 46-иш, 5-варақ.

³ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1033-иш, 62-варақ.

ташкил этишни хоҳласак, милиция ходимларига зарур бўлган шароитни яратиб беришимиз зарур. Ҳозирги кунда таъминот масаласи хусусида гапиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Чунки милиция сафлари ҳарбийлаштирилганидан сўнг таъминотнинг барча турлари деярли тўхтатилди, бундай вазиятга ортик чидаб бўлмайди...»¹. Бу муаммони фақат ИИХК ҳал этиши мумкинлигини қўшимча қилади у. Закаспий милициясининг бошлиғи аввал ҳам бу масала юзасидан бир неча маротаба маҳаллий мутасадди ташкилотлар (вилоят партия комитети ва инқилобий қўмита)га мурожаат қилган эди², лекин улар томонидан ҳеч қандай ёрдам кўрсатилмади³.

Маълумки, Ишчи-деҳқон инспекцияси ходимларининг иш фаолияти асосан ташкилотларда тафтиш ўтказишдан иборат бўлганлиги учун улар волост ҳамда чекка қишлоқларга хизмат сафарига юборилади. Шу жиҳатдан Туркистон АССР ХКС томонидан 62-сонли буйруққа асосан белгиланган «бир кунлик хизмат сафари харажатлари жуда кам. Бу ҳолат ходимларни ҳар хил ҳийла-найрангларни қўллаб пул топишга, айрим ҳолларда жиноятчиликка қўл уришга мажбур қилмоқда. Бундай ҳолатларни бартараф этиш ва олдини олиш учун ажратиладиган маблағларнинг миқдорини камида 2 баравар қўпайтириш зарурлигини эътиборга олиб, бу масалани ХКСда қайта кўриб чиқиш лозим»⁴. Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги томонидан 1920 йил ноябрда муаммонинг бу жиҳатлари таъкидланди. Бироқ Туркистон АССР ХКСнинг навбатдаги йиғилишида бу масала қаттиқ муҳокама қилинган бўлса-да, ижобий ҳал этилмади.

Милиция фаолияти ва унда юз бераётган қўнимсизликнинг асл моҳиятини очиш мақсадида Туркистон АССР Милиция Бош бошқармасининг курсатмасига мувофиқ 1921 йил 16 февралда Тошкент уездидаги район милиция бошқармаларида тафтиш

¹ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1050-иш, 52-варақ.

² ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1050-иш, 187-варақ.

³ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1050-иш, 53-варақ.

⁴ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1048-иш, 7-варақ.

Ўтказиш учун инспекторлар юборилди. Инспекторлар ўтказилган тафтиш юзасидан ёзган ҳисоботларида милициядаги ҳолатни куйидагича таърифлашган: «Милиция сафларида вазият анча оғир, белгиланган кийим-бош, яъни махсус формаларнинг етишмаслиги оқибатида милиционерларнинг чувриндилардан фарқи йўқ, айримлари эса умуман яланғоч бўлиб, агар қўлларида қурол бўлмаса, уларни маҳаллий фуқаролардан ажратиб бўлмайди. Хўжалик аппаратининг ёмон ишлаши натижасида оддий кун кечиришга ҳам етмайдиган озиқ-овқат ўз вақтида берилмайди, ойлик жуда оз, у ҳам ўз вақтида таркатилмайди, шундай қийин аҳволда милиция ходими ҳамда унинг оиласи оч ва совуқ хаёт кечирмоқда, бундай шароитда милициянинг шахсий таркибини малакали кадрлар билан тўлдириш масаласи у ёқда турсин, оддий ходимларни жалб этишнинг ўзи муаммога айланиши муқаррар...»¹. Тафтиш натижалари нечоғлик ёқимсиз бўлмасин, у ўша пайтнинг аччиқ ҳақиқати эди.

Орол райони Ижроия қўмитасининг Туркистон АССР ИИХКга маълум қилишича, 1921 йил март ойларига келганда «Орол райони милициясида вазият ҳалоқат ёқасида, тез кунда керакли ёрдам кўрсатилмаса ҳамма ходимлар хизматдан қочиб кетадилар. Ижроия қўмитаси ҳамда район милицияси бошлиғи Н.Иванов томонидан юқори ташкилотларга топширилган сон-саноксиз ҳисоботларга ҳали-ҳануз ҳеч қанақа жавоб келмаган. Милиционерлар яланғоч, уст-бош ва бошқа кийимларнинг етишмаслиги сабабли кўчаларда тунда кузатишлар ўтказилмаяпти. Милиция штати аранг тузилган, у ҳам фақат мусулмон аҳоли ҳисобига шакллантирилган, ойликларнинг камлиги ва ўз вақтида берилмаслигидан русларни хизматга жалб қилишнинг ҳеч иложи бўлмаяпти. Кўплаб қишлоқлар, ҳатто Бугун ҳамда Мўйнок сингари катта-катта қишлоқларда милиция идоралари ташкил этилмаган. Бундай ҳолатнинг жавоби битта: Казалинск шаҳар милициясида маблағ йўқ, ортиқ бундай давом этиши мумкин эмас...»². Бу факт, Туркистон АССРнинг барча шаҳар ҳамда чекка

¹ ЎзРМДА, 339-фонд, 1-руйхат, 111-иш, 24-варақ.

² ЎзРМДА, 339-фонд, 1-руйхат, 64-иш, 33-варақ.

қишлоқларида 1918 йилнинг охирларида Ишчи-деҳқон милициясининг бўлимлари тузилиб, улар ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар, деб овоза қилинган кўплаб ҳисоботларнинг аксини исботлайди.

Вилоятлардан келаётган ҳисоботлар асосида Туркистон АССР Милиция Бош бошқармаси бошлиғи Д. Саликов Туркистон АССР ХКСга 1921 йил 6 мартда ёзган билдиришномасида милиция сафидаги ҳолатни қуйидагича кўрсатади: «Чекка қишлоқларда милиция ходимларига давлат томонидан ажратилган кўплаб озик-овқат маҳсулотлари (хусусан, гўшт, сариёғ, балиқ ва бошқалар) берилмайди. Сабаби, милиция бўлимлари ҳарбий таъминотга ўтказилганидан кейин биринчи навбатда жанговар ҳарбий қисмлар, сўнг орқа томондаги ҳарбий қисмлар ва учинчи навбатда милиция бўлимлари таъминланади. Ўз-ўзидан маълумки, милиция ходимларига ҳарбий қисмлардан қолган маҳсулотлар тарқатилади, агар ҳеч нарса қолмаса улар яна оч қоладилар. Ҳарбий қисмлардан узоқроқда жойлашган район милиция бўлимларида вазият бундан ҳам баттар, уларга белгиланган маҳсулотлар умуман етиб бормади»¹.

Мазкур ҳолатни ҳисобга олиб, Туркистон fronti таъминот бўлими бошлиғига 1921 йил 20 мартда милицияни мунтазам равишда нон ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш, Закаспий вилояти милиция бўлимларига кийим-бош ва махсус формаларни юбориш, милиция ходимларига ажратилган ойлиқларнинг ўз вақтида берилишини назорат остига олиш ва бошқа ташкилий масалалар юзасидан тегишли ташкилотларга фармойиш бериш тўғрисида илтимос қилинди². Билдиришнома тушунарли ва асосли бўлишига қарамай, милиция сафларидаги вазиятни ўзгартиришга қаратилган ҳеч қандай фармойиш берилмади.

Закаспий вилояти милициясининг бошлиғи томонидан Туркистон АССР ИИХКга топширилган ҳисобот (1920 йил 1 ноябр)дан кейин ҳам милициядаги аҳвол ўзгармаганидан сўнг³,

¹ ЎзРМДА, 339-фонд, 1-руйхат, 176-иш, 187-варақнинг орқаси.

² ЎзРМДА, 339-фонд, 1-руйхат, 179-иш, 41-варақнинг орқаси.

³ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1050-иш, 52-варақ

Туркистон Фавкулудда комиссиясига юборилган маълумотлар тўпламида милициядаги вазият қуйидагича рўй-рост кўрсатиб берилди: «Вилоят милицияси аянчли аҳволда, ходимлар ҳайвонларча ҳаёт кечирмоқдалар, ҳар доим оч, тўшакларсиз полда ухлашмоқда. Тегишли ташкилотлар томонидан ҳеч қанака ёрдам кўрсатилмаганидан кейин милиционерлар орасида хизматдан қочиш ҳолатлари кўпайиб кетди. Масалан, охириги 2 ҳафта ичида 12 нафар милиция ходими ўз қуроллари билан бандитлар (босқинчилар) томонига ўтиб кетди»¹. 1921 йил 1 августда Ёттисув вилоятида 19 та милиционер қуроллари билан душманлар сафига қўшилиб кетдилар².

Туркистон АССР ИИХК томонидан вилоят милиция бўлимларида ўтказилаётган текширув ишлари 1921 йил сентябрда Фарғона вилоятида ҳам олиб борилди. Текширув натижалари юзасидан топширилган ҳисоботда келтирилишича, Фарғона вилояти бўйича барча милиция ходимлари оч ва яланғоч бўлиб, улар умуман ҳолдан тойган. Тез орада совуқ тушади, милиция идораларида эса кийим-бошининг ҳеч бир тури (шинел, этик, иссиқ кийим ва бошқалар) қолмаган, ходимлар озиқ-овқат билан таъминланмаган. Бу ерда ойликнинг бошқа ташкилотларга нисбатан жуда камлиги натижасида бошқармадаги ходимлар ўз хизматларини ташлаб, бошқа комиссарликларга ўтиб кетмоқдалар, оддий милиция ходимлари эса «босмачилар» сафига қўшилмоқдалар, чунки уларда бизга қараганда шароит анча яхши, улар кийинтирадилар, озиқ-овқат билан таъминлайдилар ва кўпроқ ойлик тўлайдилар³.

Моддий таъминот масаласи юзасидан РСФСР милициясидаги аҳвол ҳақида тўхталадиган бўлсак, РСФСР ИИХК томонидан юқори инстанцияларга топширилган ҳисоботлардан бирига назар ташлаш кифоя. Хусусан, 1921 йил октябр ойига оид ҳисоботлардан бирида шундай ёзилади: «Милиция ҳар жихатдан

¹ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1324-иш, 173-варақ.

² ЎзРМДА, 339-фонд, 1-руйхат, 106-иш, 72-варақ.

³ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1327-иш, 76-варақ; ЎзРМДА, 339-фонд, 1-руйхат, 111-иш, 99-варақнинг орқаси.

кашшоқ, ходимларда кийим етишмайди, таъминот масаласи жуда ёмон, ойлик жуда оз... Масалан, Мурманск шаҳри милиция ходимларига паёқда белгиланган 1 пуд ун ўрнига 20 рубл нисбатда пул берилган. Ваҳоланки, 1 пуд уннинг бозордаги нархи 7 баравар қиммат бўлиб, у 140 рублни ташкил этади»¹.

Туркистон АССРдаги аҳвол бундан ҳам баттар эди. «Самарқанд шаҳрида 1922 йил март ойида милиция ходимига 630.000 рубл ойлик берилган бўлса², озиқ-овқат учун ундан бир ой давомида 1.200.000 рубл қийматида пул ушлаб қолинган»³. Демак, милиционер истеъмол қилган озиқ-овқат маҳсулотига давлатдан қарз бўлиб қолган, бундай ҳолатни ҳеч бир қонуният ёки бирон-бир сабаб билан тушунтириб бўлмайди.

Тошкент уезд-шаҳар милиция бўлими бошлиғи С. Ринкевич «Туркистон милициясининг фаолияти ҳақида» Милиция Бош бошқармасига 1922 йил 31 майда қилган маърузасида милиция фаолиятидаги нохуш ҳолатларнинг сабабини аниқ ва равшан қилиб тушунтириб беради. Маърузанинг қисқача мазмуни қуйидагича: Нотик милиция бўлимларининг фаолиятига батафсил тўхталишдан олдин Туркистон милицияси сафларидаги қайғули ҳолатнинг сабабларини кўрсатиб ўтган. Бу сабаблар уч турга бўлинади: одатдаги, яъни ўз-ўзидан бўладиган, умумий ва техник сабаблар. Учинчи сабаб битта - камбағаллик (ёки қашшоқлик) сўзи билан изоҳланади. Нотикнинг фикрича, камбағаллик ҳамма жойда - бошқарув органларида, оддий ходимлар орасида, отликлар таркибида, қурол-яроғ, озиқ-овқат, девонхонадаги асбоб-ускуна масалаларида, қисқаси, таъминот билан боғлиқ бўлган барча тармоқларда ҳукм сурмоқда. Факт ҳамда аниқ рақамларга ўтишдан олдин шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, келтирилган рақамлар ташкилотдаги аянчли аҳволни ҳақиқий маълумотлар асосида тасвирлаб беради.

Энди жойлардан келган айрим ҳисоботларга мурожаат қилсак, вазият яна ҳам ойдинлашади. Амударё вилоятида милиционерлар

¹ Братющенко Ю. НЭП в милицейской шинели. // Советская милиция, №8, 1991. - С. 36-37.

² ЎзРМДА, 339-фонд, 1-рўйхат, 305-иш, 157-варақнинг орқаси.

³ ЎзРМДА, 339-фонд, 1-рўйхат, 207-иш, 57-варақ.

оч¹ ва шахсий таркиб кийим-кечак билан таъминланмаган, уст-бош, оёк кийим умуман йўқ².

Пскент участка милицияси бошлигининг 1920 йил 13 декабрдаги ҳисоботида ёзилишича, милиция ходимларининг яхши таъминланмаслиги, озиқ-овқат маҳсулотларининг йўқлиги натижасида ходимлар оч ва ночор ҳаёт кечирмоқдалар. Бундай шароитда милиция таркибини малакали кадрлар билан тўлдириб бўлмайди³.

Туркистон уезд-шаҳар милициясидан 1921 йил 12 февралда юборилган докладда ёзилишича, «Милиция сафлари жуда ёмон аҳволда, милиционерлар оч, улар яланғоч ва совуқ шароитда хизмат қилмоқда, ходимларнинг умумий сони 114 та бўлиб, кашшок ва чувриндилардан фарқи йўқ, ҳатто уларни бегона одамлардан ажратиб бўлмаганлигидан милиционерлар бошқа одамлар билан бирга қамоққа олинган пайтлар ҳам бўлган»⁴.

Красноводск уезд-шаҳар милицияси бошлиғи ўз билдиришномаси (1921 йил 16 феврал)да қуйидагича таъкидлаган: «Ҳамма милиционерлар яланғоч, озиқ-овқат масаласи жуда оғир, паёқлар вақтида берилмайди. Оч қолган қорин милиция ходимларини порахўрлик⁵ билан шуғулланишга мажбур қилмоқда»⁶.

Шундай қилиб, уезд-шаҳар милиция бўлимлари бошликлари томонидан жойлардан келган аниқ маълумотлар асосида, Туркистон милицияси сафларидаги қийин ва мураккаб ҳолат кўрсатиб берилишига қарамай, ташкилотдаги вазият ижобий томонга ўзгармади ва аксинча, ушбу салбий ҳодисаларнинг сони кундан-кунга кўпаяверди. Масалан, Самарқанд вилояти милицияси бошлиғи 1922 йил 12 октябрда Туркистон АССР ИИХКга топширган маълумотномасида ёзилишича, милициядаги шароит ҳалокат ёқасида, милиционерлар очарчиликка дучор бўлганлар, отлар холдан тойган. Вилоятдаги «босмачи» гуруҳлар мусулмон аҳолини «Оллоҳ ва

¹ ЎзР ИИВА, 39-фонд, 1-руйхат, 78-иш, 41-варақ.

² ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1421-иш, 47-48-варақлар.

³ ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1421-иш, 49-варақ.

⁴ ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1421-иш, 50-варақ.

⁵ ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 2167-иш, 115-варақ.

⁶ ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1421-иш, 49-варақнинг орқаси.

шариат йўлида бирлашишга чақирмоқдалар»¹, милиция ходимлари эса улар томонга ўтиб, совет ҳукуматига қарши курашмоқдалар².

Туркистон милициясида кузатилгани каби, Ишчи-деҳқон инспекциясида ҳам таъминот масаласи кун сайин мураккаблашиб бораверди. Туркистон АССР ХКСга 1920 йил 10 июлда топширилган билдиришномада айтилишича, «ходимларга ажратиладиган маблағларнинг миқдорини ошириш масаласи ҳамда кўплаб ходимларнинг шахсий аризаларида кўрсатилган таъминот билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг ҳал этилмаганлиги³, бунинг устига Ишчи-деҳқон инспекцияси ходимларининг моддий шароити жуда оғир аҳволда эканлиги»⁴ Туркистон АССР МИКга юборилган маълумотномада кўрсатилиб, бу масалани тез кунда ҳал этиш зарурлиги таъкидланди.

Маҳаллий ҳокимият органлари томонидан назорат органларига ёрдам кўрсатилиши мумкинлиги ҳақидаги умидларнинг ҳаммаси пучга чиқканидан кейин Туркистон АССР Милицияси бошлиғи И. Запрудский 1922 йил 14 августда махсус доклад билан РСФСР Милиция Бош бошқармасига мурожаат қилди. Ушбу доклад Туркистон милициясининг жойлардаги бўлимларидан келган кўплаб ҳисобот ва билдиришномалар асосида ёзилган бўлиб, унда ташкилотдаги барча муаммолар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари очиқ-ойдин кўрсатиб берилди. Докладнинг қисқача мазмуни қуйидагича: жойлардаги милиция бўлимларида оддий ходимлардан тортиб, бошлиқларгача ўз вазифаларини яхши билмайдилар. Таъминот масаласи эса милиция фаолиятидаги энг оғриқли нуқта бўлиб, унинг даъвоси топилмаяпти. Милиция ходимининг 3-4 ойлаб маошсиз ўтириши оддий ҳолатга айланган. Республика олий ҳукуматининг қарорига мувофиқ, қизил армия қисмлари ҳамда милиция бўлимларига тарқатилиши керак бўлган паёклар милиционерларга етиб бормайди⁵. Отларнинг ем-хашак билан таъминла-

¹ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 2167-иш, 26-варақ.

² ЎзРМДА, 339-фонд, 1-руйхат, 305-иш, 157-варақнинг орқаси.

³ ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1077-иш, 2-варақ.

⁴ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 2167-иш, 47-варақ.

⁵ ЎзРМДА, 339-фонд, 1-руйхат, 207-иш, 56-57-варақлар.

ниши қониқарсиз. Ажратилаётган маблағлар жуда оз. Озиқ-овқат халқ комиссарлигида мавжуд бўлган ем-хашак фақат қизил армия қисмларига берилади. Бундай қўнимсизликларни тез орада бартараф этиш зарурлигини инобатга олиб, бу масалалар юзасидан мутасадди ташкилотларга тегишли фармойишлар берилса мақсадга мувофиқ бўларди¹. Туркистон милициясининг бошлиғи ўлка милициясининг ачинарли аҳволини шундай қисқа ва лунда жумлалар билан таърифлаб берди.

Туркистон милицияси бошлиғи вазифасини бажарувчи Г.Петров Туркистон АССР ИИХКга 1922 йил декабрда жўнатган йиллик ҳисоботида қуйидагиларни маълум қилган: «Туркистон милицияси маъмурий бўлимларининг яхши ишламаслиги оқибатида чиқарилган айрим қонунлар ва таъминот маҳсулотлари чекка вилоятларга етиб бормаяпти, бунинг натижасида ўзи ярим яланғоч ва ярим оч бўлиб, милицияда хизмат қилаётган милиционерлар ҳуқуқ ва тартиботни ҳимоя қилиш ўрнига, ўзларига бир парча нон топиш йўлларини қидиришга мажбур бўлмоқдалар»². Г. Петров Туркистоннинг чекка волостлари ва кишлоқларида милициянинг яхши уюшмаганлиги ҳамда уларнинг моддий таъминоти умуман йўлга қўйилмаганлигининг асосий сабаби маъмурият бошлиқларининг ўз ишларига совуқконлик билан қарашида, яъни бутун айб милиция бўлими бошлиқларида, деган нотўғри хулосани исботлашга ҳаракат қилади.

1923 йил 1 январда Туркистон АССР Ишчи-деҳқон милицияси маҳаллий бюджетга ўтказилганидан кейин милиция ходимларининг моддий таъминоти масаласи умуман тоқат қилиб бўлмайдиган аҳволга тушиб қолди³.

Шундан сўнг Туркистон АССР ИИХК томонидан Туркистон милицияси бошлиғи Г.Петров 1923 йил 25 мартдаги 50-маҳсус қарор билан Фарғона ва Самарқанд вилоятлари милиция бўлимларини текшириш учун юборилади. «Ўта маҳфий» рукни остида топширилган текширув натижаларида милиция сафларидаги ҳақиқий аҳвол қуйидагича ифодалананиди: «Ҳақиқатан ҳам

¹ ЎзРМДА. 339-фонд. 1-руйхат, 207-иш, 57-варақнинг орқаси.

² ЎзРМДА, 25-фонд, 1-руйхат. 923-иш. 229-варақнинг орқаси

³ ЎзРМДА, 339-фонд, 1-руйхат, 344-иш, 36-варақ.

Фарғона ва Самарқанд вилоятлари милициясида таъминот масаласи даҳшатли аҳволда, милиция ҳаёти ва фаолиятининг кайси жихатини таҳлил қилмайлик, муаммо моддий таъминотга бориб тақалаверади. Ходимларга ойликнинг вақтида берилмаслиги оқибатида улар ҳайвонларча ҳаёт кечирмоқдалар, ётоқхоналарда ўрин, тўшак ва ёстиклар умуман қолмаган, ошхоналарнинг ишламаслигидан милиционерларда сувни кайнатиб ичишнинг имконияти йўқ, иссиқ овқат ҳақида умуман гапирмаса ҳам бўлади. Шундай шароитда ошхоналарда тушлик қилиб, пулини бермай кетган милиция ходимларини биз қандай қилиб айблашимиз мумкин, айбни бошқа жойдан қидириш керак»¹.

«Кўпчилик милиция сафларидаги қийин аҳвол ҳақида гапирадияю, лекин ҳамма қўл қовуштириб ўтираверади. Фарғона вилоятида юқори ҳарбий лавозимни эгаллаган ходимлардан бири «милиция - бу меҳнаткаш от, ундан ҳамма фойдаланади, бироқ ҳеч ким боқишни хоҳламайди» деб гапирганида, жуда тўғри таъриф берган эди. Жойлардаги милиция бўлимлари бошлиқлари томонидан юборилган докладларнинг барчаси бу минглаб милиция ходимларининг моддий таъминотдаги аянчли аҳвол юзасидан қилган фарёдидир². Милиция бўлимларига ажратилган маблағлар (Туркистон АССР МИК Президиуми томонидан 1922 йил 4 июлда тасдиқланган) юқори инстанцияларнинг хабарисиз Бюджет кенгаши томонидан сунъий равишда қисқартирилмоқда. Ҳатто телефон хизматига тўлаш учун маблағлар етишмайди. Масалан, Қўқон уезд-шаҳар милиция бошқармасида телефон алоқаси ишламайди. Самарқанд шаҳридаги район милиция бошлиқларининг кабинетларида телефон ўрнатилмаган³. Умуман, милициянинг аҳволи жуда ёмон бўлиб, милицияда хизмат қилиш эса бирон жиноят учун жазони ўташ билан баравар»⁴.

Келтирилган иккала ҳисоботнинг муаллифи бир киши ҳамда фактнинг битта бўлишига қарамай, уларнинг мазмунидаги

¹ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 3110-иш, 17-варақнинг орқаси.

² ЎзРПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 3110-иш, 18-варақ.

³ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 3110-иш, 18-19-варақлар.

⁴ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 3110-иш, 27-варақ.

номутаносибликлар кўзга яққол ташланади. Милиция бошлиғи иккинчи ҳисоботида милиция ходимларининг қийин аҳволда эканлиги ҳамда бунинг асл сабаблари ҳақида батафсил тўхталиб, улар юзасидан ўзининг аввалги фикрларидан бошқачароқ хулосалар берали.

Туркистон АССР Жиноят-қидирув бўлими бошлиғи Китаев республика ИИХКга топширган ҳисоботи (1923 йил 20 май)да кизик бир факт юзасидан мулоҳаза юритади: «Агар биз жиноят-қидирув бўлимидаги таъминотни чор Россияси ҳукуматининг ўша пайтда жиноят-қидирув бўлимига ажратган маблағи билан солиштирадик, кулгили манзара юзага келади. Масалан, чор Россияси ҳукумати томонидан 3 ойга (1916 й. январь-март) 3100 олтин рубл, яъни бизнинг пулда 248000 рубл ажратилганди, совет ҳукумати эса 4 ойга (1923 й.) 1480 рубл ажратди, бу юқоридаги миқдорнинг 1% ни ҳам ташкил қилмайди... Ахир бундай аҳволда фаолият кўрсатиб бўлмайди»¹.

«Туркистон АССР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлигининг аҳволи ҳақида» РСФСР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлигига 1923 йил 3 июнда топширилган қисқача ахборотномада ҳам бу масалаларга тўхталиб ўтилган. Бу ахборотномада ташкилотнинг умумий фаолияти ва мавжуд муаммолар тўлалигича кўрсатиб берилган. Хусусан, унда шундай дейилади: «Туркистон АССР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги ва унинг жойлардаги бўлимларида охириги 6 ой ичида шароит жуда кескинлашиб кетган бўлиб, бу ҳолат жиддий эътибор қаратилишини талаб қилади. Моддий таъминотнинг етишмаслиги оқибатида яхшироқ кадрларни йўқотмаслик мақсадида комиссарлик йил бошидан ҳозирги кунгача фақат ходимларни ушлаб қолиш ва уларнинг вазифаларини белгилаш билан шуғулланди ҳамда юклатилган топшириқларни баҳоли-қудрат бажариб турди. Лекин энди бунинг ҳеч иложи йўқ, сабаби, штатлар миқдори жуда қисқариб

¹ УзРМДА, 340-фонд, 1-рўйхат, 46-иш, 42-варак ва унинг орқа томони.

кетди (1922 йил улар 645 та, 1923 йилнинг бошида 450 та, 1923 йил 25 августда 259 та бўлди)¹, бунинг устига, текширув ва тафтиш ишларини тушунадиган ходимларнинг аксарияти ўз хоҳишлари билан хизматдан кетиб қолмоқдалар»².

Бу пайтда Туркистонда яшаш шароити Москвага қараганда 2 баробар қиммат эди. Ишчи-деҳқон инспекцияси ходимларига маош сифатида ойига олтин рубл ҳисобида 1 даражали хизматчига 96 копейка, 13 даражали хизматчи (катта инспектор)га 3 рубл 55 копейка тўланган бўлса, бошқа хўжалик ташкилотларида худди ўша даражали хизматчиларнинг 1 ставкаси 1 даражали хизматчига ўртача 8 рубл ва 13 даражали хизматчини 29 рубл 5 копейкани ташкил этган³. Бундай шароитга ортиқ чидаб бўлмасди, моддий таъминотдаги муаммолар таъсирида бутун мамлакат доирасида иктисодий ҳамда сиёсий масалаларни назорат қилиш ва текшириш натижалари асосида тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ташкилот фаолияти таназзулга юз тутмоқда эди.

Туркистон АССРдаги бошқа вилоятларга қараганда Фарғона вилоятидаги милиция ходимларининг аҳволи ҳар жиҳатдан мураккаб ва зиддиятли тус олган эди. Туркистон АССР милицияси бошлиғи ўринбосари Г.Петров Ишчи-деҳқон милициясининг 6 йиллигига бағишланган тезислар тўпламидаги маърузаси (1923 йил 26 ноябр)да бундай таъкидлайди: «Фарғонада милиция ходимлари моддий таъминот масаласидаги қийинчиликларни бошидан кечириши билан бир пайтда, пахта далалари ва сув иншоотларини қўриқлашга ҳамда «душман унсурлари» билан бўлаётган жангларга жалб этилмоқдалар... Милиционерлар хизматдан бўш вақтларида бир парча нон топиш йўлларини қидирадилар, бошқарув органларида эса порахўрлик ҳолатлари авж олиб кетган»⁴.

¹ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 2638-иш, 101-варақ; ЎзРМДА, 41-фонд, 1-руйхат, 1714-иш, 94-варақнинг орқаси.

² ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 3126-иш, 34-варақ.

³ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 3126-иш, 37-38-варақлар.

⁴ Фарғона ВДА, 121-фонд, 2-руйхат, 91-иш, 24-варақ.

1924 йилдан бошлаб маҳаллий ҳокимият органлари, маҳаллий милиция бошқармалари милиционерларнинг иш фаолиятини такомиллаштириш мақсадида уларнинг турмушини сал бўлса ҳам яхшилаш чораларини қидира бошлади.

Лекин маҳаллий бюджет танқислиги муаммосининг кундан-кунга ошиб бориши бу ҳолатга янада салбий таъсир кўрсатиб, маҳаллий ҳокимият органлари милиция бўлимларидан катта миқдорда қарз бўлиб қолди¹, оқибатда милиция бошлиқлари милиция кадрларини қисқартиришга мажбур бўлдилар². Штатларни қисқартириш ишлари ҳеч қандай режа ва тайёргарликсиз, яъни қайси штат зарур ёки иккинчи даражалилигига қарамасдан амалга оширилди. Бу эса айрим ҳолларда пора бериш эвазига сақлаб қолишга уринишларнинг бўлишига олиб келган³.

1924 йилнинг бошида Давлат бюджетига штатлар тавсия қилинганида Туркистон АССР ИИХК ўзининг таркибида 994 та ўрин кўрсатган эди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, молия халқ комиссарлиги Марказдан Туркистон АССР учун штатлар масаласи кўриб чиқилганида 684 та ўрин ажратилганлигини рўқач қилиб қатъий туриб олди⁴. Хуллас, милицияга у сўраган 994 та ўриннинг ҳаммаси ажратилмади.

Ушбу фактлар, бир томондан, Туркистон АССР халқ комиссарликлари орасида айрим тушунмовчиликлар борлигини кўрсатса, иккинчи томондан, Марказ ўлка ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётининг барча жабҳаларига аралашганлиги ва тазйиқ ўтказганлигини кўрсатади.

Шунингдек, Туркистон АССР ИИХК Молия халқ комиссарлигига маҳаллий бюджетдан маблағ билан таъминлаш учун куйидаги таркибда ўрин ажратилишини сўрайди:

- а) Туркистон бўйича милиция органларига - 5930
- б) жинойт-қидирув бўлимига - 455
- в) жазони ўташ жойларига - 670

¹ ЎзРМДА, 86-фонд, 1-руйхат, 2433-иш, 222-варакнинг орқаси.

² ЎзРМДА, 39-фонд, 2-руйхат, 373-иш, 67-варак.

³ ЎзРМДА, 39-фонд, 2-руйхат, 408-иш, 144-варак.

⁴ ЎзРМДА, 39-фонд, 2-руйхат, 510-иш, 2-варак.

г) маҳаллий хўжалик бўлимларига - 1236

д) қишлоқ, волост ва овул ижрокўмларига - 8223.

Бутун Туркистон АССР бўйича - 16514.

Шу ўринда айтиш мумкинки, Туркистон АССР ИИХК ўз штатларини тасдиқлаш учун албатта Москвага мурожаат этарди. Бу мурожаатлар, бошқа жабҳаларда бўлгани сингари, ўз ечимини топишида бир қанча тўсиқларга дуч келарди ва кўпинча ижобий ҳал килинмасди.

Туркистон АССР ХКС, Молия халқ комиссарлиги ва ИИХК ўртасида штат масаласида узоқ тортишувлардан кейин ҳам битта ечимга келинмади. Ушбу муносабат билан Туркистон АССР ИИХКнинг ўринбосари К.Малышев хат билан кўп маротаба Марказга мурожаат қилишига қарамай, бу уринишлар ҳеч қандай самара бермади¹.

Бутунроссия МИК раёсати тасдиқлаган Низом бўйича Туркистон АССРда 1921 йилда 7759 нафар милиция ходими бор эди². 1924 йилнинг 1 январига қадар уларнинг миқдори 2 баробар қисқартирилиб, 3463 нафарни ташкил этди³. Шу сабабли Туркистон АССРдаги милиция бўлимининг бошлиғи Қурбонов ўзининг ҳисоботида юқоридаги фактларни инobatга олиб, 3123 та милиция ходимини маблағ билан таъминлашни қандай бўлмасин давлат ҳисобига ўтказиш кераклигини тушунтиради⁴.

Хусусан, Туркистон АССР ИИХК Милиция бўлимининг масъул ходими томонидан 1924 йил 27 майда тайёрланган қисқача ҳисоботда қуйидагилар кўрсатилган, «Маҳаллий ҳокимиятда етарли маблағ йўқ, бюджет танқислиги туфайли милиция ходимлари штатини қисқартиришга тўғри келди, яъни миқдорни камайтириш эвазига сифат ўзгаришига эришиш кўзда тутилди, бироқ бари бир кўзлаган мақсадга эришиб бўлмади»⁵.

Жараёнлар бундай кечишининг сабабини тушуниш қийин эмас. Чунки милиция ходимлари зиммасига қўшимча мажбу-

¹ ЎзРМДА, 39-фонд, 2-рўйхат, 510-иш, 26-варақ.

² ЎзРМДА, 339-фонд, 1-рўйхат, 305-иш, 218-варақнинг орқаси.

³ ЎзРМДА, 39-фонд, 2-рўйхат, 373-иш, 67-варақ.

⁴ ЎзРМДА, 39-фонд, 2-рўйхат, 510-иш, 67-варақ.

⁵ ЎзРМДА, 86-фонд, 1-рўйхат, 2433-иш, 216-варақ.

рийтлар юкланди, уларнинг моддий аҳволи баттар оғирлашди, милиционерлар махсус кийим-кечак билан умуман таъминланмади, меҳнат шароитлари ниҳоятда оғир бўлган бир пайтда уларнинг фаолиятида самарали ўзгаришлар рўй бериши мумкин эмас эди. Албатта, бундай шароитда милиция ходимларига нисбатан интизомий жазо чораларининг қўлланиши ҳам қутилган натижани бермади, аксинча, кўпчилик милиционерлар орасида хизматни ташлаб кетиш ҳоллари оммавий тус олди. Архив ҳужжатларида ушбу мазмундаги материаллар кўплаб учрайди. «Бир неча ойлар мобайнида маошларини ўз вақтида ололмагач, милиция сафида хизмат қилишни истайдиган кишилар деярли топилмай қолди»¹.

Милиция ходимлари орасида қўнимсизлик ҳолати авж олди, энди милиция сафини тўлдириш учун «дордан қочган» одамлар (илгари бадном бўлган, бошқа жойларда ишга олинмаган кишилар) ички ишлар хизматига жалб этила бошланди. Натижада милиция ходимлари орасида жиноят содир этиш ҳоллари, порахўрлик², ичкиликбозлик авж олди³. Масалан, 1923 йилнинг 1 августидан 1924 йилнинг 1 январига қадар милиция ходимлари орасида қўйидаги жиноятлар содир этилади: порахўрлик - 34, хизмат вазифасини бажариш пайтида рўй берган зўравонлик - 15, ҳокимиятнинг фаолиятсизлиги - 11, камомадга йўл қўйиш - 9, тергов пайтида ҳокимиятни суиистеъмол қилиш - 6, хўжалик жиноятлари - 3. Хуллас, бу даврда милиция ходимлари томонидан ҳаммаси бўлиб 78 марта жиноят содир этилгани аниқланди⁴. Бироқ булар фақат рўйхатга олинган жиноятлар, холос. Агар Туркистон минтақасининг чекка жойларида ойлаб ва йиллаб маош олмаётган милиционерларнинг нималар ҳисобига кун кечираётганликларини тахминан кўз олдимизга келтирсак, жиноятчилик миқдори бундан ҳам кўплигига шубҳаланмаса бўлади.

Бу мулоҳазалардан милиция ходимлари ёппасига жиноятчи экан ёки улар ўзларининг вазифаларини сидқидилдан адо этмаган,

¹ ЎзРЦДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1421-иш, 49-варак.

² Фарғона ВДА, 121-фонд, 2-руйхат, 91-иш, 24-варак; ЎзРЦДА, 60-фонд, 1-руйхат, 4295-иш, 34-варак; ЎзРГИИВА, 432-фонд, 4-руйхат, 18с-иш, 53-варак.

³ ЎзРЦДА, 60-фонд, 1-руйхат, 1324-иш, 32-33 вараклар; 1421-иш, 49-варак.

⁴ ЎзРМДА, 86-фонд, 1-руйхат, 2433-иш, 217-варак.

деган қатъий хулосага келмаслик керак. Чунки уларни ушбу жинойтларни содир қилишга ундайдиган жиддий ижтимоий сабаблар бўлган. Яна фактларга мурожаат қиладиган бўлсак, Туркистон АССР милициясининг бошлиғи Асанбаев Туркистон АССР ИИХКга юборган маърузасида, ўлка милициясидаги моддий таъминотнинг аянчли аҳволини куюнчаклик билан куйидагича таърифлайди: «Туркистон милиционерлари камбағалликдан тиланчилик қилишмоқда. Уларнинг қорни оч, бола-чақасини боқолмай қолганидан ўзларини ўлдиришга ҳам тайёрдирлар (ўлдирганлари ҳам бор)¹, узоқ муддат мобайнида қорни тўйиб овқат емаганидан айрим милиция ходимлари кўчаларда ҳолдан тойиб, пул топиш мақсадида вагонлардан юк туширишга мажбур бўлишмоқда. Бунинг устига милиция ходимлари хизмат пайтида, тинтув ва қамокка олиш ишларини олиб бораётганларида ўғрилик содир этишмоқда, масалан жинойтчининг уйини тинтув қилишга жўнатилган милиционер кумуш соатни ўғирлаб олади ва ўз ҳаракатини «оч бўлганим учун шундай қилдим»², дея тушунтиради. Милиция сафида оддий хизматчилардан тортиб, бошлиқларгача порахўрлик билан шуғулланишади...»³. Жуллас, бу ўринда изох ортиқча.

Бу масала олдин ҳам бир неча маротаба Марказгача кўтарилган бўлиб, ҳатто СССР МИК Президиуми раиси М. И. Калинин ва бошқа бир қанча юқори инстанцияларга мурожаат қилинган эди⁴. Лекин шундай бўлса ҳам, таъминот масаласи ўз ечимини топмай, бу пайтда милиционерлар кун кўришлари учун фақат ўзлари ҳаракат қилишлари, мабодо улар бўшанглик ва ношудлик қилишса ҳатто очикдан ўлишлари ҳам мумкин бўлган.

Шу ўринда назорат органларида ишловчи ходимларнинг этник таркиби ҳақидаги маълумотларни келтириш билан ушбу тадқиқот ишини якунламоқчимиз. 1924 йил охирларида Фарғона

¹ ЎзРМДА, 86-фонд, 1-руйхат, 2433-иш, 222-варақ.

² ЎзРИИВА, 39-фонд, 1-руйхат, 78-иш, 41-42-варақлар.

³ ЎзРМДА, 39-фонд, 2-руйхат, 408-иш, 26-варақ.

⁴ ЎзРПДА, 60-фонд, 1-руйхат, 3110-иш, 10-11-варақлар.

вилоятидаги мавжуд 212 нафар милиционерлардан 70 таси руслар, 50 таси ўзбеклар, 41 таси тожиклар, 6 таси қозоқлар, 8 таси қирғизлар, 16 таси татарлар, 2 таси форслар, 7 таси арманлар, 12 таси бошқа халқларнинг вакиллари бўлган. Тошкентдаги 865 нафар милиционерлардан 486 таси руслар, 295 таси ўзбеклар, 3 таси тожиклар, 10 таси қозоқлар, 33 таси татарлар, 5 таси туркманлар, биттаси поляк, 3 тадан латишлар ва арманлар, 6 таси яҳудийлар, 20 таси бошқа халқларнинг вакиллари эди. Хуллас, бу пайтда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги 2002 нафар милиционерларнинг 948 таси ўзбеклар, 617 таси руслар, қолгани бошқа халқларнинг вакиллари бўлишган¹.

Туркистон АССР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги таркибидаги ходимларнинг миллий таркиби куйидагича бўлган: 13,3% мусулмонлар, 73% руслар, 5,2% поляклар, 5,2% яҳудийлар, 3,5% бошқа халқларнинг вакиллари. Инспекция ходимларининг ижтимоий келиб чиқиши тўғрисида тўхталиб ўтадиган бўлсак, уларнинг 36,4% ишчилар, 23% деҳқонлар, 26,4% мешчанлар (шаҳарлик хизматчилар), 9,2% дворянлар (бадавлат кишилар)дан иборат эди².

Шундай қилиб, иқтисодий муаммолар ўз вақтида оқилона ҳал этилмаса, ижтимоий муаммолар пайдо бўлаверади. Тарихда рўй берган аксарият инқилобий портлашлар мулкий тенгсизлик оқибатида рўй берганини яхши биламиз. Йўқчилик, ночорлик ва қашшоқлик нафақат фуқароларни, балки назорат органлари ходимларини ҳам жиноят кўчасига етаклайди. Албатта, биз очлик, қимматчилик ва қаҳатчилик оқибатида жиноятга қўл урган ички ишлар ходимларини оқлаш фикридан йироқмиз, лекин уларнинг иқтисодий аҳволи ва хатти-ҳаракатини ҳам тушуниш керак.

Назорат органлари ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги зиддиятлар биринчи галда уларнинг фаолиятига салбий таъсир ўтказган бўлса, бу қўнимсизликларнинг барчаси ҳар томонлама эзилган оддий фуқароларнинг бошидаги кулфатларни туқурлаштириб юборди. Чунки халқ тинчлиги, осойишталиги ва

¹ ЎзРИИВА, 432-фонд, 4-руйхат, 18с-иш, 426-варақ.

² ЎзРМДА, 25-фонд, 1-руйхат, 685-иш, 110-варақ.

ҳуқуқий тартиботни таъминлаш ҳамда ўлкадаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитни «марказлаштириш» учун хизмат қилиши керак бўлган мазкур ташкилотларда бундай салбий ҳолатларнинг мавжудлиги, ўзларининг хавфсизлигини уларнинг қўлига топширган маҳаллий халқнинг аҳволини баттар оғирлаштирди.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистон АССРдаги назорат органлари ҳисобланган Милиция Бош бошқармаси ва Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги таркибини малакали ва тажрибали кадрлар билан таъминлаш масаласи тадқиқ этилаётган бутун давр мобайнида кескин ва долзарб муаммо сифатида сақланиб қолган. Бу ҳолат, хусусан, милиция ходимлари фаолияти учун хос бўлган. Бу ҳолатнинг жиддий сабаблари мавжуд бўлиб, у энг аввало совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги оғир иқтисодий аҳвол, иқтисодиётнинг тушкунлик ва инкирозга учраши, совет ҳокимияти сиёсатидаги қўпол хатолар, сиёсий ва ҳарбий вазиятнинг кескинлашуви, Туркистонда совет режимига қарши қуролли ҳаракатнинг кучайиши, моддий таъминотдаги узилишлар, милиционерлар иш ҳақининг пастлиги ва улар учун белгиланган турли имтиёзларнинг амалда жорий қилинмаганлиги ва бошқа омиллар билан белгиланади. Совет ҳокимияти минтақада мустаҳкамлангач, милиция таркибини тажрибали ва малакали кадрлар билан кучайтириш масалаларини ҳал қилишга киришган. Туркистон АССРга Марказдан доимий равишда ходимлар жўнатилган. Бироқ улар большевиклар партияси топшириқларини «қулоқ қоқмай» сўзсиз бажаришдан нарига ўтмаган. Бунинг устига Туркистон АССРда милиция ходимларини тайёрлайдиган махсус мактаблар бу даврда ташкил қилинмаган. РСФСРнинг марказий шаҳарларидаги бундай мактабларда туркистонликлар деярли таҳсил олишмаган. Маҳаллий халқлар вакилларининг милиция сафларидаги иштирокини ҳам қониқарли деб бўлмайди. Тадқиқ этилаётган даврнинг сўнгги йилларида милиция ходимларининг моддий таъминоти ва ойлик маоши аста-секинлик билан яхшиланиб борган.

Туркистон АССР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлигида ҳам кадрлар билан таъминланиш масаласида

юқоридаги ҳолатга ўхшаш вазиятни кўриш мумкин. Инспекция таркибидаги кадрлар орасида ҳам кўнимсизлик, турли ташкилотларни текшириш (назорат қилиш) жараёнида ўз хизмат лавозимини ташлаб кетиш, ишдан бушаш ҳолатлари учрайди. Бу пайтда Марказдан фарқли равишда (РСФСР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлигини И.В.Сталин бошқарган) Туркистон АССРдаги инспекция органлари совет, партия, хўжалик ташкилотлари устидан тўлиқ назоратни ўрната олмаганлар. Туркистон АССР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги (комиссарликни сўнгги йилларда уша даврнинг таникли сиёсий арбобларидан бири Фанихон Ҳомудхонов бошқарган) таркибида ва унинг жойлардаги бўлимларида туб халқларнинг вакиллари ҳам хизмат қилишган.

ХУЛОСА

Октябр тўнтаришидан сўнг Туркистонда ўрнатилган совет тузуми ўзининг ҳукмронлигини ҳар томонлама мустаҳкамлай бошлади. Ўзини ишчи ва деҳқонлар ҳукумати деб эълон қилган совет ҳукумати меҳнаткаш халқ манфаатларини ҳимоя қилиш ўрнига большевиклар якка ҳукмронлигига асосланган пролетариат диктатурасини ўрнатиб, янги ҳокимиятни кўриқловчи ҳукуқ-тартибот ва бошқа органларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратди.

Совет давлат аппаратининг муҳим бўғинларидан бири сифатида Туркистон АССРда ташкил этилган Ишчи-деҳқон милицияси янгича бошқарув тизимини ҳимоя қилишга даъват этилган ишчи ва деҳқонларнинг синфий ташкилоти тарзида бунёд этилди. Туркистонда Ички ишлар халқ комиссарлиги ҳузурида Милиция Бош бошқармаси таъсис этилганидан кейин милиция ходимларининг иш юритиши ва фаолиятини белгилаб берувчи қонунлар тўплами - Ишчи-деҳқон милициясининг Низоми Туркистон АССР ИИХК томонидан қабул қилинди. Жамиятнинг барча соҳаларида милиция ўрнини белгилаш мақсадида унинг таркибида жиноятқидирув, темир йўл, саноат, сув ва маҳкама милицияси бўлимлари тузилди, шу билан бирга, ўлкадаги сиёсий вазиятдан келиб чиқиб, Туркистонда авж олаётган совет режимига қарши қуролли ҳаракатга қарши курашиш учун махсус кўнгилли милиция отрядлари ҳам (асосан маҳаллий аҳоли ҳисобига) ташкил этилди.

Туркистонда фаолият юритган Ишчи-деҳқон милицияси жиноятчиликка қарши курашиш билан бир пайтда Марказ томонидан Туркистон АССР ИИХКга юборилган қарор, буйруқ, фармойиш ва кўрсатмаларни ҳаётга татбиқ этишда асосий рол ўйнади. Марказнинг кўрсатмасига биноан тузилган кўнгилли милиция отрядларидан эса фақат ўлкада авж олган қуролли ҳаракатга қарши курашишда фойдаланилди.

Умуман олганда, тадқиқ этилаётган даврда Ишчи-деҳқон милициясининг фаолияти кўплаб зиддиятли ҳолатлар билан кечди, бир томондан, мавжуд тузум ундан ўз ҳокимиятини амалга оширишда асосий бўғин сифатида фойдаланган бўлса,

иккинчидан, милиция органларининг асосий вазифаси бўлмиш халқ осойишталигини таъминлиш борасидаги фаолияти ҳам қониқарли даражада олиб борилмади. Милиция бошлиқлари ва ходимларининг билим ва малакалари пастлиги, уларнинг етарли тажрибага эга эмаслиги, моддий таъминот масаласидаги муаммоларнинг ўз вақтида ечилмаслиги оқибатида милиция сафларида порахўрлик, таъмагирлик, ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш ва ичкиликбозлик сингари ёмон иллатлар кучайиб кетди. Бу салбий ҳолатлар совет милициясининг кейинги даврларида ҳам сақланиб қолди.

Бутун мамлакатда бўлгани каби Туркистон АССРда ҳам партия раҳнамоларининг бошчилигида асосан ишчи ва деҳқонлардан иборат бўлган Давлат назорати ташкилоти тузилди. Мазкур ташкилотнинг фаолиятини такомиллаштириш мақсадида у Туркистон АССР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлигига айлантирилди. Ишчи-деҳқон инспекциясининг ваколатлари жуда кенг бўлиб, у барча давлат ҳокимияти органлари, муассаса ҳамда корхоналарда, шунингдек, партия ташкилотлари ва хўжалик органларида тафтиш ишларини олиб бориб, кўплаб тартибсизликлар, чалкашликлар, қоғозбозлик ҳолатлари, давлат бойлигини талаш, фирибгарлик, мансабни суиистеъмол қилиш сингари жиноятларни фoш этди ва улар юзасидан тегишли жазо органлари орқали чоралар кўришга ҳаракат қилди.

Шундай бўлгани ҳолда тадқиқ этилаётган даврда Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлигининг фаолиятида ҳам бир қатор камчилик ва нуқсонлар кузатилди, яъни ўлказилаётган тафтишлар пайтида инспекция ходимларининг хизматдан кетиб қолиши, инспекторларнинг ўз ишига совуққонлик билан муносабатда бўлиши натижасида бошланган айрим текширувлар охирига етказилмади. Бундай ҳолат ҳукм суришини инспекция соҳасидаги кадрларнинг билим ва тажрибаси пастлиги, малакали кадрларнинг етишмаслиги, ойлик маошнинг жуда камлиги сабабли малакали ходимлар хизмат қилишни хоҳламаганликлари билан изоҳлаш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, моддий таъминот масаласидаги зиддиятли муаммолар негизида Туркистон АССР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлигининг фаолияти ҳам сустлашиб кетди.

Ҳар бир ташкилотнинг иш юритиш услуби ва фаолияти унинг бошқарув тизими ва ундаги кадрларнинг билими ҳамда малакаси билан боғлиқ ҳодиса бўлгани сингари назорат органларининг фаолияти ҳам кадрлар билан таъминланиш масаласидаги кўплаб номутаносибликлар ва зиддиятли ҳолатлар билан кечди. Туркистон ўлкасида назорат органлари раҳбарлари ва ходимлари тайёрланадиган битта ҳам махсус мактаб очилмади, бу ташкилотларнинг бошлиқлари асосан Марказдан юборилган бўлиб, улар фақат Марказдан жунатиладиган «партия» кўрсатмасини бажаришга даъват этилган эди.

Нazorat органларининг моддий таъминоти масаласи эса гадқик этилган йилларда доимо энг оғир ва кескин муаммо бўлиб, Туркистон АССРдаги бу ташкилотларнинг бутун фаолиятига салбий таъсир ўтказган бўлса, бу қўнимсизликларнинг барчаси ҳар томонлама эзилган оддий фуқароларнинг бошидаги кулфатларни чуқурлаштириб юборди. Чунки халқ тинчлиги, осойишталиги ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш ҳамда ўлкадаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитни барқарорлаштириш учун хизмат қилиши керак бўлган мазкур ташкилотларда бундай салбий ҳолатларнинг мавжудлиги, ўз муҳофазаси ва жамият хавфсизлигини бу органлар қўлига топширган маҳаллий халқнинг аҳволини баттар оғирлаштирди.

Бироқ Туркистон АССРдаги Ишчи-деҳқон милицияси (Милиция Бош бошқармаси) ва Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги минтақада совет ҳокимиятини қарор топтириш ва мустаҳкамлаш учун «асосий» вазибаларни бажаришда коммунистик партиянинг топшириқларини амалга оширган. Бу пайтда тартибни сақловчи ва назорат қилувчи органлар ҳисобланган бу ташкилотлар ҳали совет давлатининг катагон сиёсатини амалга оширувчи асосий сиёсий ва ҳарбий тузилмалари (қизил армия, ВЧК, ГПУ, ОГПУ, кейинчалик НКВД, КГБ ва б.)дан кескин фарқ қилган. Хусусан, тадқиқ этилаётган даврда Туркистон АССР ИИХК таркибидаги Милиция Бош бошқармаси фаолиятини кейинчалик кучайиб кетган ва совет ҳокимиятининг асосий катагон қуролига айланган СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги (НКВД СССР) ва унинг жойлардаги бўлимлари фаолияти билан солиштириш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг фаолиятини янги мезонлар асосида ташкил қилиш ва такомиллаштириш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги структурасига жиддий ўзгартиришлар киритилди (1991 йил сентябр), Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги (1991 йил 6 сентябр), Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати (1991 йил 26 сентябр), Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси (1992 йил 8 январ), Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари (1992 йил 14 январ), Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси (1992 йил 30 январ) каби мустақил давлатчиликнинг асосларини ҳимоя қиладиган ташкилотлар тузилди. Ички ишлар органлари ходимлари тайёрланадиган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси (1994 йил 2 сентябр), Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин Хавфсизлиги Олий Техник мактаби, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қошидаги Тошкент ҳарбий техник олий билим юрти сингари олий ўқув юртлари ташкил этилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари Академияси (1994 йил 15 август) ҳам тузилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги (1997 йил 25 июн) Фармони эълон қилинди. Ушбу фармонга асосан ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимида бир қатор жиддий ўзгартиришлар амалга оширилди.

Ўтган давр ичида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисида миллий қонунчилик тизимини ташкил этувчи юздан ортиқ қонунлар қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 40 қа яқин халқаро шартномаларга қўшилди. Ўзбекистонда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили - омбудсман (1995 йилдан) фаолият кўрсата бошлади. Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ (1996 йил 31 октябрда тузилган) фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чакирик VI сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан сўзланган нутқда эса «соғлом жамият учун жиноятчини жазолашдан кўра жиноятнинг олдини олиш муҳим эканлиги» алоҳида кўрсатилди¹. Шу билан бирга, маърузада Ўзбекистонни демократия ва тараққиёт йўлидан мустақил ривожлантириш юзасидан ўтган йиллар ичида амалга оширилган туб ўзгартиришларнинг муҳимлиги таъкидланиб, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларини инсонпарварлик, адолат, ҳуқуқий фуқаролик жамияти принципларига мувофиқ равишда эркинлаштириш масаласига эътибор берилди.

¹ Қаранг: *Каримов И.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. - Т.: Ўзбекистон. 2002. -Б. 26-52.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов асарлари

1. *Каримов И.* Ўзбекистон ХХІ аср бусағасида: хавфсизлик-ка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997. - 326 б.

2. *Каримов И.* Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т. 5. - Т.: Ўзбекистон, 1997. - 384 б.

3. *Каримов И.* Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998. - 687 б.

4. *Каримов И.* Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. - Т.: Ўзбекистон, 1998. - 32 б.

5. *Каримов И.* Тарихий хотирасиз келажак йук. -Т.: Ўзбекистон, 1998. - 32 б.

6. *Каримов И.* Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмади. Т. 13. - Т.: Ўзбекистон, 2005. - 445 б.

Эълон қилинган ҳужжатлар ва материаллар тўпламлари

1. Из истории ВЧК (1917-1921 гг.). Сборник документов. - М.: Госполитиздат, 1958. - 512 с.

2. Материалы 1-го Всетуркестанского (объединенного) Съезда заведующих областными и уездно-городскими отделами управлений, начальников милиции и заведующих городскими Коммунальными отделами, состоявшегося 11-18 июня 1922 г. - Т.: Изд. НКВД, 1922. - 64 с.

3. Мусбюро РКП(б) в Туркестане. 1, 2 и 3 - Туркестанские Краевые Конференции РКП 1919-1920 гг. С введением тов. Рыскулова. - Т.: Туркгосиздат, 1922. - 94 с.

4. Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. - Т.: Изд. АН УзССР, 1963. Т. 1. Установление Советской власти в Узбекистане. - 660 с.

5. Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. - Т.: Фан, 1972. Т. 2. Установление Советской власти в Узбекистане. - 608 с.

6. Положение о Советской Рабоче-крестьянской милиции Туркестанской Республики Советской Федерации. 111 с. (Б. И. и города).

Архив ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви (Ўзбекистон МДА).

1. 1-фонд - Ўрта Осиё Меҳнат ва Мудофаа кенгаши бошқармаси.

2. 17-фонд - Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитаси (МИҚ) Советлари.

3. 18-фонд - Туркистон Иқтисодий Кенгаши (ТЭС).

4. 25-фонд - Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети.

5. 38-фонд - Туркистон АССР Адлия халқ комиссарлиги.

6. 39-фонд - Туркистон АССР Ички ишлар халқ комиссарлиги (НКВД).

7. 41-фонд - Туркистон АССР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги.

8. 86-фонд - Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси Советлари.

9. 87-фонд - Ўзбекистон ССР Муваққат Инқилобий Қўмитаси (Ўзревком).

10. 339-фонд - Туркистон АССР Ички ишлар Халқ Комиссарлиги ҳузуридаги Милиция Бош бошқармаси (ГУМ).

11. 340-фонд - Туркистон АССР ИИХК тасарруфидаги Марказий Жиноят-қидирув бошқармаси.

12. 343-фонд - Туркистон АССР Олий Суди.

13. 344-фонд - Туркистон АССР Ҳарбий инқилобий трибунали.

14. 345-фонд - Туркистон округи Темир йўллар Инқилобий ҳарбий трибунали.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Архиви (Ўзбекистон РПДА).

1. 60-фонд - Туркистон Компартияси Марказий Комитети (ТКП МК).

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги архиви (ЎзРИИВА).

1. 432-фонд - Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги.

Тошкент вилояти давлат архиви (Тошкент ВДА).

1. 47-фонд - Ўзбекистон ССР Тошкент уезди Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги.

2. 777-фонд - Туркистон АССР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлигининг Сирдарё вилояти бўлими.

Фарғона вилояти давлат архиви (Фарғона ВДА).

1. 121 фонд - Фарғона вилояти ишчи, крестьян ва қизил аскар депутатлари Совети ижроия қўмитаси.

Даврий матбуот.

Газеталар: Известия ВЦИК Советов (Москва), 1922. Известия ТуркЦИК (Ташкент), 1920. Наша газета (Ташкент), 1919. Туркестанская правда (Ташкент), 1924.

Журналлар: Рабоче-крестьянская милиция (Москва), 1922. Административный вестник (Москва), 1925. Вестник НКВД (Москва), 1918. V.

Адабиётлар.

1. *Агзамходжаев А., Уразаев З. Ш.* Развитие Советской государственности в Узбекистане. - М.: 1960. - 125 с.

2. *Алимова Д. А., Голованов А. А.* Ўзбекистон мустабид совет тузуми даврида: сиёсий ва мафқуравий тазйиқ оқибатлари (1917-1990 йй.). - Т.: Ўзбекистон. 2000. - 75 б.

3. *Алламурадов Д.* Деятельность Советов Узбекистана по восстановлению народного хозяйства Республики. - Т.: Наука, 1965. - 156 с.

4. *Аминова Р. Х.* Аграрные преобразования в Узбекистане в годы перехода Советского государства к НЭПу. - Т.: Наука, 1965. - 347 с.

5. *Арипов Р., Мильштейн Н.* Из истории органов безопасности Узбекистана (Документальные очерки истории 1917-1930). - Т.: Узбекистан, 1967. - 182 с.

6. *Атаджанов А.* Организация и деятельность РКИ в Туркестане. - Т.: Фан, 1972. - 114 с.

7. *Аъзамхўжаев С.* Туркистон Мухторияти: миллий демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. - Т.: Маънавият, 2000. - 168 б.

8. *Белоус В.* Организационные формы охраны собственности государством до создания вневедомственной охраны в системе МВД СССР (1917-1952 гг.). // История государства и права. 2002, №1. - С. 62.

9. *Бойжонов Р.* Туркистонда Октябрь революцияси историографиясига доир (1917-1967 й.). - Т.: Ўзбекистон, 1969. - 280 б.

10. *Братющенко Ю.* НЭП в милицейской шинели. // Советская милиция, 1991, №8. - С. 36-37.

11. *Власов А.* Формирование системы образования милиции в 30-е годы. // История государства и права. 2002, №1. - С. 61.

12. *В. И. Ленин.* Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида. -Т.: Ўзбекистон, 1984. - 800 б.

13. *Гордиенко А.* Образование Туркестанской АССР. -М.: Наука. 1968. - 312 с.

14. *Джалилов Т. А.* На страже народных интересов (Из истории борьбы советской милиции за укрепление власти Советов в Туркестане, 1918-1924 гг.). - Т.: Госиздат УзССР, 1963. -79 с.

15. *Джалилов Т. А.* Верные отчизне. - Т.: Узбекистан, 1968. - 158 с.

16. *Джалилов Т. А.* Из истории рабоче-дехканской милиции Узбекистана. - Т.: Узбекистан. 1969. - 87 с.

17. *Джалилов Т. А.* Страницы истории милиции Хорезма и Бухары. -Т.: Узбекистан, 1970. - 80 с.

18. *Дорохова Г. А.* Рабоче-крестьянская инспекция в 1920-1923 гг. - М.: Госюриздат, 1959. - 184 с.
19. *Еропкин М. И.* Краткий очерк развития организационных форм советской милиции (1917-1930). -М.: 1957. - 76 с.
20. *Еропкин М. И.* Развитие органов милиции в Советском государстве. - М.: 1967. - 87 с.
21. За 8 лет. Материалы из истории советской рабоче-крестьянской милиции и уголовного розыска за 1917 - 12 ноября 1925 гг. - Ленинград: 1925. - 114 с.
22. *Зиёева Д.* Туркистон миллий озодлик ҳаракати (Мустабид тузумга қарши 1916 йил ва 1918-1924 йиллардаги халқ курашлари тарихшунослиги). - Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. -176 б.
23. *Ибодинов А.* Қўрбоши Мадаминбек. -Т.: Ёзувчи, 1993. - 60 б.
24. История гражданской войны в Узбекистане. В двух томах. Т.1. - Т.: Наука, 1964. -440 с.; Т.2. - Т.: Фан, 1970. - 364 с.
25. *Иконников С. Н.* Организация и деятельность РКИ в 1920-1925 годах. -М.: Изд. АНССР, 1960. - 215 с.
26. *Каримов Р. Х.* Узбекистан в период восстановления народного хозяйства СССР (1921-1925 гг). - Т.: Узбекистан, 1974. - 196 с.
27. *Казакевич М.* Милиция остаётся на посту. -Симферополь.: Крым. 1963. - 167 с.
28. *Кельдыев Т. Х.* Разгром контрреволюции в Ферганской и Самаркандской областях Туркестанской АССР. - Т.: Госиздат УзССР, 1959. - 150 с.
29. *Киссис И.* Основные этапы истории Советской милиции. - М.: 1965. - 78 с.
30. *Коваль И. Я.* Жестокая борьба (Из истории Московского уголовного розыска 1917-1919 гг.). -М.: 1963. - 61 с.
31. *Коканбаев А.* Борьба с басмачеством и упрочение советской власти в Фергане - Т.: Госиздат, 1958 - 116 с
32. *Кузнецова Н. Ф.* Вопросы истории советского уголовного законодательства. // Вестник Московского университета. Серия 11, Право, 3-вып, 1991. - С. 35.

33. Манелис Б. А. Из истории государственно-правовых взаимоотношений Туркестанской АССР и РСФСР. - Т.: Фан, 1966. - 88 с.

34. Мильштейн Н.Я. Из истории Туркестанской ЧК. - Т.: Наука, 1965. - 38 с.

35. Мулукаев Р. С. Советская автономия. - М.: 1960. - 48 с.

36. Мулукаев Р.С. Советская милиция и исправительно-трудовые учреждения. - М.: 1965. - 96 с.

37. Мустафо Чуқай ўғли. Истиклол жаллодлари (1917 йил хотиралари). Нашрга тайёрловчи Б. Косимов. - Т.: Фафур Фулом нашриёти, 1992. - 80 б.

38. Назаров С. Из истории деятельности Средазбюро ЦК РКП(б) (1922 - 1924 гг.). -Т.: Узбекистан, 1965. -118 с.

39. Николаев П. Ф. Омская милиция в первые годы Советской власти - Омск.: 1959 - 119 с.

40. Николаев П. Ф. Кузница милицейских кадров. -Омск.: 1960. - 80 с.

41. Николаев П. Ф. Советская милиция Сибири (1917-1917 гг.). - Омск.: 1967. - 291 с.

42. Нуруллин Р. А. Советы Туркестанской АССР в период иностранной военной интервенции и гражданской войны. - Т.: Наука, 1965. - 288 с.

43. Новодворский А. Из истории деятельности ЦКК-РКИ в Узбекистане. // Общественные науки в Узбекистане. 1964. №6.

44. Норжигитова Н. Шафқат қилинмасин отилсин. // Қонун химоясида. 2002. № 11. -Б. 18-21.

45. Пиндюрина Н., Акоюн А. В суровые годы военной интервенции и гражданской войны (1918-1920 гг.) // Советская милиция, 1957, №8. - С. 48.

46. Раджапова Р. Я. и др. История Узбекистана (1917-1993 гг.). Учебник для 9-класса. - Т.: Ўқитувчи, 1995. - 344 с.

47. Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917-1924 йиллар). -Т.: Университет, 2002. - 156.

48. Ражабов Қ. Мадаминбек. / Ўзбекистон миллий энциклопедияси. - Т.: ЎЗМЭ нашриёти, 2003. Т.5. 368-369 б.

49. *Ражабов К.* Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917-1935 йй.). - Т.: Ўзбекистон, 2000. - 32 б.
50. *Ражабов К.* Бир мақсадли икки Эргаш. // Мулоқот, 2000, №2. Б. 33-36.
51. *Рыскулов Т.* Революция и коренное население Туркестана. Сборник статей, докладов, речей и тезисов с предисловием автора. Часть I. 1917-1919 гг. - Т.: Узбекгосиздат, 1925. - 218 с.
52. *Сафаров Г.* Колониальная революция (Опыт Туркестана). - М.: Госиздат, 1921. - 147 с.
53. *Синицын П.* История Советской рабоче-крестьянской милиции (по Саратовской губернии). - Саратов: 1924. -87 с.
54. Советская милиция: история и современность (1917-1987). Под. ред. А. В. Власова. - М.: Юрид. лит., 1987. - 336 с.
55. *Таумуратов Н.* Органы внутренних дел Республики Каракалпакистан в годы независимости: (страницы истории МВД РК). - Нукус: Каракалпакистан, 2003. -128 с.
56. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор Р. Я. Ражабова. -Т.: Шарк. 2000. - 672 с.
57. *Хакимов М.Х., Серый Я.М.* Борьба большевиков за создание национальной Советской государственности в Туркестане. -Т.: Узбекистан, 1964. - 131 с.
58. Халқ хизматида 75 йил. Масьул муҳаррир Ҳ. Раҳимов. - Т.: Ўзбекистон, 1992.
59. *Уразаев З.* Туркестанская АССР и ее государственно-правовые особенности. - Т.. Госиздат УзССР, 1958. - 218 с.
60. *Уразаев З.* Туркестанская АССР - первое социалистическое государство в Средней Азии. -М.: Госюриздат, 1961. - 179 с.
61. *Уразаев З.* В.И. Ленин и строительство Советской государственности в Туркестане. - Т.: Фан УзССР, 1967. - 518 с.
62. *Филатов В. П.* Ленинградская милиция в период обороны города. - М.: 1965. - 66 с.
63. *Шамбаров В.* Государство и революция. -М.: Алгоритм, 2001.

64. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М. Жўраев. - Т.: Шарк, 2000. - 688 б.

65. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 й). 10-синф ўқувчилари учун дарслик. Масъул муҳаррир Д. Алимова. - Т.: Шарк, 2000. - 416 б.

66. Ўзбекистон тарихи (Олий ўқув юртларининг номутохасис факультетлари талабалари учун дарсликлар). Р. ў. Муртазаеванинг умумий таҳрири остида. -Т.: Янги аср авлоди, 2003. -675б.

67. *Alexandr G. Park*. Bolshevism in Turkestan 1917-1927/ Columbia University Press. -New York, 1957.

68. *Caroe Olaf*. Soviet Empire. The Turks of Central Asia and Stalinism. - London Macmillon and Co Ltd. New York st Martins Press, 1954.

69. *Marco Buttino*. La rivoluzione capovolta. - Napoli, 2003. P. 491.

70. *Pipes Richard*. The formation of the Soviet Union: Communism and Nationalism, 1917-1923/ Cambridge, Mass. Harward University Press. 1957.

71. *Geoffrey Wheeler*. The modern history of Soviet Central Asia. - London. Weidenfeld and Nicolson, 1964.

Диссертация ва авторефератлар.

1. *Абдуллаев Р.* Национальные политические организации Туркестана в 1917-1918 годы. Автореф. дисс. докт. ист. наук. - Т., 1998. -62 с.

2. *Агзамходжаев С.* Туркистон Мухторияти: борьба за свободу и независимость (1917-1918 гг.). Автореф. дисс. докт. ист. наук. - Т., 1996. - 62 с.

3. *Алимов Х.* Административная деятельность милиции Узбекской ССР в годы Великой Отечественной войны (1941-1945 гг.). Дисс. канд. юрид. наук. - Т., 1972. -24 с.

4. *Атаджанов А.* Организация и деятельность рабоче-крестьянской инспекции в Туркестанской АССР (1920-1924 гг.). Автореф. дисс. канд. ист. наук. - Т., 1966. - 27 с.

5. *Гулямов З.* Проблемы совершенствования деятельности милиции в период становления демократического правового государства. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. - Т., 1995. - 19 с.

6. *Джакишев А. У.* Деятельность милиции Кыргызстана по охране общественного порядка и борьбе с преступностью (50-е годы). Автореф. дисс. докт. ист. наук. - Бишкек, 1998. - 25с.

7. *Джалилов Т.* Создание рабоче-крестьянской милиции в Туркестане и ее деятельность по укреплению Советской власти (1917-1924 гг.). Автореф. дисс. канд. юрид. наук. - Т., 1964. - 27 с.

8. *Ерметов А.* Туркистон АССРда назорат органлари ва уларнинг тоталитар тузум ўрнатилишидаги ўрни (1918-1924 йиллар). Т.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. - Т., 2006.

9. *Зияева Д.* Национально-освободительное движение в Туркестане в историографии XX века (проблемы изучения истории восстания 1916 года и движения «истиклолчилик» 1918-1924 гг.). Автореф. дисс. докт. ист. наук. -Т., 1999. - 61 с.

10. *Инатов М.* Письма узбекистанцев в официальные органы как исторический источник (вторая половина 20-х годов XX века). Автореф. дисс. канд. ист. наук. - Т., 2005.

11. *Леонов С. В.* Создание Советской государственности: теория и практика (1917-1922 гг.). Автореф. дисс. докт. ист. наук. - М., 1998. - 62 с.

12. *Минаков С. Т.* Советская военная элита 20-х годов: состав, социо-культурные особенности, политическая роль. Автореф. дисс. докт. ист. наук. - Орел, 2000. - 64 с.

13. *Мухамедов А.* Создание и деятельность Советской милиции в Туркменской ССР (1917-1936 гг.). Дисс. канд. юрид. наук. - Ашхабад-Ташкент, 1972. - 25 с.

14. *Норжигитова Н.* Историография «Басмаческого движения» в Туркестане (советский период). Автореф. дисс. канд. ист. наук. - Т., 1995. - 27 с.

15. *Раджабов К.* Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918-1924 гг.). Автореф. дисс. докт. ист. наук. -Т., 2005. -64 с.

16. *Раджабов К.* Истиклолчилик ҳаракати в Ферганской долине: сущность и основные этапы развития (1918-1924 гг.). Автореф. дисс. канд. ист. наук. - Т., 1995. - 32 с.

17. *Таумуратов Н.* История милиции Каракалпакистана в период восстановления национальной государственности (1917-1936 гг.). Автореф. дисс. канд. ист. наук. - Нукус, 1999. - 24 с.

18. *Хайдаров М.* Централизаторская политика Советской власти в Туркестане и ее последствия (1917-1924 гг.). Автореф. дисс. канд. ист. наук. - Т., 1998. -28 с.

19. *Ҳайдаров И.* Ўзбекистонда Иқтисодий Кенгашлар фаолияти (1917-1924 йй.). Т.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. - Т., 2007.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	3
---------------	---

I БОБ. ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА СОВЕТ ТУЗУМИНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

1.1. Мавзу тарихшунослиги ва манбашунослиги	5
1.2. Туркистонда Октябрь тўнтаришидан кейинги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳвол	17
1.3. Ишчи-деҳқон милициясининг ташкил топиши ва унинг вазифалари	30
1.4. Ишчи-деҳқон инспекциясининг тузилиши ва унга юклатилган ваколатлар	47

II БОБ. ТУРКИСТОН АССРДАГИ НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Ишчи-деҳқон милициясининг фаолияти ва ундаги зиддиятлар	66
2.2. Ишчи-деҳқон инспекциясининг Туркистон иқтисодиётида тартиб-интизомни ўрнатиш борасидаги фаолияти	84

III БОБ. НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИНИНГ КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШ МАСАЛАСИ

3.1. Назорат органлари учун кадрлар тайёрлаш тизими	100
3.2. Туркистон АССР назорат органлари ижтимоий- иқтисодий ҳаётидаги зиддиятлар. Назорат органларида кадрлар таркиби	121
Хулоса	141
Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати	146

Қайдлар учун

А. ЕРМЕТОВ

Туркистонда назорат органлари фаолияти
(Ишчи-деҳқон милицияси ва Ишчи-деҳқон
инспекцияси 1917-1924 йилларда)

Муҳаррир В. Умиров
Бадий муҳаррир Б. Хусанов
Техник муҳаррир У. Хамутов
Мусаҳҳиҳ Г. Келдиёрова
Саҳифаловчи С. Жураев

Босишга 25.12.07 да руҳсат этилди. Бичими 60x84^{1/16}.
«Таймс» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.
Шартли б. т. 10. Адади 300 нусха. -ракамли буюртма.

“ABU MATBUOT-KONSALT” МЧЖ нашриёти
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-А уй.

“Print LAZOS” МЧЖ босмахонасида офсет усулида чоп этилди.
100117, Тошкент шаҳри, Сўғалли ота кўчаси, 7-А уй.



8500